

# ПЕДАГОГИК АТАМАЛАР ЛУҒАТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

## **ПЕДАГОГИК АТАМАЛАР ЛУҒАТИ**

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2008

Педагогик атамалар луғати 2000 га яқин таълим-тарбияга оид тушунчаларнинг қисқача шарҳини ўз ичига олган бўлиб, унда сўнгги йилларда педагогика фанида кенг қўлланилаётган янги атамалар изоҳини беришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур луғат мутахассис олимлар, таълим-тарбиянинг барча бўғинларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар, таълим муассасалари раҳбарлари, изланувчилар, докторант ва аспирантлар, талаба ҳамда ўқувчилар учун кўмакчи, дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

#### Тузувчи муаллифлар:

п.ф.д., проф. Р.Х.Джураев, п.ф.д. Ў.Қ.Толипов,  
п.ф.д., проф. Р.Ғ.Сафарова, т.ф.д., проф. Х.О.Тўракулов,  
п.ф.н. М.Э.Иноятова, п.ф.н. М.С.Диванова

#### Тақризчилар:

педагогика фанлари докторлари,  
профессорлар *С.Нишонов*,

*Э.О.Турдиқулов*

ISBN 978-9943-09-683-7

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти, 2008 йил.

## СЎЗБОШИ

Сўз — тушунчанинг нутқдаги ифодаси. Шунга кўра сўзларда турли даражадаги тушунча ва атамаларнинг маъноси ифодаланади. Педагогик атамалар луғатида бугунги кунда педагогика фани ва таълим-тарбия соҳасида қўлланиладиган турли сўз ва атамаларнинг мазмуни изоҳланади. Уларнинг соҳа доирасида ифодаладиган маънолари очиқ берилади. Педагогик атамалар луғатини тузишда аниқ шарҳлаш, изчилик, кетма-кетлилик тамойилларига амал қилинди. Мазкур луғатда ҳам фақатгина педагогик маънога эга бўлган сўзлар танлаб олинди ва атамаларнинг педагогик маъноларигина шарҳланди. Луғатнинг характерли жиҳатларидан яна бири — унда сўзларнинг замонавий педагогик маънолари шарҳланганлигидир.

Сўзлар ёки атамалар муайян соҳага ихтисослашган бўлади. Улар луғатларда маълум тартибда жойлаштирилади. Педагогик атамалар луғати педагогика илмининг ривожланиши ва оммалашувида муҳим ўрин эгаллайди. Унда педагогика фанида барқарорлашган ва шакллана бошлаган билимлар акс этади. Мазкур луғат илмий, ижтимоий, педагогик вазифаларни бажаради: луғатхонга муайян педагогик ҳодиса ҳақида маълумот беради; уларни педагогика соҳасидаги сўз ва атамалар билан таништиради. Мутахассиснинг педагогика ва таълим-тарбия соҳасидаги сўз бойлиги ва билим доирасини оширади. Мазкур луғат ҳозирги вақтда педагогика ва таълим-тарбия соҳасида маълумот, ахборот тўплаш ва уни мутахассисларга етказишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

1925 йилдан бугунги кунга қадар республикамызда 50 дан ортиқ соҳа бўйича 140 тага яқин атамалар луғати нашр этилган бўлиб, улар орасида педагогик атамалар луғати мав-

жуд эмас. Бугунги кунга келиб педагогика илми, таълим-тарбиянинг тез суръатлар билан ривожланиши натижасида педагогик атамалар луғатини яратиш зарурияти юзага келди. Педагогик атамалар луғатининг вазифа доираси жуда кенгдир.

Мазкур луғат мутахассис олимлар, таълим-тарбиянинг барча бўғинларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар, тарбиячилар мураббийлар, таълим муассасалари раҳбарлари, ўқувчи ҳамда талабалар, изланувчилар, аспирант ва докторантлар учун кўмакчи, дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

## А

**Абжад** - араб ҳарфларидан тузилган ва ҳар қайси ҳарфларнинг сон қийматини ҳамда қадимий араб алфавити сирасини эсда сақлаш учун ўйлаб чиқарилган саккизта сўздан биринчисининг ва шу саккиз сўз мажмуининг номи.

**Абзац** - 1) хат боши, сатр боши; 2) иккита хат боши орасидаги матн.

**Абитуриент** - ўрта-махсус таълим муассасаси, академик лицей, касб-ҳунар коллежини битириб, олий ўқув юртига киришга талабгор.

**Абстрактлаш** - мавҳумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат таълим методи.

**Автомониторинг** - ўқитувчининг ўз касбий фаолиятига қай даражада тайёрлигини назорат қилиш. Ўз-ўзини баҳолаш ва интеллектуал салоҳиятини мунтазам ривожлантириб боришни назорат қилиш жараёни.

**Авторитар таълим-тарбия** - ўқувчини ўқитувчига бўйсундиришдан иборат бўлган таълим-тарбия усули.

**Авторитар технология** - 1) анъанавий таълим жараёнининг ифодаси бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчи объект, ўқитувчи субъект сифатида фаолият кўрсатишига асосланган тизим; 2) ўқув-тарбия жараёнида ўқувчини бўйсундириш асосида бошқариш технологияси.

**Автореферат** - педагогик тадқиқотни амалга оширган муаллифнинг реферати. Диссертация автореферати.

**Аграфия** - (лот. ёза олмайман) - нутқ фаолиятидаги камчилик туфайли ўқувчида ёзиш кўникмаларини шакллантириш мумкин эмаслиги.

**Адабиёт** - 1) ўқув фани; 2) ўқув адабиёти-таълим жараёнида муайян ўқув фанидан бериладиган таълим мазмунининг маълум бир қисмини ўзида мужассамлаган китоб.

**Адабиёт Давлат таълим стандарти** - адабиёт таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгал-



лайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Адабиёт ўқитиш методикаси** - 1) адабиёт таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) адабиёт ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Адабиёт ўқув предмети** - муайян доирадаги адабий асар намуналари, шунингдек адабиёт тарихи ва назариясини ўрганишга қаратилган ўқув предмети.

**Адабий кеча** - ўқувчиларни адабий асар мазмуни ва ёзувчилар ижоди билан таништиришга қаратилган оммавий, синфдан ва мактабдан ташқари тадбир.

**Адабий ўйинлар** - ёзувчилар ижоди ва адабий асар ҳақидаги маълумотларни аниқлашга қаратилган адабий-дидактик ўйинлар.

**Адабий ўқиш** - 5-9 - синфларда ўқиш ва адабий асар таҳлиliga асосланган адабиёт ўқитиш тизими.

**Адабли** - одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қиладиган; тарбияли, ахлоқли. Адабли бола. Адабли бўлмоқ.

**Адабсизлик** - одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган иш, одоб-ахлоқ доирасига сифмайдиган хатти-ҳаракат.

**Адаптация** - ўқув жараёни, ўқув фаолиятига мослашув.

**Адекват** (лотинча *adequatus* - тенглашган, мос, айнан бир, ўхшаш) - билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари ва алоқаларини уларнинг объектив мазмунига тўғри келадиган аниқ ва мос қилиб олиш. Инсон онги объектив борлиқни ижтимоий амалиёт асосида адекват эттира боради.

**Адекватлик** - илмий тадқиқот иши натижасининг тадқиқот объекти кечиши, яъни объектнинг функционал вазифаларини (ўзгариш, ишлаш қонуниятларини ва ҳ.к.) айнан акс эттиришини назорат қилиш.

**"Адолат ўлкасига саёҳат" методи** - дидактик ўйин тури.

**Адъюнкт** - олий таълим ёки ИТМнинг адъюнктурасига белгиланган тартибда қабул қилинган ва ҳарбий йўналишдаги алоҳида дастур асосида маълум мутахассислик бўйича номзодлик диссертацияси устида илмий иш олиб бораётган мутахассислик ёки магистрлик дипломига эга бўлган олий маълумотли изланувчи.

**Академик (сифат)** - 1) академиянинг илмий муассаса ёки олий ҳамда ўрта махсус ўқув юрти маъносидаги тушунчаларига тааллуқлилиқни билдиради; 2) Ўзбекистон ва МДХда етук ижрочилиқ жамоалари, театрларга бериладиган фахрий ном.

**Академик нашр** - фан, адабиёт ва санъат асарларининг илмий асосда тайёрланган нашри. Асосан мутахассислар ва илм аҳлига мўлжалланади, илмий тадқиқот мақсадини кўзда тутди.

**Академизм** - 1) илмий тадқиқот муассасалари ва ўқув юртларида; қуруқ назарияга берилиб кетиш, амалиётдан узилиб қолиш, қуруқ назарияга таянишдан иборат.

**Академик лицей** - муайян фанни чуқур ўргатишга йўналтирилган ўрта махсус таълим муассасаси.

**Академия** - 1) илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган олий илмий муассаса; 2) баъзи бир олий ўқув юртларининг номи. Қишлоқ хўжалиги академияси. Ҳарбий медицина академияси.

**Акмеалогия** - инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомилли ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганадиган фан тармоғи.

**Акселерация** - болалар ва ўсмирларда оғирлик ва тана ҳажмининг катталашуви, физиологик ўсишдаги жадаллашув, эрта жинсий балоғатга етишни ифодаловчи соматик ривожланиш.

**Аксиология** - қадриятлар тўғрисидаги фан.

**Алгебра** - математиканинг миқдорлар устида бажариладиган амалларининг умумий қонунлари ҳақидаги ўқув фани.

**Алгоритм** - кўрсатилган мақсадга эришиш ёки қўйилган топшириқ (масала)ни ечишга қаратилган вазифа(амал)лар кетма-кетлигини бажариш борасида ижрочига тушунарли ва аниқ кўрсатмалар бериш.

**Алгоритмик характердаги даража** - назарий билим, амалий кўникма ва малакалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, бир хил типдаги масалаларни ёзиш, еча олиш ҳамда эслаб қолиш фаолиятини амалга ошириш кўникмасини ифодалавчи даражалар.

**Алифбо** - эск. айн. алифбе.

**Алифбе** - бошланғич синф дарслиги. Биринчи синф ўқувчилари учун алифбе.

**Алифбе дарслиги** - 1- синф ўқувчиларига савод ўргатишга мўлжалланган ўқув китоби.

**Аллома** - фаннинг бир ёки бир неча соҳасини мукамал эгаллаган, илмли, эрудицияли шахс.

**Алманий номидаги намуна иш мактаби** - Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасидаги собиқ рус-тузем мактаби биносида маҳаллий аҳоли болалари учун 1918 йилда очилган мактаб. Мактабда ўқувчиларга меҳнат ва политехника таълимидан бошланғич тушунчалар сингдирилган.

**Алогизм** - (а - инкор қўшимчаси, logos - идрок) - илмий билишда мантиқий фикрлашнинг ролини инкор этадиган оқим.

**Алфавит** - тил, муайян ёзувнинг маълум тартибда жойлашган ҳарфлари мажмуи. Ўзбек алфавити. Алфавит тартиби. Алфавит кўрсаткичи

**Альтернатив** - муқобил, муқобил ўқув материали.

**Альтруизм** - инсоннинг бошқа кишиларга ўз манфаатини кўзламаган ҳолда ёрдам кўрсатишга қаратилган характер хусусияти.

**Альбом** - расм чизиладиган қалин қоғозли дафтар, ўқув кўроли.

**Амалий машғулотлар** - махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб,

тахсил олувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шакли.

**"Амриқо" (бутун сўзлар) усули** - 1) 20-йиллардан бошлаб Ўзбекистон мактабларида жаҳон тажрибасидан ўрганиб қўлланилган усул. 2) Америка мактаблари тажрибасида қўлланилгани каби ўқувчилар яхши биладиган ҳайвон ва паррандаларнинг расмини кўрсатиб, уларнинг расм остидаги номларини ўқувчиларга ўқитиш усули. 3) ҳарфларга шаклан ўхшайдиган буюм тасвири воситасида яхлит сўзлар ясаш усули.

**Анализ методи** - 1) педагогик тадқиқот методи бўлиб, унда текшириш объекти фикран таркибий элементларга ажратиб тадқиқ қилинади; 2) ўқув вазиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш, чуқур текшириш, ўрганиш.

**Аналитик метод** - таҳлил қилишга йўналтирилган таълим методи.

**Анатомия ўқув предмети** (юн. кесаман ёраман) - айрим аъзолар, системалар ва бутун организмнинг шакли ва тuzилиши ўрганиладиган ўқув предмети.

**Андиша** - одамлар орасидаги ҳурмат ва эҳтиёткорлик ҳисси.

**Андоза** - қолип, модель.

**Анжуман** (араб.-йигин) - 1) кенг доирада ўтказиладиган мажлис, йиғилиш, кенгаш; 2) бир даврда яшаб, бир соҳада фаолият кўрсатган атоқли шахслар гуруҳи, жамияти; 3) бир хил касбдаги ҳунармандларнинг бирор маслаҳатли иш юзасидан вақти-вақти билан йиғилишиб ўтказиладиган мажлиси, шогирдларни ишга ўтказиш йиғини, маросими, зиёфати.

**Аниқлаштириш методи** - умумий назариядан айрим қўллашларга ўтиш ёки мавҳумликдан аниқ кўп хилликка ўтиш; аниқлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (мисол, масала, чизма, модель, алгоритм, ҳисобот, иншо ва ҳ.к.)лар мажмуи.



**Аниқлик** - педагогик тушунча ва ҳодисаларнинг тўғри, объектив ифодаси.

**Анкета** - педагогик тадқиқот методи бўлиб, тегишли маълумот олиш, тўплаш учун белгиланган сўроқ варақаси.

**Аннотация** - китоб, қўлланма ва шу кабиларнинг аҳамияти, мазмуни ҳақида қисқача маълумот.

**Анология** - ўхшаш- парадигма.

**Антик педагогика** - (лот. *antiquus* - ибтидоий, қадимги; юнон. *paidagogit* - қараб туриш, кўз-қулоқ бўлиб туриш) - педагогика фанининг эраиздан аввалги VII-V асрлардаги қадимги Греция, Рим, қадимги Хитой ва Ҳиндистоннинг таълим-тарбия ҳақидаги таълимотларини ўрганувчи бўлими.

**Антропологик педагогик технологиялар** - бола шахсига ниҳоятда катта аҳамият берилиши билан фарқланадиган технологиялар, қолаверса эҳтиёжлари етакчилик қилади.

**Антропология** - 1) одамнинг келиб чиқиши, эволюцияси, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ - тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан; 2) инсоннинг биологик табиатини ўрганувчи фан.

**Антропоцентризм** - инсонни коинот маркази сифатида қаровчи фалсафий қараш бўлиб, гуманистик педагогика таянадиган асосий фалсафий категориялардан бири.

**Анъана** - узоқ замонлардан бери авлоддан-авлодга, оталардан болаларга ўтиб, давом этиб келган урф-одат, ахлоқ меъёрлари, қарашлар йиғиндиси.

**Анъанавий ўқув адабиётлар** - билим олувчиларнинг ёши, психологик ва физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, матн ўлчовлари, қоғоз сифати, муқова тури каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда қоғозга чоп этиладиган манбалар.

**Апостроф** - ёзувда ҳарфий белги билан кўрсатилмайдиган унли ўрнида сатр устига қўйиладиган белги.

**Апробация** - педагогик тадқиқот натижаларини расмий жиҳатдан белгилаш.

**Араб тили Давлат таълим стандарти** - араб тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгалдайидиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Араб тили хонаси** - араб тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Араб тили ўқитиш методикаси** - 1) араб тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) араб тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Арифметика** - ўқувчиларга математик сонларнинг оддий хоссаларини ҳамда улар устида бажариладиган амалларни ўргатадиган ўқув фани.

**Архив методи** - кундалик қайдномалар ва ёзувлар, архив маълумотлар, меҳнат ёки ижодий фаолиятни таҳлил қилувчи тадқиқот тури.

**Асл манба** - бирор асар ёки матннинг шарҳланмаган, бошқа тилга таржима, таҳрир қилинмаган (муаллиф тузатишлари ва таҳрири бундан мустасно) асл нусхаси.

**Аспирант** - олий таълимдан кейинги юқори босқичда таълим олиб, муайян соҳада номзодлик илмий даражасини олиш учун фаолият кўрсатадиган шахс.

**Аспирантура** - олий ўқув юртлари ёки илмий текшириш институтлари ҳузурида фан номзоди даражасидаги юқори малакали ўқитувчилар ёки илмий кадрлар тайёрлашга ихтисослашган ўқув муассасаси.

**Ассистент** (лот.- *assistens* - ёрдам берувчи) - 1) мутахассис ёрдамчиси, профессор ёки доцентларга кўмаклашадиган кичик мутахассис (масалан: профессор ассистенти); 2) олий ўқув юртларида илмий унвон ва ўқитувчилик лавозими.

**Астрономия** - ўқувчиларда осмон jismlari тўғрисида илмий тушунча ҳосил қиладиган ўқув фани.



**Астраномия ўқув предмети** - коинотда осмон жисмларининг жойлашиши ва ривожланишини илмий жиҳатдан ўқувчиларга ўргатадиган ўқув предмети.

**Атама** - билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси.

**Атрофлича фикрлаш** - муайян масалани тафаккур воқитларидан фойдаланиб, атрофлича босқичма-босқич ҳал қилишдан иборат ақлий фаолият.

**Аттестат** - 1) ўқув муассасасини тугатганлиги тўғрисидаги давлат ҳужжати. Етуқлик аттестати - умумий ўрта мактабни битириб чиққан ўқувчиларга бериладиган давлат ҳужжати; 2) илмий ёки махсус унвон берилганлик тўғрисидаги шаҳодатнома. Профессорлик аттестати. Катта илмий ходимлик аттестати.

**Аттестация** - 1) мутахассисларнинг ишга лаёқати, маънавияси, билим даражаси ва ҳуқуқ-атворини аниқлаш ва шу асосда ишга тайинлаш ёки унвон бериш учун ўтказиладиган синов; 2) Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида муайян таълим муассасаси фаолиятининг асосий йўналишлари: моддий-техник базаси, кадрлар билан таъминланганлиги, ўқув-тарбиявий ишларнинг ташкил этилиши, бошқарув даражаси, ўқув-услубий таъминоти, ўқувчилар ва талабалар билим даражаси ва бошқа қатор кўрсаткичлар бўйича давлат таълим стандартларига нечоғлиқ мувофиқ эканлигини аниқлаб берувчи жараён.

**Аудитория** - олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида дарс ўтказиладиган хона.

**Аутотренинг** - ўз-ўзини ишонтиришга асосланган махсус машқлар мажмуи.

**Афина тарбияси** - милoddан аввалги VII-V асрларда Афинада шакланган ҳамда қадимги Грецияда қўлланилган тарбия тизими.

Афина тарбиясининг мақсади ҳар томонлама ривожланган инсонни шакллантиришдан иборат бўлган. У ўзида ақлий, эстетик, нафосат, ахлоқий ва жисмоний тарбияни мужассамлаштирган. Нафосат тарбияси, асосан ўқиш, ёзиш, мусиқа, нутқ маданияти, фалсафа, сиёсатни ўрганиш жараёнида амалга оширилган. Жисмоний тарбия, асосан чопиш, кураш, сакраш, найза отиш каби турлар билан шуғулланишни назарда тутган. Ахлоқий тарбияда, асосан интизомчилик, мардлик, ўзини тута билиш, ўз қадрини билиш каби хислатлар шакллантирилган.

**Ахборот** - 1) амалда қўлланиладиган аниқ хабар. Ахборот - кишилар орасидаги, одамлар ва ЭҲМ орасидаги маълумот алмашилиш ҳодисаси; 2) Ахборот-бирор воқеа, жумладан, таълим-тарбияга оид хабар, маълумот; 3) баъзи вақтда нашрларнинг номи.

**Ахборот билан ишлаш** - турли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат бўлиб, таълим олувчилар гуруҳи ва педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида қўлланиладиган усул.

**Ахборот ресурс маркази (АРМ)** - таълим муассасалари таркибида ташкил этилган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатувчи муассаса.

**Ахборот-таълим муҳити** - таълим жараёнида янги маълумотларни олиш имконини берадиган ўқув вазияти.

**Ахборот технологиялари** - таълим жараёнида ахборот олиш имконини берадиган лойиҳалар.

**Ахборот технологияси** - ахборотни ҳосил қилиш, сақлаш, компьютер ёрдамида қайта ишлашни ифодаловчи фаолият соҳаси. Ахборот технологиясини татбиқ этиш муҳити билан ўзаро боғлиқ бўлган жараёнларга оид алоқадорликни ўз ичига оладиган қўнғим ва воситалар тизимидир.

**Ахборотлаштириш** - ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва хизматлар конвергенциясининг даражаси. Ахборотлаштиришни ривожлантириш жараёнини мувофиқлаштириш - ахборот ҳамжамиятига қўшилишнинг таянч омилidir.



**Ахборотли модул** - янги маълумот беришга йўналтирилган ўқув модели.

**Ахборотни факсимиль узатиш** - одамлар ўртасидаги ахборот алмашинуви ахборотни факсимиль узатиш ёрдамида матн, газета қўлёзма, графика, фотография ва бошқа шу каби ҳар қандай ҳужжатни бир объектдан иккинчи объектга етказиб бериш.

**Ахборотнинг айланма алмашинуви** - "педагогика фани-педагогик маълумотлар банки-педагогик маданият" тизимида педагогик маълумот (ахборот) ларнинг бир маромда ҳаракатланиш жараёни.

**Ахлоқ** - 1) шахснинг ўзаро бир-бири, жамият аъзоларига нисбатан қабул қилинган меъёрлар асосидаги муносабатлари, хатти-ҳаракатлари мажмуи, жамият томонидан қабул қилинган ҳуқ меъёрлари; 2) ҳуқ-атвор, юриштириш, тарбия, одоб.

**Ахлоқли** - яхши тарбия кўрган; одобли, ҳушахлоқ. Ахлоқли бола.

**Ахлоқшунослик** - ахлоқни жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси сифатида баҳоловчи ижтимоий фан тармоғи.

**Ахлоқий маданият** - 1) борлиқни ахлоқий жиҳатдан англаш, баҳолаш ва ўзгартириш учун инсонга имконият яратувчи маданият тури; 2) инсониятнинг ахлоққа оид маданий тажрибасини ифодалаб, кишилар ўртасидаги муносабатларда қадриятларга, ахлоқий меъёр ва тамойилларга амал қилиши ҳамда шахсни ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб боришидан иборат кўникмалар йиғиндиси.

**Ахлоқий тарбия** - ўқувчи ёки талабада ўзаро бир-бирига, жамият аъзоларига нисбатан қабул қилинган меъёрлар асосида муносабатларни шакллантириш жараёни.

**Ахлоқий тренинг** - турли вазиятларда, масалан, муомада маданиятини эгаллашга оид ҳуқ-атвор, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга йўналтирилган тренинг.

**Ахлоқий хислатлар** - ахлоқ - одобга оид муҳим сифатлар.

**Ахлоқсиз** - яхши тарбия кўрмаган, ахлоқ қоидаларига бўйсунмайдиган, интизомсиз бола.

**Ахлоқсизлик** - ахлоқ қонун-қоидаларига хилоф иш, хатти-ҳаракат.

**Аъло** (араб.-юқори) - 1) сифатли, фазилатлари жиҳатидан энг яхши, энг юқори, асл; 2) мадраса талабаларининг юқори гуруҳи (қ.Мадраса); 3) ўқув юртлари, мактабларда ўқувчилар билимларини баҳолашнинг беш балли тизимидаги энг юқори баҳо ("5" баҳо).

**Аълочи** - барча ўқув фанларидан аъло баҳо олишга эришган ўқувчи ёки талаба.

**Ақл** - инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаолияти.

**Ақли заиф болалар мактаби** - ақли заиф болаларни махсус методика асосида ўқитадиган умумий ўрта таълим мактаби.

**Ақлий** - ақл-идрок фаолиятига, фикр юритишга оид; интеллектуал. Ақлий қобилият.

**Ақлий тарбия** - баркамол шахсни ҳаётга тайёрлаш учун зарур бўлган барча ақлий жараёнлар, билиш қобилиятларини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат жараён.

**Ақлий тарбияланганлик** - ақлий сифатларнинг ривожланганлик даражаси.

**Ақлий тестлар** - шахс ақлий заҳирасини намоён қилишга қаратилган психологик диагностика методикаси.

**Ақлий ҳужум** - муаммони ҳал этишга нисбатан интеллектуал ёндашув. Бунда муаммони ҳал этишга оид шахсий фаразлар илгари сурилади.

**"Ақлий ҳужум" методи** - муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод.

**Бадий тарбия** - ёшларни санъатга нисбатан қизиқиш ва меҳр-муҳаббатларини тарбиялаш ҳамда уларда бадий фаолият кўникма ва малакаларини таркиб топтириш жараёни.

**Бадий ўқиш** - таълим усули, адабий асар (шеърый наср, шунингдек публицистика) ёки драматик парчанинг ўқитувчи ёки ўқувчи томонидан тингловчиларга асар моҳиятини бадий-таъсирчан идрокли ўқиш усули.

**Бадий қадрият** - муайян қадрият мезонлари талабларига жавоб берувчи санъат асари.

**Байналмилаллик** - жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги.

**Баён** (араб.) - 1) воқеа, ҳодиса, фикр, мулоҳаза ва шу кабиларнинг оғзаки ёки ёзма ифодаси; 2) матнни ўқиб ёки айтиб берилганлар асосида ёзиб чиқилган иш. Ўзбекистон умумтаълим мактабларида (асосан 2-8 - синфларда) ўқувчиларнинг фикрлашини ривожлантириш бўйича синф ўқув (ёзма) ишининг асосий турларидан бири сифатида фойдаланилади.

**Бакалаврият** - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом тадиган таянч олий таълим.

**Балоғатга етиш** - балоғат, расида (раста) бўлиш, бўйига етиш - организмнинг бир қанча анатомик ва физиологик ўзгаришлар натижасида биологик жиҳатдан секин-аста вояга етиши ҳамда жинсий жиҳатдан етилиб, кўпайишга, яъни наслини давом эттиришга лаёқатли бўлиб қолиши. Қизлар ўғил болаларга нисбатан эртароқ балоғатга етади. Қизларда бу давр аксари 12-14 ёшдан 16-18 ёшгача, ўғил болаларда 13-15 ёшдан 16-20 ёшгача давом этади.

**"Баркамол авлод" спорт ўйинлари** - Ўзбекистоннинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари.

**Баркамол шахс** - камолга етган, бекаму кўст, тўла-тўқис инсон, ақлан ва ахлоқан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, жамиятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидоий шахс.

**Барқарорлик** - доимий, мустаҳкам амал қилувчи ҳолатга эришиш, шунингдек, ушбу ҳолатнинг доимийлиги, мустаҳкамлигини ифодаловчи педагогик тушунчалар.

**Баҳо** - таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда бал ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланиши.

**Баҳолаш** - ўқувчи ёки талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ҳамда шахсий сифати даражаларини белгилаш.

**Белгили маълумот** - алифбо - рақамли белгилар мажмуи, яъни сонли ва сифат белгиларини ўзида мужассамлаштирган маълумот.

**"Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...) ортиқча"** методи - таҳсил олувчиларнинг мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол метод.

**Библиография** - 1) фойдаланилган босма асарларнинг тизимлаштирилган илмий рўйхати; 2) шундай рўйхатлар тузиш усуллари билан шуғулланувчи илмий соҳа; 3) бирор масалага доир китоб, журнал ва мақолалар рўйхати; 4) газета ва журналларнинг янги чиққан китоблар ҳақида ахборот бериб борадиган махсус бўлими.

**"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим"** методи - таҳсил олувчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беришга қаратилган интерфаол метод.

**Билагон** - ҳар нарсадан хабардор, билимдон шахс.

**"Билагонлар кўчаси"** - дидактик ўйин тури. Бунда ҳар гуруҳ портретларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб олган варақаларда номлари ёзилган давлат арбоблари, олимлар, спортчилар кабиларнинг ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак бўлади.

**Билим** - ўқувчи ва талабаларнинг табиат, жамият, фан-техника ютуқлари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари. Ўқувчи ёки талабаларга тақдим этиладиган назарий маълумот.

**Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш** - ўқитувчининг ўқув материалларини тақдим этиш жараёнида мустаҳкамлик принципини таъминлашга қаратилган махсус ишлари.

**Билимдон** - катта назарий маълумотга эга бўлган ўқимишли, илмли, билимли шахс.

**Билимсиз** - билим ва маълумотга эга бўлмаган ўқимаган шахс.

**Билиш** - 1) таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларга тақдим этилган ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражаси; 2) борлиқ ва унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, ўзлаштириш, эгаллаш.

**Билиш компоненти** - бошқаларни ва ўз-ўзини билишга қаратилган психик жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва ҳ.к.

**Билиш назарияси** (гносеология, эпистемология) - билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабатини ўрганади, билиш жараёнининг босқичлари ва шакллари, билишнинг ишончлиги ва ҳаққонийлиги шартлари ва мезонларини тадқиқ қилади.

**Билмоқ** - муайян соҳада маълумотга, билимга эга бўлмоқ.

**Бинар дарс** - таълим олувчилар билимдонлигини таркиб топтириш имконини берадиган мужассамлашган дарс.

**Биографик метод** - педагогик тадқиқот усули, шахс келажагини лойиҳалаштириш, тузатиш (коррекциялаш), талхислаш методи.

**Биоқлим атласи** - ўқув кўргазма материали; очиқ ҳавода ва метеорологик омиллар мажмуи муҳитида одамга таъ-

сир кўрсатадиган иқлим кўрсаткичларининг муайян ҳудуд доирасида тақсимланишини акс эттирадиган хариталар тўплами.

**Биология Давлат таълим стандарти** - биология таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Биология хонаси** - биология фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Биология ўқитиш методикаси** - 1) биология таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) биология ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Биология ўқув предмети** - тирик табиатга оид билимларни ўргатишга қаратилган мактаб ўқув предмети.

**Биоэкосан** - Ўзбекистон ёшларининг "Биоэкосан" ўқув-методик мажмуаси - Ўзбекистонда узлуксиз экология таълимини амалга оширадиган таълим-тарбия муассасаси.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)** - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий жамғармаларидан бири, узоқ вақт давом этган уруш натижасида катта қийинчиликларга дучор бўлган Европа болаларига ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида 1946 йилда тузилган.

**Бит-дарс** - таркибида суҳбат, ўйин ва ижодий машқларни қамраб олувчи мусобақа характеридаги қизиқарли дарс.

**Боб** - дарслик, қўлланма ва бадий асарнинг тугал мазмунга эга бўлган қисми.

**Бодибилдинг**, культуризм (инг. Body-Bulding - тана тузилиши) - спорт тури; тана мушакларини гантель, штанга, тош ва ҳ.к.лар ёрдамида ривожлантириш, уни чиройли ва бақувват қилишга қаратилган машқлар тизими.



**Бола ҳуқуқи** - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари Конвенцияси томонидан тасдиқланган умумий, меъёрий қонун-қоидалар мажмуи.

**Болалар адабий ижодкорлиги** - болаларнинг бадиий сўз санъати ёрдамида ўз туйғулари, фикрлари, борлиқ-ни бадиий-образли идрок этиш ва уни ифодалаш имкониятлари.

**Болалар боғчаларидаги машғулотлар** - мактабгача таълим ёшидаги болалар билан болалар боғчаларида ўтказиладиган таълимий ишлар.

**Болалар боғчаси** - мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбияловчи муассаса. Биринчи марта 1837 йил Германияда немис педагоги Ф.Фребель томонидан ташкил этилган. Болалар боғчаси халқ таълими тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланади (қ. Мактабгача ёшдаги болалар тарбияси). Ўзбекистонда одатдаги болалар боғчаси 3-7 ёшли болаларга мўлжалланган.

**Болалар боғчаси тарбиячиларининг методбирлашмалари** - болалар боғчаси тарбиячиларининг педагогик малака ошириш ва тажриба алмашиш орқали методик ишларни ташкил этишга қўмаклашадиган уюшмаси.

**Болалар боғчасида конструкциялаш** - "конструктор" ёрдамида турли ўйинли қурилиш материалларидан ҳар хил объектлар, масалан уйча, машина, кема, кўприкча каби-ларни ясашга қаратилган ўйин ва машғулотлар.

**Болалар ва ўсмирлар гигиенаси** - гигиенанинг бир соҳаси; гўдакликдан бошлаб то 17-18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланади.

**Болалар жамоаси** - муайян умумий мақсади ва фаолият турига кўра бирлашган болалар гуруҳи.

**Болалар журналлари** - болаларнинг ўқишига мўлжалланган даврий нашр.

**Болалар ижодий кўргазмаси** - болалар ҳаваскорлик ижодий ишларини оммавий намойиш этиш жараёни.

**Болалар ижодиёт уйи** - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мактабдан ташқари таълим муассасаси. 2005 йилда ташкил этилган.

**Болалар кинофильмлари** - болалар ёши ва дунёқарашига мос бўлиб, уларга таълим-тарбия беришга қаратилган кинофильмлар.

**Болалар конференцияси** - турли асарлар ва долзарб масалалар муҳокамасига бағишлаб ўтказиладиган синфдан ва мактабдан ташқари таълимий тadbирлар.

**Болалар кутубхонаси** - мактаб ёшидаги болалалар ва ўсмирларга хизмат кўрсатадиган муассаса. Ўзбекистонда бундай кутубхоналар оммавий равишда 30-йилларда вужудга кела бошлаган.

**Болалар майдончалари** - мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар қошида болалар бўш вақтини ташкил этишнинг мажмуавий шакли.

**Болалар мусиқа мактаблари** - қ. Мусиқа мактаблари.

**Болалар мусиқаси** - болаларнинг тинглаши ва ижро этиши учун мўлжалланган мусиқа асари. Болалар мусиқаси намуналари содда шакли, ёрқин ифодаси, жонли бадиий мазмуни билан ажралиб туради.

**Болалар нафақалари** - давлат нафақалари тўлашга оид қонунга кўра вояга етмаган жисмонан носоғлом болаларга ойлик нафақа тўлаш.

**Болалар психологияси** - психология соҳаси, болалар психологик ривожланишининг умумий ва алоҳида хусусиятларини, турли ёш босқичларида бу жараён қандай кечиши, уни ҳаракатлантирувчи кучлар ва қонуниятларни тadқиқ қилади.

**Болалар спорт мактаби** - болаларга спортнинг муайян турлари бўйича таълим-тарбия берадиган махсус ихтисослашган ўқув муассасаси.

**Болалар танловлари** - фан, техника, адабиёт, санъат каби соҳалар бўйича болаларнинг ўзаро мусобақалашishi.

**Болалар театри** - болалар томонидан ижро этиладиган спектакллар.



**Болалар техника ижоди** - болалар фаолиятининг тури. Одатда, бу фаолият моделлар, механизмлар, оддийроқ машиналар, асбоблар, радио электрон қурилмалари ва ш.к.ни яшашдан иборат.

**Болалар уйи** - қ. Мехрибонлик уйи.

**Болалар фольклори** - оғзаки ижод намуналари. Одатда, болалар ёки улар учун катталар томонидан яратилади. Фольклор жанрининг таркибий қисми.

**Болалар хори** - юқори ва қуйи овоз тембрига эга бўлган ўғил ва қиз болалардан ташкил топган кўшиқ куйловчи жамоа.

**Болалар яслиси** - қ. Ясли боғча.

**Болалар ўйин кўшиқлари** - фольклор жанри. Болалар ўйини жараёнида айтилади. Болалар ўйинининг таркибий қисми бўлиб, ўйин учун замин, кайфият ҳозирлайди, иштирокчилар ҳаракатини тўлдиради, драматик ҳолатни юзага келтиради.

**Болалар ўйинлари** - болаларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбиялаш воситаларидан бири. Болалар ўйинлари болаларни жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиялаш воситаси.

**Болалар** - ўсмирлар спорт мактаблари - қ. Спорт мактаблари.

**Болаларни оталиққа олиш жамияти** - Россияда XIX аср охиридан бошлаб болаларнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш ва таълим-тарбия самарадорлигига эришиш мақсадида ташкил этилган жамият.

**Болаларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари** - бола организмнинг тузилиши, вазифалари, унинг ўсиши ва ривожланишини ўрганувчи ўқув предмети.

**Ботаника** (юн.botanikos - ўсимликка тегишли, botane - ўсимлик, ўт, гиёҳ) - ўсимликлар тўғрисидаги ўқув предмети. Ботаника дарсида ўқувчилар ер юзидаги ўсимликлар дунёсини, ўсимликлар организмларининг яшаш ва ри-

вожланиш қонуниятларини ҳамда уларнинг бу жараёндаги ўзаро алоқаларини, ташқи муҳитга нисбатан муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганади.

**Ботаника хонаси** - ботаника фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Ботирлик** - хавф-хатарли ишга дадил киришиш ва амалга оширишда намоён бўлувчи шахсий сифат.

**Бош компьютер** - ўқув жараёнида кўп машинали ҳисоблаш мажмуаларида бошқа компьютерларни бошқарадиган, тизимда (ҳисоблаш тармоғида) ишларни ташкиллаштирадиган ва асосий ахборот ишловини амалга оширадиган компьютер.

**Бошланғич курс** - муайян ўқув фан соҳаси йўналишидаги илк, бошланғич билимлар ва ушбу соҳага тегишли содда маълумотларнинг тизимли баёни ифодаланган ўқув кўрсатмалар.

**Бошланғич мактаб** - болаларга бошланғич умумий маълумот берадиган умумтаълим ўқув-тарбия муассасаси. Унинг вазифаси ўқувчиларда ёзиш, ўқиш, ҳисоблаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, табиат ва жамият ҳақида илк билимлар бериш, ҳуқ-одобга ўргатишдан иборат. Бугунги кунда Ўзбекистонда бошланғич мактаблар йўқ.

**Бошланғич синф ўқиш китоби** - ўқиш ўқув предмети-нинг асосий мазмунини қамраб олган дарслик.

**Бошланғич таълим** - умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи ЎзРда бошланғич таълим 1-4-синфларни қамраб олади. Унда таълим бериш, уларни ақлий, маънавий, жисмоний камол топтиришнинг дастлабки босқичи.

**Бошланғич таълим Давлат таълим стандарти** - бошланғич таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**"Бошланғич таълим" журнали** - 1- 4- синф ўқитувчи-



лари, педагогика коллежлари, педагогика институтларининг бошланғич таълим факультетлари талабаларига мўлжалланган 2 ойда 1 марта чиқадиган илмий-методик, ахлоқий-таълимий оммабоп журнал.

**Бошланғич таълим педагогикаси** - 1) бошланғич таълим назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) бошланғич таълим методикаси бошланғич синф ўқитиш методикаси билан бўлажак талабаларни қуроллантиришга ихтисослашган ўқув фани; 3) педагогиканинг бошланғич таълимни назарий, асосий ва амалий асосларини ёритишга асосланган махсус бўлими; 4) бошланғич таълим методикасини ёритишга хизмат қиладиган алоҳида тармоғи.

**Бошқариш** - жараёни режалаштирилган маромда амалга ошириш, ўқитиш мақсадларига эришиш дастурини рўёбга чиқариш учун хизмат қиладиган педагогик фаолият.

**Бошқариш педагогикаси** - таълим муассасаларини бошқаришнинг назарий-амалий асослари.

**Бошқарувчи педагогик технология** - нафақат яхлит педагогик жараёни, балки унинг алоҳида қисмларини қамраб олувчи, юксак ижтимоийлаштирилган шарт-шароитни таъмин этувчи технологиялардир. Уларга ташхисловчи, мониторинг, шунингдек, коррекция қилувчи технологиялар кирилади.

**Брайль шрифти** - бўртма нуқталардан иборат. Кўзи ожизлар ўқиш ва ёзиш учун мўлжалланган. Л.Брайль томонидан яратилган Брайль шрифти асосида 6 нуқтани турли вазиятда уйғунлаштиришга асосланган ёзув.

**Брейнсторминг** - таълим олувчиларнинг ижодий ишларини ҳамкорликда ташкил этишларига оид махсус метод.

**Бригада-лаборатория методи** - мактаб ўқув жараёнини ташкил этиш усулларида бири. Америкача *далтон-планнинг* бир кўриниши бўлиб, мустақил ўқув-лаборатория ишларини ўқувчилар бригадаси томонидан бажарилишига асосланган.

**"Бумеранг" технологияси** - ўқувчини машғулот ва машғулотдан ташқари жараёнларда турли ўқув адабиётлари, муаммоли тажриба бажариш мазмуни билан таништириш, фикрни эркин баён этиш ҳамда муайян тажрибани бажариш давомида уни баҳолашга қаратилган технология.

**Бурч** - ўқувчи ёки талабанинг, бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча.

**Бутун сўзлар усули** - савод ўргатишнинг илк даврида ўқувчилар диққатига бир қанча сўзлар ва уларнинг график ифодаси (яъни ёзма шакли) тақдим этилиб, сўзлар бўғинларга бўлиб таҳлил этилмай, фақат ўқувчининг кўрув хотирасига таяниб савод ўргатишнинг аналитик методларидан бири.

**Бўш вақт** - 1) кишининг мажбурий-ижтимоий меҳнати ва бошқа мажбурий машғулотлардан ташқари вақтининг бир қисми; 2) ўз хоҳишига кўра маънавий ва жисмоний ривожланиш, дам олиш учун сарфланадиган вақт.

## В

**Валеология** (лот. Valeo - саломатлик, logos - таълимот) — инсон, шу жумладан ўқувчи саломатлиги ҳақидаги таълимот.

**Валидлик** - тадқиқ этилаётган ҳодисалар соҳасига оид маълумотлар ва уларга нисбатан ташхисий муолажа репрезентативлигини ифодаловчи методиканинг мажмуавий тавсифномаси(тест).

**Ватанпарварлик** - ўқувчи ва талабаларнинг она-юртига, ўз Ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча.

**"Вен диаграммаси" стратегияси (методи)** - ушбу стратегия таҳсил олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш умумлаштириш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади.

**Вербал** - инсоннинг товушли нутқига алоқадор жараён.

**Вербал мулоқот шакллари** - сўз, маъруза, суҳбат, савол-жавоб, насиҳат, мунозара, баҳс, хабар, табрик, танбеҳ, саломлашиш-ҳайрлашиш кабилардан иборат мулоқот тури.

**Верификация** (лот. *verus* - ҳақиқий ва *fakio* - бажараман) - мантиқдаги тушунча. Бунда фаннинг назарий қоидаларини кузатилаётган объектлар, ҳиссий маълумотлар, экспериментларга таққослаш йўли билан уларни текшириш, тажрибавий тасдиқлаш тушунилади.

**Верификация қилиш** - муайян ўқув фанлари доирасида матн устида ишлаш усуллари билан бири бўлиб, унинг ёрдамида назарий қоидалар ҳақиқийлигини текшириш ва тасдиқлаш амалга оширилади.

**Вертикал педагогика** - юқори синф ўқувчиларининг қуйи синф ўқувчиларига ёрдам кўрсатишни ҳамкорликда ташкил этиш шакли.

**"Видеотопишмоқ" методи** - турли ахборот воситалари (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёнини ташкил этиш ва ўқув топшириқларини тақдим қилиш

**Виждон** - ахлоқий тушунча, яхши-ёмоннинг фарқини ифодаладиган ички ишонч, шахснинг хатти-ҳаракатлари учун ахлоқий масъулиятни англаши.

**Визуал** - (кўргазмали) воситалар - доскадаги ёзув. Гео метрик тасвир, тарқатма материал, ўқув плакати ва фотосурат.

**Викторина** - ўқувчиларга ўқув материали юзасидан жумбоқли топшириқлар беришга асосланган машғулоти тури.

**Вояга етганлар** - шахснинг турли соҳаларда мустақил ҳаракат қилиш, ижтимоий муносабатга киришишга лойиқ ёшга етганлиги.

**Вояга етмаганлар** - амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, 18 ёшга етмаган фуқаролар. Вояга етмаганларни тарбиялаш вазифаси - давлат бурчи, фуқароларнинг эса конституциявий мажбурияти ҳисобланади.

**Вояга етмаганлар жавобгарлиги** - 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларнинг жавобгарлиги, жиноят қонунига биноан тайинланадиган қатъий чекланган жазо турлари.

**Вояга етмаганлар меҳнатини муқофаза қилиш** - ўсмирлар меҳнатини муқофаза қилишга қаратилган санитария, техника ва ҳаёт хавфсизлиги қоидалари.

**Вундеркинд** - (нем. *Wunderkind* - айнан ажойиб бола) - зўр ва фавқулодда ноёб қобилиятларини, фаолиятнинг бирор турига лаёқатини барвақт намоён этувчи бола (қ. Истеъдод). "Вундеркинд" сўзи кинояли маънода ҳам ишлатилади.

## Г

**Гениал** - 1) мисилсиз истеъдодли, заковатли шахс; 2) доҳиёна, баркамол, доно - ақл-заковатли, донишманд, ақлли одам.

**Генофонд** - аҳоли (миллат)га хос ирсий белгилар мажмуаси ҳамда унинг покизалиги.

**Географик атлас** - ўқув кўргазма материали, географик хариталарнинг умумий дастур асосида альбом шаклида тайёрланадиган системали тўплами.

**География Давлат таълим стандарти** - география таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**География хонаси** - география фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**География ўқитиш методикаси** - 1) география таъли-



ми назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) география ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Геометрия ўқув предмети** (гео-ер ва метрия-ўлчайман) - мактаб ўқув предмети, геометрия дарсида математиканинг предмет шакллари ва шаклий муносабатларини ўрганадиган бўлими.

**Гимн** - мадҳия. ЎзР нинг гимни унинг давлат мадҳияси ҳисобланади.

**Гимназия** - умумий ўрта таълим ўқув муассасаси бўлиб, унда асосий ва ўқувчиларнинг майл ва қобилиятларига кўра чуқурлаштирилган, касбий табақалаштирилган таълимга йўналтирилган қўшимча ўқув дастурлари асосида ўқитиладиган таълим муассасаси. Ўзбекистон ва айрим хорижий мамлакатларда умумий ўрта таълим беришга ихтисослашган ўқув юрти.

**Гимнасия** - қадимги Грециядаги ўқув тарбия муассасаси.

**Гимнастика** - жисмоний тарбиянинг муҳим тури бўлиб, жисмоний машқлар тизимини ўз ичига олади.

**Гипермедия китоблар** - мультимедия китобларнинг тақомиллашган шакли бўлиб, бунда фойдаланувчи асосий матндан ташқари турли қўшимча манбаларга ҳам (шарҳларга, атамаларнинг изоҳларига, тузатишларига) мурожаат қилиш мумкин бўлган дарслик.

**Гистограмма** - текширилувчи белгиларни частотали тақсимланиши "устунли" диаграмма.

**Глобал таълим** (франц. global- умумий, лот. globus- шар) - 1) бутун ер шарини қамраб олувчи таълим; 2) ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал таълим; 3) кенг қамровли универсал таълим.

**Гнесеологик педагогик негиз** - педагогика назариясининг ижтимоий - сиёсий, табиий, маданий-маънавий борлиққа муносабати ва уни акс эттириши.

**Гнесология** - билиш ҳақидаги таълим.

**Гнозия** - қўшма сўз таркибий қисми бўлиб, "билим маъносини англатади.

**Гностик кўникма** - бўлажак мутахассис шахсини касбий фаолиятни ижодий жиҳатдан амалга оширишга йўналтирилиш, унинг тадқиқотчилик характерини ифодаловчи кўникма.

**Грамматик мактаб** - 1) қадимги Афинада 7-12 ёшдаги ўғил болалар учун ташкил этилган бошланғич мактаб. Унда ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш, ҳарфларни қўшиб сўз ясаш кўникмалари шакллантирилган; 2) қадимги Рим патрицийлар (қадимги Рим дастлабки туб жой аҳолиси) фарзандлари ва чавандозлар учун юқори даражадаги бошланғич мактаб. Унда грамматика, Рим адабиёти ва юнон тилидан таълим берилган; 3) Буюк Британия худудида олий ўқув юртига кириш учун тайёрловчи ўрта умумтаълим мактаблари. 4) Россияда XVII асрда айрим монастырларда юнон ва латин грамматикаси, қадимги дунё адабиётини ўрганиш учун ташкил этилган мактаб.

**Гуманизм** - 1) инсонпарварлик, кишини қадрлаш, унга муҳаббат, ҳурмат билан қараш. 2) уйғониш даврида (XIV-XVI асрларда) Ғарбий Европада илк буржуа маданиятида пайдо бўлган ва буржуазия дунёқараши акс эттирган оқим, феодализм ва унинг идеологиясига қарши курашга, инсонни феодализм ва католицизм асоратидан озод қилишга қаратилган прогрессив ҳаракат.

**Гуманист** - гуманизм тарафдорлари; гуманизм руҳи билан суғорилган инсонпарвар одам.

**Гуманистик** - гуманизмга оид, гуманизм ғоялари билан суғорилган, инсонпарвар, масалан, гуманистик педагогика, гуманистик дунёқараш ва ҳ.к.

**Гуманитар** - 1) инсон шахси, унинг ҳуқуқи ва манфаатларига мансубни англатувчи тушунча ва билимлар; 2) ижтимоий фанларга оид, шахс ва унинг маданиятини ўрганадиган, масалан, гуманитар таълим, гуманитар фанлар педагогика ва психология.



**"Гулхан" журнали** - адабий-бадий, безакли болалар журнали. **Муассислари:** Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси "Камолот ёшлар" ижтимоий ҳаракати.

## Д

**Давлат ва жамият** - Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафолатловчи субъектлари.

**Давлат ва жамият қурилиши академияси,** Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси - раҳбар ходимларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи, улар малакасини оширувчи ўқув-усулий ва илмий марказ.

**Давлат ва ҳуқуқ асослари ўқув предмети** - Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ҳуқуқ асосларини таълим олувчиларга ўргатишга йўналтирилган ўқув предмети.

**Давлат ва ҳуқуқ асослари ўқитиш методикаси** - 1) давлат ва ҳуқуқ асослари таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) давлат ва ҳуқуқ асослари ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Давлат ва ҳуқуқ асослари Давлат таълим стандарти** - давлат ва ҳуқуқ асослари таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Давлат грантлари** - бир қисм, яъни юқори билим ва иқтидорга эга бўлган талабаларнинг таълим олишини давлат томонидан молияташтилиши.

**Давлат илмий кенгаши (ДИК (рус. ГУС) - РСФСР да (1919-1932 йиллар)ги бошқарув методик маркази.**

**Давлат имтиҳони** - Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларида битирув имтиҳони.

**Давлат таълим стандарти (ДТС)** - 1) бу давлатнинг таълим даражасига қўйган меъёри сифатида қабул қилинадиган асосий параметрлар тизими бўлиб, муайян шахнинг таълим тизимидаги мавжуд имкониятлари ва уларни идеал даражага етказишга эришишни англатади; 2) таълимнинг зарур, етарли даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талаблари мажмуасидир.

**Даволаш педагогикаси** - касалманд ёки даволаш муассасаларида муолажа олаётган болаларни ўқитиш, уларга тиббий-педагогик ёрдам бериш масалалари билан шугулланадиган педагогика фанининг алоҳида тармоғи.

**"Давом эттиринг" ўйини** - муайян ўқувчини фикрини бошқа ўқувчи давом эттиришига асосланган ўйин.

**Давра столи** - ўқувчиларни унча катта бўлмаган гуруҳи "бир хил мақом"да иштирок этадиган суҳбат.

**Дадиллик** - шаклланган мақсад асосида амалий ҳаракатларга ўтишга тайёрлик.

**"Далоил ул-хайрот"** - далоилхонада ўқитиладиган асосий дарслик.

**Далоилхона** - Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидаги диний мактаб.

**Дальтон-план (режа)** - Америка Қўшма Штатларининг Массачусетс штатидаги Дальтон шаҳрида яратилган таълим муассасасида таълим-тарбия ишларини тизимлаштиришдан иборат режа. У яқка тартибдаги таълим тамойилига асосланганлиги учун Фарбдаги таълим муассасалари тизимида кенг қўлланилиши билан ажралиб туради.

**Дарс** - 1) узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли;

2) ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантиқий тугалланган, яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг аниқ вақт билан чекланган қисми.

**Дарс-аукцион** - машғулотлар аукцион тарзда ўтказиладиган дарс.

**Дидактик эксперимент методи** - борлиқни ўзгартириб, унинг ички қонуниятларини ўрганиб, унга таъсир этишнинг самарадор усуллари аниқлашга қаратилган тадқиқот методи.

**Дидактик ўйинлар** - таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган махсус таълимий ўйинлар.

**Дидактик адабиёт** - 1) ахлоқий-таълимий, илмий-фалсафий, диний билимлар ва ғоялар бадиий талқин қилинган панд-насиҳат йўналишидаги китоб; 2) ўқув адабиёти.

**Дидактик бирлик** - қўшиш, кўпайтириш, конспекташтириш, сана ва сўзларни эсда сақлаб қолиш, тест ўтказиш, оптималлаштириш усуллари.

**Дидактик марказлашган педагогик технология** - бола шахсига мутлақ бефарқ муносабатни ифодаловчи технология.

**Дидактик материал** - кўргазмали ўқув қўлланмаларнинг махсус турлари.

**Дидактика** - 1) педагогиканинг таълим назарияси билан шуғулланадиган тармоғи; 2) таълим назарияси.

**Дидактизм** - педагогиканинг таълим ва унинг методлари ҳамда ташкилий шакллари ҳақидаги бўлими.

**Диктант** - ўқувчиларга имло ва тиниш белгиларига доир қоидаларни ўргатишда ҳамда бу қоидалар юзасидан ҳосил қилинган малакаларини текшириш мақсадида ташкил этиладиган ёзма иш тури.

**Диний ўқув юрти** - руҳоний тайёрловчи мактаб.

**Диплом** - 1) шахснинг олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тугутганлиги ёхуд илмий даража, илмий унвонга эга эканлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат; 2) бирор ҳуқуқ ёки мукофот берилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома.

**Диплом иши** - Ўзбекистон Республикасида олий ҳамда ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари битирувчиларининг ўқув тадқиқот характеридаги якунловчи иши.

**Диспут** - 1) ўқувчи ёки талабалар ўртасида ўтказиладиган илмий мунозара; 2) илмий даража олиш учун ёзилган ишни ўз ҳамкасблари, маслакдошлари ўртасида очиқ муҳокама қилиш жараёни.

**Диссертант** - илмий даража олиш учун илмий ишни очиқ ҳимоя қилувчи шахс.

**Диссертация** - илмий даража олиш учун очиқ ҳимоя қилинадиган илмий иш. Диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилганларга биринчи даража якунлари бўйича "фан номзоди", иккинчи даража якунлари бўйича эса "фан доктори" илмий даражаси берилади.

**Доккитология** - нутқ шакли; ўзига хос тарзда қўл бармоқлари ёрдамида гаплашиш.

**Докторант** - фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасаларининг докторантурасида маълум мутахассислик бўйича докторлик диссертацияси устида илмий иш олиб бораётган изланувчи.

**Докторантура** - 1) олий ўқув юртларидан кейинги таълимнинг иккинчи даражаси бўлиб, фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга, шахснинг ижодий таълим, касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган; 2) таълим тизимининг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга йўналтирадиган аспирантурадан кейинги таркибий қисми.

**Домла** - 1) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида муайян фаннинг бирор соҳасидан дарс берувчи ўқитувчилар; 2) мактабхона ва мадрасаларда ўғил болаларга таълим-тарбия берган зиёлилар.

**Дорилфунун** - Яқин Шарқ мамлакатларида ўқув юртларининг номи. Баъзи мамлакатлар (мас., Эронда ўрта ўқув юрти, бошқа айрим мамлакатлар мас. Туркия)да эса олий ўқув юрти (университет) маъносида қўлланилади.

**Доцент** - олий ўқув юртларининг мустақил курс олиб



борувчи, илмий текшириш қилувчи юқори ихтисосли ўқитувчисига бериладиган илмий унвон. Доцент унвони республика олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари илмий (илмий-техника) кенгашларининг тавсиясига биноан ЎзР Вазирлар Мақкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан берилади.

**Дунёқараш** - таълим олувчиларнинг дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими, шунингдек, бу қарашларга асосланган эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари.

## Е

**ECTS (European Credit Transfer System)** кредит технологияси - олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишнинг демократик тизими, ягона Европа таълим ҳудудини яратишнинг бошланғич даражаси.

**Етимхона** - ота-онасиз ва қаровсиз болалар учун очилган муассаса.

**Етти йиллик мактаб** - тўлиқсиз ўрта маълумот берадиган 7 йиллик умумий таълим мактаби. Ўзбекистонда 1926/27 ўқув йилидан очила бошлаган. 1958 йилдан 8 йиллик умумий мажбурий таълим жорий қилиниши муносабати билан 7 йиллик мактаблар 8 йиллик мактабларга айлантирилган.

**Етук кадр** - билимли, илмли, жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолатга эришган шахс, мутахассис.

**Етуклик гувоҳнома** - умумий ўрта таълим мактабини битирганлик ҳақидаги ҳужжат.

**Ечим** - ечиш, масала ва муаммонинг жавоби.

## Ё

**Ёзма нутқ** - фикрни ёзма, матн воситасида баён қилиш шакли.

**Ёндашиш** - таълимга ёндашиш тури; педагогик тамойилга кўра, педагогик жараёнда педагогнинг талабалар билан ўзаро муносабати, уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилади ва бугун гуруҳ ҳамда ҳар бир алоҳида талабанинг ривожини учун психологик-педагогик муҳит яратилади.

**Ёрдамчи мактаб** - қ.Ақли заиф болалар мактаби.

**Ёпиқ ўқув муассасалари** - муайян вақт оралиғида ташқи муҳитдан ажратилиб, болаларга таълим-тарбия бериладиган таълим муассасаси.

**Ёш даври** - шахс ва организм шаклланишига хос махсус қонуниятлар йиғиндиси билан изоҳланувчи инсон ривожланишининг муайян босқичи.

**Ёш психологияси** - турли ёшдаги одамлар хусусиятларини, бир ёш давридан бошқа ёш даврига ўтишда уларнинг психик ривожланишини ўрганувчи психология фани соҳаси.

**Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази** - Ўзбекистонда халқ таълими тизимида ўқувчи-ёшларга тўғарак, клуб, сайёҳлик гуруҳлари орқали кўшимча таълим-тарбия берувчи болалар муассасаси.

**Ёш физиологияси** - онтогенетик ривожланиш жараёнида инсон ҳамда ҳайвон организми, алоҳида тана қисмлари ривожланиш қонуниятларини ўрганишга қаратилган физиология фанининг алоҳида тармоғи.

## Ж

**Жавонмардлик** - ўз дастур ва қоидаларига эга бўлган, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш, пиру устоз, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш кабиларга қаратилган маънавий-тарбиявий ҳаракат.

**Жадвал** - маълум изчилликда устунлар, катаклар, сатрлар тарзида кўрсатилган маълумотлар йиғиндиси.

**Жадидчилик** - XIX аср охири - XX аср бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат.

**Жазо** - ўқувчи шахсига таъсир кўрсатиш усули.

**Жамоа** - 1) ягона жамият ва кишилар учун фойдали мақсад, фаолиятга кўра бирлашган, жамият ва кишилар манфаатини кўзлайдиган кишиларнинг ташкилий гуруҳи; 2) кишиларнинг қадимий уюшув шакли.

**Жамоа монография** - ягона муаммони ёритишга бағишлаб бир неча шахс томонидан ёзилган илмий асар.

**Жамоавийлик** - жамоа билан бирдамлик, ўзини жамоанинг бир бўлаги деб ҳис қилиш туйғуси.

**Жараён** - муайян натижага эришиш учун амалга ошириладиган ўқув - ҳаракатлар мажмуи.

**Жаҳон тарихи Давлат таълим стандарти** - жаҳон тарихи таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Жинсий тарбия** - жисмоний, эстетик ва ахлоқий нуқтаи назардан ёшларни тўғри жинсий ривожланишга йўллаш жараёни.

**Жисмоний маданият** - 1) умуминсоний маданиятнинг бир қисми, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий фаолият соҳаси; 2) олий ўқув юртларидаги ўқув фанининг номи.

**Жисмоний машқлар** - жисмоний тарбия вазифаларини ҳал этиш воситаси.

**Жисмоний тарбия** - инсонни жисмоний камолотга эришишига йўналтирилган педагогик жараён.

**Жисмоний тарбия Давлат таълим стандарти** - жисмоний тарбия таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Жисмоний тарбия ўқитиш методикаси** - 1) жисмоний тарбия таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) жисмоний тарбия ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг асосий соҳаси.

**Жисмоний тарбия ўқув предмети** - ўқувчи саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув предмети.

**Жорий назорат** - ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи - талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс жарёнида назорат қилишдан иборат усули.

**Жонли бурчак** - мактабда ташкил этилган тирик мавжудотлар бурчаги.

**Жумбоқ кўчаси** - гуруҳлар эътиборига ҳуқуқий мазмундаги ребус ёки кроссворд (бошқотирмалар)ларни ечиш вазифаси ёки жадвал мазмунини ёритиш топшириладиган дидактик ўйин тури.

### 3

**Заковат** - ўткир ақл-идрок, зеҳн, донишмандлик.

**"Заковат" ўйини** - ўқувчиларнинг ақл-заковатини синашга мўлжалланган дидактик ўйин тури.

**"Заковатли зукко" методи** - таҳсил олувчиларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур даражаларини аниқлашга ёрдам берадиган метод.

**Замонавий мактаб** - педагогик ҳолатлар ва ҳодисаларнинг изчил ўзгаришига мослашган ўқув муассасаси.

**Замонавий педагог** - таълим олувчининг қандай ўқиётганлиги ва ривожланаётганлигини тўлиқ тушуниб, ҳис қила оладиган, яъни унинг ҳаётини ўз шахсий ҳаёти сингари ҳис қилиб, ўқувчининг ички, ахлоқий-маънавий, умуммаданий ўсиб ривожланишига, болалар ҳамда катталар ҳамжамиятининг мустаҳкамланишига кўмаклаша оладиган ўқитувчи.



**Зебуннисо бегим номидаги мактаб** - 1920 йилда Тошкентда етим ва боқувчисиз қолган қизлар учун очилган интернат мактаб.

**Зеҳн** - ўқувчи ёки талабанинг муайян бир фаолият ёки ҳодисаларга нисбатан қизиқувчанлиги, мойиллиги, интилиши, идроки, тушуниши.

**"Зиг-заг" стратегияси (методи)** - таҳсил олувчилар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзуни тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қиладиган метод.

**Зиёли** - касби бўйича ақлий, асосан мураккаб ижодий меҳнат билан шуғулланувчи кишиларнинг ижтимоий қатлами.

**Зодагонлар мактаби** - 1) зодагонлар моддий маблағи ҳисобидан очилиб, уларнинг манфаатини қондиришга қаратилган мактаблар; 2) зодагонларнинг фарзандларига таълим-тарбия берадиган ўқув муассасаси.

**Зоология** (зоо - ҳайвон ва логия - фан) - ҳайвонлар тўғрисидаги фан, биологиянинг бир соҳаси.

**Зоология ўқув предмети** - ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги ва тарихий тараққиётини, ҳайвонларнинг тузилиши, ҳаёт кечириши, ривожланиши, шунингдек уларнинг яшаш муҳити билан муносабатларини ўргатадиган ўқув предмети.

**Зулфия номидаги давлат мукофоти** - Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 1999 йил 10 июндаги фармонида биноан таъсис қилинган. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрларида аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қиладиган 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади.

**Зуфунун** - ўзининг ўта қобилияти, ақл-идроки, ўткир зеҳнлилиги билан барча фанларни эгаллаган шахс, илм соҳиби.

## И

**Идеал** (юнон. тимсол, ғоя, тушунча) - бирор нарса, воқеа ва ҳодисанинг олий намунаси, камолоти, жамият аъзолари интилувчи олий мақсад.

**Идентификация** - идентификация субъектнинг ўзини ўзга объект, гуруҳ, гуруҳ вакилига ўхшатиш ёки тенглаштиришда эмоционал-когнитив англаш жараёнидир.

**Идентификацияланган ўқув мақсади** - талабалар хатти-ҳаракатлари орқали ифодаланган режалаштирилган ўқув натижаларини тўла ташхислаш ва ўқитишда қайта такрорланиш имкониятини яратиш учун аниқ белгиланган ўқув мақсади.

**Идрок** - ўқувчи ва талабанинг билиш, тушуниш қобилияти, зеҳни, фаҳм-фаросати.

**Иерархия** - бир бутун нарса ёки ҳодисалар айрим қисмлари ёки элементлари.

**Ижод** - ўқувчи ва талабанинг яратувчилиги, кашфиёти.

**Ижодий изланиш** - педагог бошчилигида қўйилган муаммолар, масалаларни ечиш йўллари фаол излашни ташкил этишга хизмат қиладиган усули.

**Ижодий изланиш методи** - педагог бошчилигида қўйилган муаммо ва масалаларни ечиш йўллари фаол излашни ташкил этишга хизмат қиладиган методлар.

**Ижодий ўзлаштириш даражаси** - ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини турли ҳолатларда тадбиқ эта олиш, масала ечишнинг турли йўллари излаш имконини берадиган ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси.

**Ижодкор** - мустақил яратувчилик хусусиятига эга бўлган ўқувчи ёки талаба.

**Ижодкорлик** - янги моддий ва маънавий қадриятларни яратиш билан натижаланадиган фаолият тури.

**Ижоднинг ривожлантирувчи функцияси** - таълим-тарбия жараёнини ўзаро узвий боғлаб олиб бориш учун хизмат қилиб, шахснинг интеллектуал, сезгирлик ва ўз хоҳиши билан интилиш каби жиҳатларига эришганлик даражаларини ўз ичига оладиган ҳодиса.

**Ижтимоий марказлашган педагогик технология** - бола ҳаётий фаолиятининг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари, параметрларини ривожлантириш ва ўзгартиришга қаратилади.

**Ижтимоий педагогика** - 1) жамоатчилик тарбия институтлари ҳақидаги фан; шахсни шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия тизими; 2) шахсни ижтимоийлаштириш, жамият ҳаётига тайёрлаш муаммолари билан шуғулланадиган педагогика фанининг алоҳида тармоғи.

**Ижтимоий педагогик адаптация** - замонавий педагогик ва инновацион технологияга ўқитувчи ва ўқувчиларни мослаштириш жараёни.

**Ижтимоий педагогик фаолият** - болаларни ижтимоийлаштириш, уларга халқнинг ижтимоий-маданий тажрибаларини сингдириш орқали, жамият ҳаётига тайёрлашга йўналтирилган фаолиятдир.

**Ижтимоий-перцепция** - ижтимоий нарсa ва ҳодисаларни таълим олувчилар томонидан идрок қилиниши ёки тушунилиши.

**Ижтимоий-психология** - одамларни жамиятдаги бир-галикдаги иш фаолиятлари натижасида, уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ҳиссий кечинмалар ва хулқ-атворларини ўрганувчи психология фанининг алоҳида тармоғи.

**Ижтимоий тарбия** - таълим олувчилардан ижтимоий аҳамиятга молик фазилатлар ва тажрибаларни шакллантириш жараёни.

**Ижтимоий таълим** - шахснинг ижтимоийлашувига ёрдам берувчи билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни.

**Ижтимоий функция** - бўлажак касб таълими ўқитувчиларига хос бўлган жамиятдаги зарур вазифаларни бажариш, уларни сифат даражасини таъминлай олиш, ижтимоий меъёрларга амал қилиш, ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил эта олиш, жамиятдаги муайян мақсадларни касбий таълим мақсадлари билан уйғунлаштира олиш ва ўз фаолиятини муайян мақсадга йўналтира олиш, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида фикр-мулоҳаза қила олиш.

**Ижтимоийлаштириш** - 1) инсон томонидан жамиятда муайян вақт оралиғида қадриятлар, ахлоқий меъёр, намуна ва кўрсатмаларнинг ўзлаштирилиши; 2) шахснинг турли ижтимоий умумийлик (гуруҳ, ижтимоий институт, ижтимоий ташкилот), ижтимоий муносабатлар тизимига интеграциялашуви. Шахснинг ижтимоий ўз-ўзини аниқлашидан келиб чиқиб, ижтимоий муносабатларнинг умимий тизимида ўз ўрни ва нуқтаи назари.

**Изланишли ёндашув** - ўқувчиларда муаммони ҳал этиш, янги, охиригача тугалланмаган тажрибани мустақил ўзлаштириш, хатти-ҳаракатни амалга оширишнинг янги йўллари излаб топиш имконияти.

**Изланишли метод (эвристика)** - ўқувчиларни аста-секин муаммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун тадқиқотнинг айрим босқичларини бажаришга ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш методи.

**Изоҳли - тасвири ёндашув** - педагогикада замонавий йўналиш бўлиб, у ўқитувчининг маълум ахборотини талабага етказиш ва талабанинг ўз қобилиятига яраша эслаб қолиш жараёни.

**Изоҳли ўқиш** - бошланғич синф ўқувчиларида онгли ва тўғри фойдали ўқиш малакаларини шакллантириш мақсадида қаратилган ўқитиш усули.

**Изуварлар кўчаси** - гуруҳларга 8 ёки 10 та юридик сўздан иборат ҳикоя тузиш вазифаси топшириладиган дидактик ўйин тури.



**Илм** - шахснинг ўқиш, ўрганиш ва амалий тажриба натижасида ортирган билими.

**Илмий даража** - муайян фан соҳасидаги мутахассиснинг илмий малакаси даражаси. Ўзбекистонда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси таъсис этилган. Илмий даража юқори малакали илмий ходимларга фанни бойитувчи тадқиқот ишлари, илмий муаммоларни амалий ёки назарий жиҳатдан ҳал қила оладиган мустақил илмий тадқиқоти ёхуд янги муаммоларни илмий асосланганлигига бағишланган диссертацияларнинг махсус илмий кенгашларда очиқ ҳимоя натижаси асосида илмий кенгаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) эксперт кенгаши тавсиясига биноан олий маълумотга эга бўлган шахсларга ОАК томонидан берилади. Ўзбекистон Республикасида бошқа давлатларнинг муайян муассасалари томонидан берилган илмий даража мувофиқлаштирилгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистонда чет давлатлардаги илмий муассасалар томонидан берилган фахрий илмий даражаларга эга мутахассислар ҳам бор. Бундай илмий даражалар Ўзбекистонда фан, техника ва маданият соҳасидаги ютуқлари учун чет эллик олимларга ҳам берилади. Чет эл олий ўқув юртилари ва илмий тадқиқот муассасаларида лицензиат, бакалавр, магистр, фан доктори илмий даражалари мавжуд.

**Илмий-ёрдамчи библиография** - библиография тури; илмий ва ихтисосли ишлаб чиқариш фаолиятига ёрдам беришга хизмат қилади.

**Илмий - ижодий фаолият кўникмаси** - шахснинг мустақил ишига, мустақил ривожланишига, унинг фаол ва ижодий ибтидосига йўналтирилган фаолият.

**Илмий ишланмалар бозори** - илмий-техникавий ишланмалар ва турли лойиҳалар олди-сотди қилинадиган бозор, бозорнинг йирик сегменти.

**Илмий кенгаш** - олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот

муассасасининг илмий ва ташкилий фаолиятига раҳбарлик қилувчи ҳамда ундаги асосий масалаларни кўриб чиқувчи бошқарув тузилмаси.

**Илмий мавзу** - тадқиқот учун танланган мавзу.

**Илмий-оммобоп адабиёт** - халқ оммаси фан ва техника масалалари, ютуқлари ҳамда фан арбоблари таржимаи ҳоллари билан таништириш учун мўлжалланган нашрлар (китоб, рисола, журнал ва бошқалар).

**Илмий тадқиқот** - янги билимлар ва назарияларни аниқлаш жараёни.

**Илмий тадқиқот институтлари** - фан, техника, ишлаб чиқариш соҳаларида илмий тадқиқот олиб борадиган муассаса.

**Илмий тадқиқотчилик фаолияти** - таълим олувчининг мустақил изланиш, муайян илмий муаммони ҳал қилишга қаратилган фаолияти.

**Илмий тахмин** - муаммони ечишнинг тахминий йўлини илмий тасдиқлаш усули.

**Илмий унвон** - олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва илмий тадқиқот институтлари илмий ходимларига бериладиган унвон.

**Илмий ходим** - муайян илмий тадқиқот муассасаси ёки илмий мавзуси доирасида лабораторияда илмий фаолият билан шуғулланадиган ходим.

**Илмий ғоя** - илмий тадқиқот ишининг ва умуман илмий билиш жараёнининг дастлабки ҳаракатлантирувчи омил бўлиб, у тадқиқот мақсади, унинг йўналиши ва моҳиятини ифодаладиган илмий билиш шакли.

**Илгор педагогик тажриба** - ўқитувчининг таълим-тарбия соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўрганиб бориши, ўз устида ишлаши ва таълим-тарбияни замонавийлаштириш имкониятларини ифодаловчи фаолият тури.

**Имитация** (лот. Imitation - тақлид) - бирор нарсага тақлид қилиш, ўхшатма.



**Имитацион ўйинлар** - имитацион ўйинлар сценарияси, ҳодиса сюжетидан ташқари, имитация қилинадиган жараён ва объектлар таркиби ва аҳамияти ҳақидаги тавсилотларни ўз ичига олган бўлим, цех, корхоналарнинг фаолиятини имитация қилишга асосланган дидактик ўйин тури.

**Имконият** - ўқувчи ёки талабадаги воқеликнинг дастлабки кўриниши, намоён бўлмаган жиҳатлари.

**Имло** (араб. - тўғри ёзиш), орфография - сўз ва гапларнинг, сўз қисмларининг графика воситалари ёрдамида тўғри ёзилиши; муайян тилдаги тўғри ёзиш қоидалари мажмуи.

**Импровизация** - тезкор фавқуллодда ижодкорлик.

**Имтиҳон** (лот. examen-синов) - ўқувчи ва талабалар билим, кўникма ва малакаларини синаш жараёни. Имтиҳонлар давлат имтиҳони, кириш, синфдан (курсдан курсга) кўчириш, танлов имтиҳони ва бошқа турларга бўлинади.

**Имтиҳон сессияси** - олий, ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртларида муайян мутахассислик бўйича ўқув режаси асосида белгиланган имтиҳонларни топшириш даври.

**Инвигилатор** - таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис.

**Инглиз тили ўқитиш методикаси** - 1) инглиз тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) инглиз тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Инглиз тили Давлат таълим стандарти** - инглиз тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Индивид** - 1) алоҳида, мустақил ҳолда мавжуд бўлган организм; 2) алоҳида инсон, шахс.

**Индивидуал ёндашув** - педагогик жараённи ўқувчининг индивидуал ўзига хос жиҳатлари (мижози, характери, қобилияти, мойиллиги ва бошқалар)ни эътиборга олган ҳолда амалга ошириш усули.

**Индивидуал ривожланиш** - индивиднинг туғилгандан бошлаб то ҳаётининг сўнгигача давом этадиган ўзига хос шаклланиш жараёни.

**Индивидуал таълим** - ўқитувчининг ўқувчига яқка тартибда педагогик таъсирини амалга оширувчи ўқув машғулотлари шаклларида бири, ўқитувчининг ўқувчи билан синф жамоасидан ташқарида олиб бориладиган алоҳида фаолияти.

**Индивидуал ўқитиш** - ўқувчи шахсига алоҳида ёндошган ҳолда таълим-тарбия бериш. қ. Индивидуал таълим.

**Ишлаб чиқариш амалиёти** - касбий тайёргарликнинг якуний босқичини тасвирловчи, ўқитишнинг сўнгги ойларида ташкил этиладиган педагогик жараён.

**Индивидуаллаштирилган ўқитиш** - бундай ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш асосида ўқитиш йўллари, усуллари, суръати танланади ва турли ўқув-услубий психологик-педагогик ҳамда ташкилий-бошқарув тадбирлари орқали таъминланади.

**Индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияси** - ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш ва ўқитишнинг индивидуал шакли устувор бўлган таълим жараёни.

**Индивидуаллик** - 1) муайян ҳодиса ва нарсаси, шахс ва жониворнинг ўзигагина хос, бетакрор, хусусий белгилари; 2) инсон руҳиятининг ўзига хослиги, бетакрорлиги.

**Индикатор** - ўқув жараёни ёки таълим объектининг ҳолатини таълим олувчи идрок этадиган қулай шаклда акс эттирувчи асбоб.

**Индукция** (лот. inductio тўғрилаш, тартибга келтириш) - оддийдан мураккабга қараб фикрлаш.

**Инкорпорация** - тизимли ёндашув асосида турли фанларга оид билимларни уйғунлаштириш.

**Инклюзив таълим** - болаларнинг имкониятлари, индивидуал-психологик, жисмоний нуқсон ва ўзлаштириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган махсус таълим жараёни.



**Инноватлар** - ихтиро қилинган янгиликларнинг муаллифи.

**Инновацион вазият** - педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган вазият.

**Инновацион менежмент** - менежмент курсларидан бири, "менежмент" ихтисослиги бўйича юксак малакали мутахассисни тайёрлаш дастурининг таркибий қисми. Таълимнинг янгича бошқарув тизими.

**Инновацион муҳит** - педагогик янгиликларнинг вужудга келиши, уларнинг жадал ўзлаштирилиши ва амалиётга татбиқ қилиниши.

**Инновацион педагогик лойиҳа** - қабул қилинган ва қисмларга ажратилган инновацион педагогик ғоя, фикр.

**Инновацион педагогик режа** - тасдиқланган инновацион ўқув лойиҳаси.

**Инновацион педагогик ғоя** - тизимлаштирилган педагогик ғоялар, ўқув жараёни прогностикаси, маълумотлар.

**Инновацион таълим** - 1) таълим соҳасига киртилган ва киритилаётган янгиликлар; 2) янгиланган, янги технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни.

**Инновацион таълим муассасаси** - янги типдаги таълим муассасалари.

**Инновацион технология** - педагогик тараққиётни таъминлашга қаратилган ташкилий фаоллик жараёни.

**Инновацион ўқитиш** - 1) янгича ўқитиш тизими; 2) ўқувчи ва талабаларни янги киритилган технологиялар асосида ўқитиш жараёни.

**Инновация** - янгидан киритилган тушунчалар, тартиб-қоидалар, технологиялар ва янгиликлар.

**Инсайт** (тўсатдан эшаш, топиш) - кутилмаганда узок ва диққат билан ўйлаган муаммони ҳал этишнинг йўлини топиш.

**"Инсерт" стратегияси** - ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича таҳсил олувчиларнинг муайян тушунчаларга эғалиklarини аниқлаш ва уларда матнга нис-

батан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантириш усули.

**Инсерт усули** - ўқув матни устида ишлаш жараёнида ўқувчининг фаоллик кўрсатиши, ўз билимларини баҳолаш учун қўлланадиган усул.

**Инсон** - 1) барча жонзотларнинг энг юқори поғонасида турадиган мавжудот, ижтимоий жараёнлар субъекти; 2) ижтимоий меҳнат асосида шаклланган тафаккур ва нутққа эга бўлиши, меҳнат қуроллари яшаш ва атроф-муҳитга фаол таъсир кўрсата оладиган олий даражадаги тирик мавжудот.

**Инсон ва жамият таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти** - инсоннинг маънавий-ахлоқий қирралари, унинг табиат ва жамиятга бўлган муносабатини шакллантиришга йўналтирилган ўқув материали мазмуни ва ўқувчиларнинг бу соҳада ўзлаштирган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган модели намунаси.

**Инсонпарварлик** - инсоннинг қадри, эркинлиги, бахтсаодати, тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодаловчи тушунча.

**Инсонпарварлик педагогикаси** - XX асрнинг 50-60-йилларида АҚШ да пайдо бўлган, психологиянинг инсонпарварлик ғоялари асосида қурилган тарбия назарияси ва сиёсатнинг янги йўналиши бўлиб, эркин, баркамол инсон шахсини шакллантиришга қаратилган педагогик қарашлар мажмуи.

**Инсоф** - бу адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир.

**Институт** - 1) турли соҳаларга ихтисослашган олий таълим муассасаси; 2) фаннинг муайян йўналишида илмий тадқиқот ишлари амалга ошириладиган илмий муассаса.



**Интеграция** - 1) ўқув фанларининг ўзаро алоқадорлиги; 2) латинча "integratio" сўзидан олинган бўлиб, қайта қуриш, тиклаш, тўлдириш; "integri" -тўлиқ, бутун, яхлит деган маънони англатади. Интеграция - бир-бири билан органик бирлашиб кетиш, бир-бирига ўзаро сингдириш, бир-бири билан бирлашиб янги, ягона барқарор умумлашган-яхлит ғояни ҳосил қилиш.

**Интеллект** - 1) инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; 2) турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати; 3) шахснинг ақл-идроки, заковати, ташқи дунёни идрок этиш ва ижтимоий тажрибани ўзлаштириш даражаси.

**Интеллектуал** - ақл-заковот эгасига хос бўлган ақлий, маънавий, қобилият, салоҳият.

**Интеллектуал мулк** - ижодий, ақлий фаолият маҳсули.

**Интеллектуаллик коэффициенти** - шахснинг турли тест услублари асосида аниқланадиган ақлий ривожланиш кўрсаткичи, билим савияси.

**Интеллигент** - ўқимишли, заковатли, маданий киши, закий, зиёли.

**Интенсив** - энг кўп маҳсул берадиган, серунум, сермаҳсул, мас., интенсив метод.

**Интенсив таълим** - жадал, тезкор амалга ошириладиган ўқув жараёни.

**Интерактив усул** - таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорлик, мулоқот.

**Интервью** - респондентлар билан бевосита оғзаки мулоқат натижасида ижтимоий ва руҳиятшуносликка оид маълумотлар олиш усули.

**Интервью методи** - ўқувчи билан ўқитувчининг ёки тадқиқотчининг ўқитувчи ҳамда ўқувчи билан ўтказган суҳбати.

**Интернат** (лот. Internus-ички) - Ўзбекистонда мактаблар ва айрим ўқув юртлари қошида ўқувчилар учун, шунингдек, ота-онасиз қолган болалар (қ.Интернат мактаб, Меҳрибонлик уйи), 1-ва 2-гуруҳ уруш ҳамда меҳнат ногиронлари, фаҳрийлар уйи. Ўзбекистонда И.лар, асосан, 1919 йилдан бошлаб ташкил этилган.

**Интернат-мактаб** - 1) муайян жисмоний нуқсонга эга бўлган болаларнинг яшаб таълим олишига ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаби; 2) аниқ бир йўналишда билим беришга ихтисослашган таълим муассасаси.

**Интерфаол усул** - таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорлик мулоқоти.

**Интерференция** - меъёردа кечаётган жараённинг бошқасини аралашуви сабабли бузилиши.

**Интизом** - ўқувчиларнинг жамиятда таркиб топган ҳуқуқ, ахлоқ меъёрларига, шунингдек, бирон-бир таълим муассасалари талабларига жавоб берадиган муайян ҳуқ - атвор ва ўзини тутишга оид тартиб-қоидалар.

**Интроверсия** - шахснинг тафаккур ва диққат-эътиборини ўз-ўзига қаратиш.

**Интуиция** - шахснинг ҳақиқатни далил билан исботламасдан, бевосита фаҳм-фаросат билан англаб олиш қобилияти.

**Информатика** - ЭҲМ, коммуникатив тармоқ, турли ахборот технологияларига оид билимларни ўргатишга ихтисослашган ўқув фани.

**Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари** Давлат таълим стандарти - информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитиш методикаси** - 1) информатика ва ҳисоблаш техникаси асос-

лари таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Информацион** - педагогик модул - илмий тадқиқот натижалари ёки педагогик тажрибалар ҳақида ихчам, қисқа маълумот берувчи, шахсий компьютерда ягона кадрга жойлаштирилган ёхуд белгиланган форматнинг моддий узатувчиси, ихчамлаштирилган маълумотлар картасининг тасвири.

**Информацион педагогика** - педагогик кибернетикага асосланган таълим назария ва технологияларини уйғунлаштирган педагогика.

**Иншо** (педагогикада) - мавзунини ўқувчи мустақил ёридадиган ёзма иш турларидан бири.

**Ирсият** - 1) организмнинг ўз белгилари ва хусусиятларини келгуси авлодга ўтказиш, яъни организмнинг ўзига ўхшаш наслларини бунёд этиш хоссаси; 2) анатомик, физиологик, психологик жиҳатлар, унинг қобилият ва иқтидорини ривожлантиришга йўналтирилган, ота-онасидан ўтган белгилари.

**Исбот методи** - мулоҳаза, ҳукм, назариянинг чинлигини педагогик жиҳатдан аниқлаш усули.

**Исбот методи компонентлари** - тезисни аниқлаш; исботлаш усули, етарли далилларни саралаш; ҳулосаларни тавсифлаш, фикр, алгоритм, моделлар, зарур схема.

**Исломий тарбия** - Ўрта Осиёга Ислом дини билан кириб келган диний тарбия бўлиб, Қуръони Карим асосида ишлаб чиқилган диний, ҳуқуқий, фуқаролик ва ахлоқ-одоб қоидалари мажмуи.

**Испан тили Давлат таълим стандарти** - испан тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Испан тили хонаси** - испан тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Испан тили ўқитиш методикаси** - 1) испан тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) испан тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Истеъдод** - 1) ниҳоятда зўр қобилият, бирор соҳада юксак даражадаги лаёқат, талант; 2) муайян мураккаб фаолиятни мустақил, оригинал ҳал эта олиш имконини берувчи лаёқатлар уйғунлиги.

**Ички толерантлик** - шахснинг маънавий-руҳий ҳолатида ўз билим ва тажрибаларига таянган ҳолда ҳар қандай муаммо юзасидан тўғри ва бировлар қадр-қимматини ерга урмаган ҳолдаги қарорларни ўзи учун қабул қила олиш имконияти.

**Ихтисос** - инсон томонидан ҳаётнинг муайян соҳаси бўйича махсус тайёргарлик йўли билан ҳосил қилинган назарий билим, амалий кўникма ва малакалар мажмуи.

**Ишбилармонлик театри** - муайян ўқув вазияти ва ушбу вазият иштирокчиларининг хатти-ҳаракати ифодаланган, саҳналаштирилган ўқув жараёни.

**Ишбилармонлик ўйини** - муайян ўқув фани доирасида ишлаб чиқилиб, педагогик ўйинларнинг барча таркибий қисмларини ўз ичига қамраб олган дидактик ўйин тури.

**Ишлаб чиқариш** - Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, кадрларга бўлган эътиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини ва моддий техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

**Ишлаб чиқариш педагогикаси** - ўқув жараёнида ўқувчиларга ишлаб чиқариш технологияларини ўргатишнинг



назарий асослари, қонуниятларини ўрганишга ихтисослашган педагогика фанининг алоҳида тармоғи.

**Ишлаб чиқариш таълими** - ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларга муайян йўналишда ишлаб чиқариш технологияларини ўргатадиган ва уларни аниқ касбга йўналтирадиган таълим жараёни.

**Ишланма** - муайян мақсадга йўналтирилган ўқув жараёни ёки ўқув материалнинг лойиҳаси.

**Ишора** - 1) кўз, қош, қўл ва бош ҳаракати билан ифодаланган белгилар; 2) инсоннинг қўл ҳаракати, ишора ёрдамида ўз ички ҳолати ёхуд ташқи оламдаги объектнинг ҳолатини ифодалаш учун қўлланиладиган ҳаракат.

**Ишонтириш методи** - тарбиячининг ўқувчилар онги, руҳияти, иродасига таъсир этиш йўли билан уларнинг характеридаги ахлоқий, интеллектуал ва бошқа ижобий ҳислатларини шакллантирувчи метод.

**Ишчан ўйинлар** - ўқувчини ўйин асосида фаоллаштириш ва билимларни чуқур ўзлаштиришга йўналтирилган таълим методи.

**Ишчилар факультети** (рабфак) - Ўзбекистонда ўрта маълумоти бўлмаган ишчи ва деҳқонларни олий ўқув юр்தларига киришга тайёрлаш мақсадида очилган умумий таълим ўқув юрти.

**Иқтидор** - ўқувчи ёки талабанинг куч-қудрати ёки бирор муаммони ҳал қилишга қодирлигининг ифодаси.

**Иқтидорлилик** - инсонга янада юксалиш, фаолиятнинг бир ёки бир неча соҳалари бўйича бошқаларга қараганда юксак натижаларга эришиш имконини берувчи тизими, ривожланувчан руҳий хусусият.

**Иқтисодий билимлар асосида ўқитиш методикаси** - 1) иқтисодий билимлар асосида таълимни назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) иқтисодий билимлар асосида ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Иқтисодий билим асослари Давлат таълим стандарти** - иқтисодий билим асослари таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Иқтисодий география** - мамлакат хўжалик тизими, ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари ҳудудий жойлашуви қонуниятларини ўргатувчи ўқув предмети.

**Иқтисодий маданият ўқув предмети** - иқтисодий билим асослари фанининг бошланғич курси, иқтисодий билимларни ўргатишга мўлжалланган мустақил ўқув предмети.

**Иқтисодий мувофиқлик** - таълим тизими учун ажратилган маблағларни самарали, мақсадли сарфлаш тизими.

**Иқтисодий тарбия** - ўқувчиларни асосий иқтисодий тушунчалар билан таништириш, уларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш ва иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини шакллантирадиган тарбия тури.

**Иқтисодий таълим** - узлуксиз таълим жараёнида ёшларга иқтисодий билим беришга йўналтирилган ўқув фани, таълим соҳаси.

## Й

**Йўналтирувчи саволлар** - ўқувчилар изоҳлашга қийналган нарса ёки ҳодисани тўлиқ ва тўғри ёритишга йўлловчи саволлар.

## К

**Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш** - узлуксиз таълимнинг бир тури бўлиб, мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган даражага етказишга қаратилган таълим жараёни.

**"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"** - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қолиплардан тўла халос этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берадиган миллий тизимини яратишдан иборат бўлган вазифаларни ўз ичига олган, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида Президент И.А.Каримов ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастури.

**"Камалак"** - "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати таркибида фаолият кўрсатадиган мактаб ўқувчиларининг ижтимоий уюшмаси.

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати** - 1) Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўз-ўзини бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилоти; 2) ўз ҳаркат дастури ва Низомига эга бўлиб, ёшларни она-Ватанга меҳр-муҳаббатли, мустақил фикрловчи, ташаббускор, миллий истиқлол ғояларига содиқ шахс қилиб тарбиялашга йўналтирилган ташкилот.

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси** - "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини бошқарувчи шахс.

**Камтарлик** - кишилар билан мулоқотда соддалик, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлиш, бошқаларга ҳурмат билан қараш, ўз хизматлари ва ютуқларини таъкидлашдан йироқ туриш кабилар билан ифодаланувчи шахсий сифат.

**Карлар мактаби** - туғма қар ёки ёшлигида эшитиш қобилиятини йўқотган болалар (қ.Карлик) учун очилган интернат мактаб типидagi махсус таълим-тарбия муассасаси.

**Карлик, гаранлик** - мутлақо эшитмаслик ёки кулоқнинг сўзни англай олмайдиган даражада "оғир"лиги.

**Кар-соқов болалар мактаби** - кар-соқов болаларга таълим-тарбия беришга ихтисослашган махсус ўқув-тарбия муассасаси.

**Каррикуляр валидлик** - тестнинг ўқув фани режаси ва дастурига мос келиш тавсифи, тест топшириқларининг

дарслик, ўқув қўлланмалар ва назарда тутилаётган ўқув фани бўйича ишчи дастурга қай даражада мос келишини ифодаловчи ҳодиса.

**Картаграфик тадқиқот усули** - воқеа-ҳодисаларни библиш, илмий таҳлил қилиш ва олдиндан айтиб бериш учун тайёр географик хариталардан фойдаланиш усули.

**Касбга йўналтириш тизими** - турли давлат ва ижтимоий ташкилотлар, муассаса, мактаблар, шунингдек, оиланинг ташкилий ва бошқарилувчан фаолияти бўлиб, у жамият манфаатлари ва таълим олувчиларнинг шахсий қизиқишларига кўра касбий ва ижтимоий ўз-ўзини аниқлаш жараёнидир.

**Касбий йўналиш** - мотивация соҳасидаги хоҳиш-майилларга кўра аниқланадиган касбий фаолият мотивациясининг интеграл тавсифномаси бўлиб, шахс қизиқишлари муносабатлари ва мақсадга қаратилган интилишларидан иборат йўналишдир.

**Касбий маҳорат** - таълим жараёнида педагогик стратегия, стратегик мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, инновацион-педагогик фаолиятни ташкил этиш, таълимни бошқариш жараёнига тизимли ёндашувларни лойиҳалаш технологияларини жорий этиш ҳамда бошқарув усуллари, методлари ва тамойилларидан самарали фойдаланишдан иборат касбий техника даражаси.

**Касбий мотивация** - касбга тегишли вазифаларни бажариш ва касб танлашни белгиловчи, атроф, борлиқ омиллари, касбга йўналтиришга оид фаолият таъсирида шаклланивчи майл.

**Касбий тажриба** - авлодларнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш ва уларни бошқарув амалиётида қўллашни таъминлаб берувчи тушунчалар тизими бўлиб, раҳбарнинг ўз фаолияти давомида фан-техника янгилигига, илғор тажрибаларга таяниш ҳамда мазкур тажрибалар асосида ўзининг кўникма ва малакаларини шакллантириб бориши билан бир қаторда жамоа фаолиятини бошқариш тажрибаси.



**Касбий тайёргарлик** - таълим олувчиларнинг муайян иш ёки ишлар мажмуини бажариш учун зарур малакаларни жадал эгаллаш мақсадини назарда тутадиган педагогик жараён.

**Касбий тарбия** - инсон касбий маданиятига оид стратегия, усул, малака, касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёни.

**Касбий таълим** - муайян соҳага оид иш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълим.

**Касбий ўз-ўзини аниқлаш** - шахс фикрининг танланган, ўзлаштирилган ёки бажарилган меҳнат фаолиятида ифодаланиши.

**Касб-хунар коллежи (КХК)** - 1) муайян касб-хунарни эгаллашга ихтисослаштирилган ўрта махсус таълим муассасаси; 2) ўқувчиларнинг касб-хунар мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб танлаш имконини берадиган таълим муассасаси.

**Касб-хунар таълими педагогикаси** - касб-хунар коллежлари ўқув-тарбия жараёнига ихтисослашган педагогика фанининг алоҳида тармоғи.

**Касб-хунарга йўналтириш** - ўқувчиларга муайян касб-хунар ҳақида маълумот бериш орқали уларни шу касбга қизиқтириш, йўллаш жараёни.

**Катехизис** (грек. оғзаки ўргатаман, таълим бераман) - Европада бир неча асрлар давомида мактабларда қўланиладиган бошланғич диний билимларни савол-жавоб тарзида ўргатувчи курс.

**Катта ёшдагилар педагогикаси** - педагогика фанининг олий ўқув юрти шарт-шароитларида ёшларни тарбиялашнинг назарий масалалари ва методикасини ишлаб чикувчи алоҳида тармоғи.

**Катта илмий ходим** - Ўзбекистонда илмий текшириш муассасалари ва олий ўқув юртларида илмий унвон ва лавозим.

**Катгалик** - бир объектни ҳаракатлантирувчи ва унинг муайян бир нусхаси учун берилган сонли ёки матнли қийматни белгиловчи кўрсаткич.

**Кафедра (грек. ўтириш)** - 1) олий, ўрта махсус ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув муассасаларида бир ёки бир-бирига яқин бир неча фанлардан ўқув методика ва илмий тадқиқот ишлари олиб борувчи, шунингдек илмий-педагогик кадрлар тайёрловчи, мутахассислар малакасини оширувчи асосий бўлим; 2) даъват этиладиган, нутқ ўқиладиган юқоридаги ўрин; 3) олий ўқув юртларидаги ягона йўналишга тааллуқли мутахассислар уюшмаси. Кафедрани мудир бошқаради.

**Кашфиёт** - изланиш, текшириш, илмий тадқиқот натижасида, баъзан эса тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик.

**Кейс** (ингл. Case - ҳодиса, шарт-шароит) - амалий муаммолар ифодаланган ўқув материаллари йиғиндиси.

**Кейс усули** - ўқувчиларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган усул.

**Кейс технологияси** - ўқувчиларнинг мустақил қарорлар қабул қилишлари, муаммоли саволларга тўғри ва ҳаққоний жавоблар топишларига қаратилган, ўқитувчи кузатувчи (эшитувчи) вазифасини бажарадиган таълим технологияси.

**Кембриж университети** - 1209 йил (XVII аср)да Декартнинг рационализм ва Беконнинг индуктив методи асосида ривожланган илм-фан маркази бўлиб, янги типдаги университетлардан ўрта аср анъанавий таълим тузилмаси сақланиб қолган, коллежлардан ташкил топган, ўқув ишлари асосан коллежларда амалга оширилган, талабалар тьюторлар раҳбарлигида мустақил равишда ўз мутахассисликларига оид манбаларни ўрганадиган Англиянинг қадимий университетларидан бири.

**Кечки мактаб** - катта ёшдаги ўқувчиларнинг иш вақтлари тугагач, таълим-тарбия жараёни бошланадиган мактаб.

**Кимё Давлат таълим стандарти** - кимё таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Кимё ўқитиш методикаси** - 1) кимё таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) кимё ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Кимё ўқув предмети** - нарсаларнинг тузилиши, асосий хусусиятлари, ривожланиши ва ўзгаришини ўргатишга қаратилган ўқув предмети.

**Киношрифт** - кар-соқов болаларни ўқитадиган мактабларда оғзаки нутқ материални шрифтлар орқали кўрсатиш учун қўлланиладиган кўргазмалар восита.

**Кирилл ёзуви** - қадимий славянларнинг икки алифбосидан бири. У христианликнинг славянлар орасидаги тарғиботчиси Кирилл номи билан боғлиқ атама.

**Китобларга қўйиладиган гигиеник талаблар** - китобни жиҳозлаш, нашр этиш ва у билан муносабатга киришишга оид талаблар.

**Кичик гуруҳ** - миқдорига кўра оз сонли ўқувчилардан иборат жамоа, у ўқув фаолияти орқали бирлашган таълим олувчилар гуруҳи.

**Кичик мактаб ёши** - бошланғич 1-4 - синфларда ўқувчиларнинг ёш даври.

**Кичик мутахассис** - умумтаълим ва касб-ҳунар таълими дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ЎМҚХТ ўқув муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражаси.

**Кичик технологиялар** - ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига оладиган технологиялар.

**Классик педагогика** - 1) антик давр - Юнонистон, эллинизм ва қадимий Рим таълим-тарбияси; 2) педагогик меросдаги оламшумул қимматга эга бўлган, таълим-тарбияга оид мукаммал асарлар.

**Классификация** - таснифлаш.

**Классификатор** - 1) олий таълим муассалари ва касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлашга қаратилган мутахассислик ва таълим йўналишлари; 2) таълим ва билим соҳалари, таълим даражаларини назарда тутувчи касб, мутахассислик ва таълим йўналишларининг тизимлаштирилган рўйхати.

**"Кластер" (тармоқлар) методи** - 1) ўқувчиларни манتيкий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, атамалар, тушунчалар ва воқеаларнинг бир-бири билан боғлиқлигини англаб олишга ўргатувчи метод; 2) кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, таҳсил олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам берадиган усулдир.

**Когнитив** - шахснинг мустақил фикрлаш жараёни.

**Когнитив таълим** - алоҳида иқтидорли болаларга таълим-тарбия.

**Когнитив услуб** - 1) шахснинг билиш жараёни стратегиясида қўллайдиган ўзига хос билиш хусусиятлари; 2) махсус танланган тестлар тўпламига кўра назорат қилиш усули ёки хусусий билиш кўрсаткичлари мажмуи.

**Коллеж** (фран. college-биродар, ўқув жойи) - 1) турли мамлакатларда ўрта таълим ўқув юрти ўқувчиларига Давлат таълим стандартлари асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берадиган ўқув муассасаси;

2) ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим, кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллашга йўналтирилган ўқув муассасаси; 3) Буюк Британия, АҚШ ва айрим бошқа мамлакатларда олий, ўрта, юқори ўрта ўқув юрти; 4) Франция, Швейцария, Бельгия, шунингдек, Африка ва Осиёнинг бир қанча мамла-



катларидаги ўрта ва тўлиқсиз ўрта ўқув юрти; 5) Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрти.

**Коллоквиум** (лот. суҳбат, сўзлашиш) - 1) таълим тизимида талабаларнинг билим даражасини аниқлаш ва ошириш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулоти шаклларида бири; 2) маърузалар тингланиб, муҳокама қилинадиган илмий йиғилиш; 3) ўқувчилар билим даражасини аниқлаш мақсадида ўқитувчининг улар билан амалга оширадиган мулоқоти.

**Комил инсон** - бекаму кўст, тўлиқ камолотга эришган етук шахс.

**Комил инсон ғояси** - бекаму-кўст, тўлиқ камолотга эришган етук шахсни шакллантириш ҳақидаги концепция.

**Коммуникабельлик** - алоқа ва муносабатлар ўрнатиш, мулоқотга мойиллик лаёқати. Коммуникабельлик хусусиятига эга бўлган шахс мулоқотда ёқимли ва атрофдагилар билан осон муносабат ўрната олади.

**Коммуникатив** - мунозара фаолият технологияси - ўқитувчининг ўқув жараёнига инновацион ёндашувини талаб қиладиган технология.

**Коммуникативлик** - шахслар орасидаги ўзаро ахборот алмашинув, алоқа, муносабат.

**Коммуникатив маданият** - юксак даражадаги мулоқот кўникмаларига эгалик.

**Коммуникатив технология** - шахсларнинг ўзаро мулоқотга киришишини таъминловчи технология.

**Компетенция** - у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик.

**Компьютер** - муайян дастур бўйича ишлайдиган автоматик қурилма.

**Компьютерли моделлаштириш** - компьютер воситасида муайян ўқув моделларини яратиш жараёни.

**Компьютерлаштирилган ўқитиш технологияси** - компьютер воситасида амалга ошириладиган таълим тизими.

**Конант педагогикаси** - педагогика тарихида алоҳида ўрин эгаллаган таълим олувчиларнинг синфий фарқларга эътибор қаратилмайдиган, миллий бирликка ундайдиган йўналиш.

**Кондуктив педагогика** - педагогиканинг майиб ёки имконияти чекланган болаларни ўқитиш билан боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи тармоғи.

**Концепция** - 1) муайян соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, далил ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назар; 2) педагогика соҳасидаги етакчи ғоя, назарий фикр, ҳодиса ва жараёнларни турлича тушуниш, қарашлар тизими; 3) таълимнинг муайян соҳаси ёки педагогика фанини ривожлантиришга йўналтирилган давлат ҳужжати; 4) адабиётда бирор асарнинг асосий ғояси.

**Конституция кўчаси** - дидактик ўйин тури.

**Конструкциялаш фаолияти** - ўқувчи ёки талабанинг ихтиро ва талқинларни амалга ошириш жараёни.

**Конференция** (лот. konferentia - бир жойга тўплаш) - давлат ёки партия, жамоат ва олимлар вакилларининг муайян масалани муҳокама этиш учун йиғилиши.

**Конфессионал мактаблар** - муайян диний таълим-тарбияни амалга оширишга қаратилган ўқув муассасалари.

**Концерт дарслари** - ўқувчилардаги мавжуд мусиқий билимларни амалда қўллаш, ўзлари ва бошқаларнинг билимларига баҳо бериш, саҳнада ўзини тутиш, жамоа бўлиб ва якканавозликда қўйлаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг мусиқий қолғуларига жўр бўлиш, рақс элементларини бажариш ва ҳ.к. ларни намоён қилишларига мўлжалланган дарс.

**Корейс тили Давлат таълим стандарти** - корейс тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Корейс тили хонаси** - корейс тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Корейс тили ўқитиш методикаси** - 1) корейс тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга му-



айян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) корейс тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Коррекция** - руҳий, жисмоний камчиликларни бартавраф этиш ва тузатишга йўналтирилган педагогик даъволовчи тадбирлар тизими.

**Коррекцион-тарбиявий ишлар** - аномал болаларни соғломлаштиришга қаратилган таълим-тарбиявий тадбирлар.

**Креатив тестлар** - (лотин. creatio - ижод қилиш, яратиш) - шахснинг ижобий лаёқатини ўрганиш ва баҳолаш методикалари мажмуаси.

**Креативлик (ижодийлик)** - қандайдир янги, бетакрор нарсаярата олиш лаёқати, бадий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён.

**Кредит** - (European Credit Transfer System-ECTS) синовдан ўтди (зачёт), ўқув муассасасида маълум бир курсни ўтганлик ҳақида гувоҳнома.

**Кузатиш методи** - 1) объектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларни тизимли, узлуксиз, батартиб, мукаммал идрок қилиш жараёни; 2) психологик-педагогик тадқиқотлардаги асосий эмпирик методлардан бири. Психологик-педагогик ҳодисани мақсадга қаратилган тизимли ўрганишда муайян шароитларда улардаги хусусий ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида қўлланилади; 3) воқеликни таълим жараёнида идрок қилиш имкониятини берадиган педагогик тадқиқот методи.

**Кузатиш технологияси** - илмий тадқиқот ишларини бажариш давомида тадқиқотнинг амалий жиҳатларини муайян алгоритмик тизимда амалга ошириш технологияси.

**Куллиёт** (араб.-тўла, бутун) - муайян адибнинг тўла ёки асосий асарлари тўплами.

**Културизм** (франц. culturisme, инг. Phusikal culture - тана тарбияси) - қ. Бодибилдинг.

**Кун тартиби** - ўқув кунининг қатъий тарзда тақсимланган режаси.

**Куратор** (лот. Curator - васий, нозир, мутавалли) - 1) ўқув округи нозири; 2) Финляндияда ўқув тўғараги раҳбари, ўқитувчи, аспирантлар ишига раҳбарлик қилувчи профессор-ўқитувчи.

**Курс** (лот. Kursus - югуриш, ҳаракат) - 1) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқув даври, босқичи (масалан: биринчи курс, иккинчи курс ва ҳ.к.); 2) бирор фан ва илм соҳасининг муайян доирадаги тугалланган баёни (масалан: таълимнинг курс тизими).

**Кутубхона каталоги** - бир ёки бир неча кутубхона фондида мавжуд китоблар, ҳужжатларнинг таркиби ва мазмунини очиб берувчи библиографик ёзувлар рўйхати. Кутубхона каталоги карточкали ёки компьютер ёзувлари шаклида бўлиши ва электрон дисклар ёки китоб ҳолида кўпайтирилиб сақланиши мумкин.

**Кутубхонашунослик** - босма нашр (китоб, газета, журнал ва б.)лардан жамоатчиликнинг фойдаланиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, тизими ва шакллари ўрганадиган фан тармоғи. К. вазифаси кутубхоначилик иши назариясини ривожлантириш, уни ижтимоий ҳодиса сифатида ривожлантириш қонунларини таҳлил қилиш, кутубхоналарни ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётидаги ўрнини ўрганишдан иборат.

**Кўзи ожизлар мактаби** - кўзи ожиз ўқувчиларга таълим-тарбия беришга ихтисослашган ўқув муассасаси.

**Кўникма** - ўқувчи ёки талабанинг ўзлаштирган билимлари асосида муайян амалий ҳаракатни бажара олиш фаолияти.

**Кўргазмали ўқув қўлланмалар** - таълимнинг кўргазмали воситалари; табиат, жамият, нарса, ҳодисаларнинг табиий ёки бадий ифодаси.

**Кўрлар мактаби** - кўр ва заиф кўрувчи болалар учун интернат мактаби типидаги махсус таълим-тарбия муассасаси.



**Лаёқат** - қ.Қобилият.

**Лафз** - берилган ваъда, аҳд, сўз.

**Лиbkнехт номидаги намуна иш мактаби** - Ўзбекистондаги дастлабки тажриба-намуна мактаби. Тошкентлик педагог В.Ф.Лубенцов бошчилигидаги муаллимлар ташаббуси билан 1918 йилда Тошкент вилоятининг Яланғоч қишлоғида собиқ рус билим юрти биносида очилган.

**Лицей** - 1) Фарбий Европа, Лотин Америкаси, Африканинг бир қанча мамлакатларидаги умумий ўрта таълим ўқув юртлари; 2) Россия Федерациясидаги айрим умумий ўрта таълим ва ҳунар ўқув юртларининг номи; 3) Ўзбекистонда ўрта махсус ўқув юрти. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ, академик лицей сифатида ташкил этилган; 4) муайян фан соҳаси бўйича чуқур билим беришга ихтисослашган ўрта махсус таълим муассасаси.

**Лойиҳалаш методи** - педагогиканинг прагматик йўналишига асосланган ҳолда, таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалаш ва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларини намоён қилишларини таъминловчи таълим шакли.

**Локал тармоқ** - 1) муайян ҳудудга хос бўлган нарса, воқеа-ҳодисалар; 2) муайян ҳудуд оралиғида жойлашган компьютерларда ўзаро ахборот алмашиш имконини берувчи тармоқ.

**Лугат** - 1) муайян тилда, унинг ҳудудий ёки ижтимоий лаҳжасида мавжуд бўлган, у ёки бу ёзувчи асарларида учрайдиган сўзлар йиғиндиси, лексика; 2) сўз ёки сўзлар (ёки морфемалар, сўз бирикмалари, иборалар ва бошқалар) муайян тартибда (алифболи, уяли, мавзули) жойлаштирилган, тавсифланувчи бирликлар, уларнинг келиб чиқиши, маънолари, ёзилиши, талаффузи, услубий мансублиги, бошқа тилларга таржимаси ҳақида маълумотлар жамланган китоб.

**Мавлоно** (арабча-бизнинг жаноб) - Ўрта Осиё, Афғонистон ва Покистонда энг юқори лавозимдаги амалдорлар, ёзувчи, олим ва фозил кишилар, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган сўз.

**Мавзу** - муҳокама, маъруза, дарсликдаги ўқув материаллари, илмий асар ва бошқаларнинг асосий мазмуни.

**Магистр** - 1) айрим мамлакатларда бакалавр ва фан доктори ўртасидаги илмий даража; 2) бакалавр даражасидан фарқли равишда маълум ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассис ҳисобланиб, у илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият кўрсата оладиган мутахассис; 3) таянч олий таълим курсидан сўнг қўшимча дастур асосида ўқиб, махсус имтиҳонларни топширган ва муайян илмий ишни ҳимоя қилган шахс; 4) Ўзбекистонда "Таълим тўғрисида" ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мувофиқ университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида олий таълимнинг 2-босқичи - магистратурани тугатганларга бериладиган даража.

**Магистрант** - магистр даражасини олиш учун диссертация тайёрлаган киши.

**Магистратура** - 1) кўпгина ривожланган давлатларда олий таълимнинг юқори босқичи; 2) аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълим.

**"Магнит мактаб"** - таълим, саноат корхоналари ва олий техника таълим муассасалари ҳамкорлигида белгиланган мутахассисликлар бўйича ташкил этиладиган ўқув муассасаси.

**Маданий-маърифат иши** - кенг оммани маданий ва маърифий тарбиялаш, уларнинг умумий маданий савиясини ошириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини кўнгилли ўтказишга кўмак берувчи тadbирлар тизими.



**Маданий мерос** - авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, маънавий, фалсафий, диний ва руҳий қарашлар. Халқ маданияти ва ижоди каби моддий-маънавий бойликлар мажмуи.

**Маданий функция** - бўлажак мутахассисларнинг миллий истиқлол ғояларини ўзлаштиришнинг ифодаловчи маънавий етуклик.

**Маданият** - жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси.

**Мадраса** (араб. Дараса-ўрганмоқ) - мусулмонлар оламида ўрта ва олий ўқув юрти, бизда ислом дини ва маданияти асосларини ўргатувчи таълим муассасаси.

**Мадҳия** - Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири.

**Мажбурий таълим** - Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири.

**Мактаб** - ўқувчиларга ўқитувчи раҳбарлигида умумий ўрта таълим берадиган ўқув муассасаси.

**Мактаб амалий санъати** - бадиий-эстетик тарбияни таъминлашга қаратилган ўқув машғулоти тури.

**Мактаб биноси** - мактаблар учун мўлжалланиб қурилган махсус бино.

**Мактаб врач** - мактабларда ўқувчиларга медицина ёрдами кўрсатувчи врач.

**Мактаб гигиенаси** - ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашнинг омиллари ва воситаларини ўргатувчи ҳамда ушбу мақсадда амалий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқувчи фан. қ. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси.

**Мактаб директори** - умумий ўрта таълим мактабларида ўқув-тарбия ва хўжалик ишларини идора этувчи раҳбар.

**Мактаб ёши** - мактабда ўқиш вақтини қамраб олувчи ёш даври.

**Мактаб инспектори** - мактаб ўқув-тарбия ишлари юзасидан давлат назоратини амалга оширувчи туман, вилоят халқ таълими бўлими, халқ таълими вазирлиги ходими.

**Мактаб-интернат** - болаларни тарбиялаш, ўқитиш уларнинг яшашлари учун зарур нарсаларни етказиб беришга қаратилган тўлиқ равишда давлат томонидан амалга ошириладиган ўқув-тарбия муассасаси.

**Мактаб ислоҳоти** - мактаб тизимини қонунчилик тартиби асосида қайта қуриш.

**Мактаб ичида мактаб** - асосий ўқув юкламасининг маълум қисми ҳисобидан ташкил этиладиган кичик ёки ёндош мактаблар.

**Мактаб "Камалак" ташкилоти** - "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаркати таркибида фаолият кўрсатадиган мактаб ўқувчиларининг ижтимоий уюшмаси.

**Мактаб клублари** - ўқувчиларни фан, техника ва санъат соҳасидаги қизиқишларини қондиришга мўлжалланган юқори синф ўқувчиларининг мустақил уюшмаси.

**Мактаб контингенти** - умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони.

**Мактаб кутубхонаси** - ўқувчиларни зарур ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида, мактаб ҳузурида ташкил этилган кутубхона.

**Мактаб маданий-маърифий ишлари** - мактабда ўқувчиларни ахлоқий-маънавий тарбиялаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар.

**Мактаб музейи** - мактаб ўқув-педагогик жамоаси фаолияти ва ҳаёти ҳақидаги муҳим ва қимматли материаллар кўргазмаси ташкил этилган хона ёки хоналар.

**Мактаб назорат ишлари** - ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини текшириш мақсадида улар томонидан бажариладиган ёзма, график ёки амалий ишларни назорат қилиш жараёни.

**Мактаб Низоми** - ўқув-тарбия ва ташкилий-хўжалик ишларида мактаб фаолиятини тартибга солувчи қоидалар мажмуи.

**Мактаб паргаси** - гигиеник ва педагогик талабларга мувофиқ ясалган, ўқувчиларнинг дарс машғулотида



ўтиришига мўлжалланган мактаб мебелининг асосий турларидан бири.

**Мактаб педагогикаси** - педагогика фанининг умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг назарий асослари ва қонуниятларини тадқиқ этадиган бўлими.

**Мактаб устахонаси** - умумий ўрта таълим мактабларида меҳнатдан амалий машғулотлар ўтказиладиган ўқув-моддий техника базаси.

**Мактаб фестивали** - ўқувчиларнинг техника, адабиёт ва санъат, математика ва б.соҳаларда эришган ютуқларини рағбатлантириш мақсадида ўтказиладиган даврий шодиёна, байрам тадбири.

**Мактаб ўлкашунослик ишлари** - ўқувчи яшаётган ҳудуднинг табиий шарт-шароити, саноати, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан таништиришга қаратилган таълимий-тарбиявий ишлар.

**"Мактаб ўртоқлик суди" ўйини** - дидактик ўйин тури.

**Мактаб ўқув жиҳозлари** - мактаб мебели, ўқув қўлланмалар, тасвирий кўрсатма материаллар, мактаб жонли бурчаги кабилар мажмуи.

**Мактаб ўқув режаси** - ярим ёки бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган мактаб ўқув-тарбия, бошқарув-ҳўжалик ишлари ва бошқа тадбирлар тизими қайд этилган ҳужжат.

**Мактаб ўқув-тажриба участкаси** - мактаб ёш табиатшуносларининг тўгарак машғулотлари ва ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ташкиллаштириладиган мактаб қошидаги ер участкаси.

**Мактабгача таълим** - узлуксиз таълимнинг болаларни ақлий, маънавий, жисмоний ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга йўналтирилган дастлабки бўғини.

**Мактабгача таълим гигиенаси** - мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига ҳаётий шарт-шароитлар ҳамда педагогик жараённинг таъсири-

ни ўрганишга қаратилган мактаб гигиенасининг махсус тармоғи.

**Мактабгача таълим ёшидаги болалар жамоаси** - муайян ўзаро муносабатлар тизими (ўйин, ҳаётий масалалар) ёки умумий машғулот тури асосида бирлашган кичик ёшдаги болалар гуруҳи.

**Мактабгача таълим ёшидаги болалар китоблари** - кичик ёшдаги болалар эҳтиёжига мос қисқа ва содда ёзилган адабий асар.

**"Мактабгача таълим" журнали** - илмий-методик ойлик журнал, "Соғлом авлод учун" журнали иловаси.

**Мактабгача таълим педагогикаси** - педагогиканинг мактабгача ёшдаги болаларга тарбия бериш ҳамда уларнинг шахсиятини шакллантириш қонуниятлари, тамоийллари, воситалари, шакл, усул ва методларини ўрганувчи соҳа.

**Мактабдан ташқари ишлар** - ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қобилият ва лаёқатларини ўстириш, эҳтиёж ва қизиқишларини қондириш мақсадида мактабдан ташқари муассасаларда таълим-тарбия ишлари ва оммавий маданий-оқартув тадбирларини ўтказиш.

**Мактабдан ташқари муассаса** - болалар ва ўсмирлар билан мактабдан ташқари иш олиб борувчи ижтимоий-ташкилий ва инструктив-методик муассасалар.

**Мактабдан ташқари таълим** - таълимнинг бўғинларидан бири бўлиб, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ақлий, маънавий, жисмоний ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия бериш жараёни.

**Мактабдан ташқари таълим муассасалари** - ёшларнинг мустақил билим олиши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган таълим муассасалари.

**Мактабшунослик** - педагогика фанининг мактаб ишларини бошқариш асослари, йўл, шакл, восита, усул ва методларини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи махсус соҳаси.



**Макротехнологиялар** - муайян таълим тармоқлари, соҳаси, таълим ёки тарбия йўналиши, ўқув фанлари (умумпедагогик ва умумметодик даража)га хос бўлган педагогик технологиялар.

**Малака** - ўқувчи ёки талабада муайян ўқув материали ва касбни чуқур ўзлаштириш натижасида ҳосил бўлган автоматлашган маҳорат.

**Малака ошириш, Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш** (Ўзбекистон Республикасида) - узлуксиз таълим тизими турларидан бири, халқ хўжалигининг барча соҳасида ишловчи мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш.

**Малака ошириш институтлари** - Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтлари - Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимидаги ташкилий-методик ва ўқув маркази.

**Мангейм мактаби** - XVIII асрда Мангейм шаҳрида (Германия)да қарор топган, сентиментализмга яқин бўлган ижодий йўналиш. Симфония ҳамда камер чолғу мусиқаси (трио, кватрет ва бошқалар) жанрларининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

**Мантиқий изчиллик** - педагогик билим ва тушунчаларнинг узвий боғланган тадрижий тизими.

**Мантиқий фикрлаш** - муайян фикрга асосланган ҳолда мантиқий умумлашмалар ҳосил қилиш.

**Маориф** - 1) билим тарқатиш, таълим бериш; 2) мамлакатдаги таълим-тарбия ва маданий-маърифий муассасалар тизими.

**Мардлик** - бир сўзли кишиларга хос хусусият, хатти-ҳаракат.

**Маркетинг** - таълим воситаларини яратиш ва сотиш билан шуғулланадиган соҳа.

**Масофавий ўқитиш** -ўқув машғулотларининг барчаси ёки кўп қисми телекоммуникацион ва замонавий ахборотлаштириш технологиялари асосида олиб бориладиган масофадан туриб ўқитиш.

**Масофавий ўқитиш технологияси** - 1) бу инсон ва техник ресурсларни, уларнинг ўзаро алоқасини, ҳисобга олган ҳолда, таълим хизматининг яхлит тизимли жараёнини яратиш, қўллаш ва оммалаштиришдан иборат технология; 2) инсон бош миёси тўқималарининг модулли ташкил этилганлигига асосланган ўқитишнинг истиқболли тизими; 3) инсон ва техник ресурсларнинг ўзаро алоқаси ёрдамида амалга ошириладиган таълим жараёни.

**Математик модель** - математик тимсоллар, белгилар ва ҳодисалар синфининг тахминий намунаси, баёни.

**Математика Давлат таълим стандарти** - математика таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Математика хонаси** - математика фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Математика фани** (юнон.mathematike, mathema-билим, фан) - аниқ мантиқий мушоҳада, ҳисоблаш амллари билан шуғулланадиган фан.

**Математика ўқитиш методикаси** - 1) математика таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича ўқитувчи ва талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) математика ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Математиканинг танланган масалалари курси** - математиканинг назарий муаммоларини ўргатишга қаратилган бўлими.

**Материалистик нуқтаи назардан маънавият** - шахс майллари тизимида билишга оид ғоявий-ижтимоий эҳтиёжнинг намоён бўлиши.



**Матн** - ёзилган асар, иншо, нутқ, дарсликдаги ўқув материаллари.

**Мафкура** (арабча - фикрлар мажмуи) - муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлатнинг манфаатлари, орзулари, мақсадлари ифодаланган қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.

**Мафкуравий иммунитет** - шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим.

**Мафкуравий профилактика** - ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади.

**Мафкуравий таълим-тарбия** - инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дурёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён.

**Махсус мактаб** - 1) жисмоний камчиликка эга болаларни ўқитиш учун ташкил этилган ўқув муассасаси; 2) муайян мақсадларда ташкил этилган айрим мактаблар.

**Махсус-сегрегацион таълим** - муайян нуқсонга эга бўлган болаларни алоҳида ўқитиш жараёни.

**Махсус қобилият** - нафақат билимларни эгаллашда, балки, ижодий фаолиятида юксак натижаларга эришишни таъминлашга қаратилган шахс хусусиятлари тизими.

**Машқ** - бирор фаолиятни пухта ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида уни кўп марта такрорлаш.

**Маълумот** - шахснинг ўқиш, ўрганиш натижасида ўзлаштирган билим, кўникмалари ҳажми, йўналиши ва даражаси.

**Маълумотлар банки** - маълумотларни мужассамлаштирган портал.

**Маълумотлар модели** - ахборотларни мужассамлаштирувчи лойиҳалар.

**Маълумотларнинг иерархик модели** - маълумотларнинг изчил тизимини ифодаловчи лойиҳалар.

**Маълумотларнинг реляцион модели** - маълумотларнинг жадвал кўринишида ифодаланиши ва уларни истеъмол учун тайёрлаб қўйилган ҳолати.

**Маълумотларнинг тармоқли модели** - маълумотнинг бошқа поғонадаги маълумот билан икки ёки ундан ортиқ марта боғланидиган тури.

**Маълумотлилиқ** - шахсий сифат кўрсаткичи, яъни шахснинг ривожланиш даражаси, унинг тажрибаси, кўникма ва малакаларни қай даражада ўзлаштирганлиги, улардан фойдаланиш ҳамда улар ёрдамида янги билим, кўникмаларни эгаллаб, тўлдириб бориш қобилияти.

**Маъмун академияси** - 1) IX аср биринчи ярмида халифа Маъмун ар-Рашид (813-833 йиллар) томонидан Бағдодда ташкил этилган илмий марказ; 2) қ. Хоразм Маъмун академияси.

**Маънавият** - инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча.

**Маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси** Давлат таълим стандарти - ўқув фани мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**"Маънавият ва маърифат" маркази** - республика маданий-маърифат иштини олиб боровчи жамоатчилик ташкилоти.

**Маънавият хонаси** - маънавият фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**"Маърифат" газетаси** - Тошкентда ҳафтасига икки марта чиқадиган маърифий ва ижтимоий-сиёсий йўналишдаги халқ зиёлилари газетаси. Муассислари: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмалари марказий кўмитаси.

**Маърифатчилик** - маданият ва маънавият соҳасидаги оқим.



**Маърифат** - таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онги, билими, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият.

**Маъруза** - 1) ўқув материалига оид бирор масала, илмий, сиёсий мавзуларнинг изчил, тартибли, оғзаки баёни. Ўқув муассасасида ўқув жараёнининг асосий шакли, таълим муассасаларида дарс бериш усулларида бири; 2) бир соатлик машғулоти давомида ўрганилаётган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиқ бериш, унда илгари сурилган ғоялар асосида илмий хулосалар чиқариш ва уларни умумлашган ҳолда билимларни муайян изчилликда баён этиш шакли; 3) маъруза, лекция-ўқув материали, бирор масала, илмий мавзуларнинг изчил, тартибли баёни.

**Маъруза икковлон** - икки ёки ундан ортиқ ўқитувчилар томонидан олдиндан тайёрланган сценарий асосида ўтказиладиган маъруза.

**Маъруза методи** - ўқувчининг оғзаки, изчил баёни.

**Маъруза-маслаҳат** - мунозара устуворлик қиладиган, амалий йўналишга эга бўлган мавзуларни ўрганишга мўлжалланган маъруза тури.

**Маъруза-матбуот конференция** - талабалар билимидаги нуқсонларни йўқотиш ва улар тайёргарлиги даражасини ташхислашга мўлжалланган маърузалар йиғиндиси.

**Маъруза-суҳбат** - ўқув жараёнига талабаларни фаол жалб этишга қаратилган, уларни ўқитувчи билан самарали суҳбатга киришишини таъминловчи маъруза шакли.

**Маъруза-тадқиқот** - умумий муаммо мавзунинг асосий йўналишлари бўйича хусусий билув топшириқлари ёрдамида аниқланишига мўлжалланган маъруза шакли.

**Маъруза-тескари алоқа техникасини қўллаш** - махсус жиҳозланган компьютер хоналарида ўтказиладиган, компьютер дастурлари асосида ўқитиш технологиясига асосланган маъруза.

**Маърузалар курси** - фаннинг ўқув дастури бўйича, ундаги барча маърузаларнинг асосий мазмунини қисқа ёрит-

ган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми; мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр.

**Мақсад функцияси** - белгиланган мақсадда манбада жараёни маълум қонуният асосида кечишини ифодаловчи математик аппарат.

**Мақтов ёрлиғи** - ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳининг индивидуал ёки жамоавий тарзда таълимда эришган муваффақиятларини рағбатлантириш учун бериладиган ёрлиқ.

**"Маҳбуб ул-Қулуб"** ("Қалблар севгилиси") - Алишер Навоийнинг ахлоқий-таълимий асари. 1501 йилда ёзилган. Асар ўзаро боғлиқ 3 қисмдан иборат. 1-қисми 40 фасл (боб)ни ўз ичига олади. Бунда муаллиф ўз даврининг типик вакиллари ҳаётини тасвирлаган. 10 бобдан ташкил топган 2-қисмда яхши ва ёмон, мақтовга сазовор ва нафратга лойиқ хислатлар тафсилоти берилган. 3-қисмга ҳикматлар киритилган.

**Маҳорат кўчаси** - ролларга бўлиниб ўйналадиган дидактик ўйин тури.

**Маҳоратли педагог** - ўқув-тарбия фаолияти технологияларини эркин бошқара оладиган, қатор йиллар давомида юқори натижаларга эришган педагогик меҳнат намояндаси.

**Маҳсулдор фаолият** - инсон ўз фаолиятида доимо дуч келадиган янгилик ёки янги ахборотлар натижасида вужудга келадиган самарали натижа.

**Медитация** - руҳий узоқлашиш.

**Мезонли тестлар** - синалувчининг муайян ўқув ёки касбий топшириқларни бажариш учун етарли ва зарур ақлий ҳаракатга оид билим ва малакаларга эгаллигини аниқлашга қаратилган психологик ташхис методикаси.

**Мезотехнологиялар ёки модулли-локал технологиялар** - ўқув-тарбия жараёнининг айрим қисмларини амалга оширишга ёки алоҳида локал (кичик) дидактик, методик, тарбиявий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган технологиялар.



**Менежер** - таълим жараёни ёки ўқув муассасасининг бошқарувчиси.

**Менталитет** (лот. mentalis-ақлий) - 1) муайян миллат вакилларига хос бўлган ақлий қобилият даражаси маънавий-маданий, интеллектуал салоҳият; 2) жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт ва қонунларни таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

**Мерос** - авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия, ақлий, интеллектуал бойлик.

**Метатехнологиялар** - таълим соҳасидаги ижтимоий сиёсат татбиқи даражасидаги таълимий жараённи ифодаловчи технология.

**Метод** (юнонча metodos - билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) - таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, усуллар мажмуи.

**Методик иш** - ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ва уларнинг методик малакаларини ошириш.

**Методик қўлланма** - ўқитувчиларга мўлжалланган махсус китоб.

**Методист** - муайян ўқув предмети ўқитиш методикаси бўйича мутахассис.

**Методологик ёндашув** - методологик ёндашув педагогик жараён ва унда қатнашувчилар фаолиятини ташкил этишнинг етакчи тамойиллардан бири.

**Методология** - тадқиқотчининг назарий-амалий педагогик фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, у амал қиладиган меъёрий-ҳуқуқий, назарий-фалсафий ёндашувлар, қонуниятлар, қарашлар йиғиндиси.

**Меҳнат мактаби** - ўқувчиларни меҳнат фаолиятига йўналтириш ва таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан бирлаштиришга оид педагогик ғоя.

**Меҳнат тарбияси** - ўқувчи ва талабаларда умуммеҳнат ва касб кўникмаларини ҳосил қилиш, муайян касбга йўллашнинг мазмуни, шакллари, усул ва воситаларини ўзида мужассамлаштирган педагогика фанининг алоҳида тармоғи.

**Меҳнат таълими** - политехник ва меҳнат таълим-тарбиясининг ёш авлодда меҳнатга, ижтимоий ҳаётнинг маълум бир соҳасига доир билим, кўникма, малака ҳамда одатларни таркиб топтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган тури.

**Меҳнат таълими инструктажи** (йўриқномаси; кўрсатма, йўл-йўриқ, йўриқнома) - ўқувчининг амалий машғулот ўташ даврида риоя қилиши зарур бўлган кўрсатмаларига ўқитувчи томонидан бериладиган изоҳ.

**Меҳнат ўқитиш методикаси** - 1) меҳнат таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) меҳнат ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Меҳнат Давлат таълим стандарти** - меҳнат таълими мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Меҳрибонлик уйлари** - етим ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг васийлигисиз қолган болалар учун давлат томонидан очилган таълим-тарбия муассасаси.

**Микротаълим** - ўқув материали бўлимларининг кичик қисмларини маълум кетма-кетликда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тизими.

**Микротехнология** - ўзаро ва индивидуал таъсирга ҳамда тор ҳажмдаги тезкор топшириқларни ҳал этишга қаратилган технология.

**Милет мактаби** - юнон илмий-фалсафий мактаби.

**Миллий қадриятлар** - миллат учун муҳим, жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар йиғиндиси.



**Миллий модель** - "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"-нинг ўзагини ташкил этувчи яхлит тизим.

**Миллий гурур** - шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган, аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

**Миллий ғоя** - миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.

**Мнемоника** - махсус чизма ва шартли белгилар ёрдамида муайян тушунча ва маълумотларни эслаб қолиш.

**Моддий-техника таъминоти** - ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш, таълим жараёнини компьютерлаштириш, таълим муассасаларини капитал таъминлаш.

**Моделлаштириш** - ўқув материаллари ёки таълим мазмунини яхлит тизимга келтириш.

**Модернизация** - педагогик таълим жараёни ва педагогика фанини давр талаблари асосида янгилаш.

**Модификация** - кўриниш, тур ёки янгиликлар асосида такомиллаштириш.

**Модул** - 1) ўқув материали ёки таълим мазмунини ўзаро уйғунлаштирилган намунаси; 2) ўқув ахборотининг мантиқий бўлакка бўлинган қисми, ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин бўлади; 3) фаннинг фундаментал тушунчасини тақдим этувчи муайян жараён ёки қонун бўлими, муайян мавзу доирасида ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳи.

**Модул даража** - педагогик технологияни тасвирлаш кўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модул-

ларнинг ўз таркиби қанча модуллардан иборатлигини ифодаловчи кўсаткич.

**Модулли таълим** - модуллаштирилган ўқув дастури асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни.

**Модулли технология** - таълим жараёнини модуллар (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштирилган тизим.

**Модул тўплами** - педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсадида битта модул сифатида шаклланган бир нечта модуллар йиғиндиси.

**Модулли ўқитиш** - ўқитишнинг изчил тизим асосида амалга ошириладиган тури.

**Модулли ўқув ахбороти** - 1) ўзаро уйғунлашган ўқув ахборотлари; 2) алоҳида ахборот блокидан иборат бўлган кичик мақсадларга мос ҳолда "лаҳзалардан" тузилган ўқув жараёни.

**Мойиллик** - янги билимларни ўзлаштириш натижасида таълим олувчи ўзининг фикрлаш усулини қайта қуришни бошлаши учун бошқаларнинг фикр ва тушунчаларини англаш.

**Монитор** - Белль-Ланкастер ўқитиш тизимида ўқитувчига кўмак бериб турадиган катта ёшли ўқувчи.

**Мониторинг** - муайян воқеликни текширувчи, назорат этувчи ва унинг натижаларини умумлаштирувчи жараён.

**Монография** - биргина шахс томонидан ягона муаммони ёритишга бағишлаб ёзилган илмий асар.

**Монологик нутқ** - ўқувчи ёки талабанинг ўзгаларга қаратилган нутқи.

**Мотив** - 1) инсонни ўқишга ёки муайян ҳаракатларни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси; 2) ўқувчининг маълум эътиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга мойиллиги.



**Мотивация** - инсон фаолиятини бошқаришда унинг ахлоқий майлларидан фойдаланиш.

**Мотивацион кўникма** - шахс мотивларининг йиғиндиси ва шахснинг ижодий илмий меҳнатга лаёқатлилигининг энг муҳим белгиси.

**Муаллим** - туркий халқлар мактабларида дарс берувчи педагог.

**Муаллифлик мактаби** - муайян муаллиф ва муаллифлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган илғор психологик-педагогик концепцияга асосланган экспериментал ўқув-тарбия муассасаси.

**Муаммо** - ўқув жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган масала, вазифа.

**Муаммоли баён** - 1) таълим усулларида бири; 2) маъруза машғулотида монолог тарзда, семинар машғулотида эса диалог тарзда амалга ошириладиган таълим усули.

**Муаммоли вазият** - индивид ёки гуруҳ фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи ҳолат.

**Муаммоли таълим методлари** - ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар ҳажмини аниқлаш.

**Муаммоли ўқитиш** - ўқитишнинг табиий-самарали усули, муаммоли вазиятлар яратиш орқали илмий билимлар мантиқини намоёниш этадиган ўқитиш жараёни.

**Муаммолар таҳлили** - фанлараро алоқаларни ўрганиш - муаммоларни мустақил ҳал этиш учун тайёрлашга йўналтирилган метод.

**Мударрис** - мусулмонларнинг олий диний ўқув юртларида муаллимлик қилувчи киши.

**Мулла** - мадрасани тугатган, ислом илмидан мукамал билимга эга бўлган мусулмон зиёлиси.

**Мулоқот маданияти** - қ. Коммуникатив маданият.

**Мультимедиа** - компьютернинг ўқув материалларни рангли графика, матн ва графикда эффектлар, овозларнинг чиқиши ва синтезлашган муסיқалар, анимация,

шунингдек тўлақонли видеоклиплар, ҳатто видеофильмлар каби турли хил кўринишларда берилиши.

**Мультимедияли китоблар** - битта ахборот ташувчи воситага жамланган (масалан, CD-ROM дискига) матнли, овозли, статик-динамик ва видеотасвирли маълумотлардан ташкил топган ўқув китоби.

**Мумтоз таълим** - уйғонлиқ даврида антик маданиятга қизиқишнинг кучайиши натижасида таркиб топган, Европада қадимий грек ҳамда латин тили ва маданиятини ўрганишга қаратилган умумий ўрта таълимнинг асосий йўналишларидан бири.

**Мунозара** - ўқувчилар, талабалар ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро фикрлар тортишуви.

**Мунозара дарси** - ўзаро фикрлар тортишувига асосланган ўқув жараёни.

**Мураббий** - ўқувчи ёшлар ва талабаларга ахлоқ-одоб, касб-хунар, илм-фан соҳаларини ўргатувчи санъат. Спорт машғулотида раҳбарлик қилувчи шахс.

**Муסיқа Давлат таълим стандарти** - муסיқа таълими мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Муסיқа мактаби** - муסיқий иқтидорга эга бўлган ўқувчиларда теран муסיқий билим, кўникма ва малакалар ҳосил қиладиган ХТВ тизимига қарашли ўқув муассасаси.

**Муסיқий саводхонлик** - муסיқага оид билим, кўникма ва малакага эга бўлиш.

**Муסיқий тарбия** - ўқувчиларда муסיқий лаёқат ва кўникмалар, муסיқага меҳр-муҳаббат, рақс ва кўшиқларни ифодали ижро этиш маҳоратини таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик жараён.

**Муסיқа хонаси** - муסיқа фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.



**Муסיқа ўқитиш методикаси** - 1) муסיқа таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) муסיқа ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Муסיқа ўқув предмети** - ўқувчиларга бадиий-муסיқий таълим-тарбия беришга қаратилган ўқув предмети.

**Мустиқил билим олиш** - таълим муассасаларидан ташқарида мустиқил равишда олинган билим.

**Мустиқил маълумот** - бу авлодлар тарбиясини, фан ва техника ютуқларини ўз ички туйғулари асосида мустиқил ўрганишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасининг натижаси бўлиб, инсоннинг шахсий қобилиятларини ривожлантириш жараёни.

**Мустиқиллик дарслари** - Ўзбекистондаги таълим муассасаларида 1991 йилдан жорий қилинган ўқув машғулоти.

**Мустиқиллик мафқураси** - жамият аъзоларининг ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, миллат ва элатлар, оммавий ҳаракатлар, диний уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар, тadbиркорлар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг умумий манфаат ва муддаоларини ўзида акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи, хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари, фикр-зикрини ягона бир мақсадга - мустиқилликка эришиш ҳамда уни мустиқамлашга йўналтирувчи ғоялар ва билимлар мажмуи.

**Мустиқил тadbқотчилик фаолияти** - ўқув фаолиятининг тadbқотчиликка йўналтирилган тури.

**Мустиқил таълим** - инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлари жараёни.

**Мутахассислик** - махсус тайёргарлик ва иш тажрибасини эгаллаш йўли билан амалга ошириладиган муайян би-

лим, кўникма ва малакалар талаб этиладиган у ёки бу касбий йўналишдаги фаолият тури.

**Муҳитга йўналтирилган педагогик технологиялар** - таълим муҳитини ўзгартиришга йўналтирилиб, ўқувчининг ижобий шарт-шароитлар воситасида атроф - борлиқ орқали боланинг ривожланишига кўмаклашадиган технология.

**Муқобил мактаблар** - эркин мактаблар бўлиб, бошқа мактаб билан ёндош ҳолда фаолият кўрсатиб, болаларнинг таълим олишини таъминловчи муассаса.

## Н

**Навоий педагогика институти** - педагог кадрлар тайёрлайдиган давлат олий ўқув юрти.

**Назарий таққослаш - солиштириш методи** - таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятлар, уларни тасдиқловчи омиллар, турли тарихий давр ва тарбия муҳитига хос томонларини ўзаро қиёслаш асосида аниқлашдан иборат бўлган метод.

**Назария ва амалиёт бирлиги** - таълим олувчиларда назарий ва амалий билим, кўникма, малакаларни таъминлашга қаратилган дидактик тамойил.

**Назорат** - ўқитишнинг барча босқичларида натижалар сифатини назорат қилиш, таълим олувчиларнинг билим, кўникма, малакалари ҳамда уларнинг шахсиятини аниқлаш жараёни.

**Назорат қилиш дастур воситалари** - маълумотлар омборидаги ўқитувчи томонидан тузилган топшириқлар, саволлар, тест ва шу кабилардан фойдаланиш дастурларини жорий этиш воситалари.

**Наманган муҳандислик-педагогика институти** - муҳандис-педагоглар, муҳандислар, иқтисодчи-педагог ва иқтисодчилар тайёрлайдиган олий ўқув юрти.

**Намойиш этиш методи** - 1) ўқитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларнинг таҳсил олув-



чилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун уларнинг сезги органлари - эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон берадиган кўргазмали метод; 2) таҳсил олувчиларнинг ўқув материалларини аниқ образлар воситасида бевосита идрок қилишларини таъминлашда муҳим ақамиятга эга бўлган таълим методи.

**Намунали мактаб** - илғор педагогик тажрибаларга эга бўлиб, уларни амалиётда кенг қўллаган умумий ўрта таълим мактаби.

**Насаб** - инсоннинг асли, яъни зоти; ген.

**Насиҳат** - мазмун жиҳатдан буйруқ, тақиб, маслаҳат маъноларини ифодаладиган педагогик таъсир шакли.

**Насл** - муайян ағлод-аждодга мансуб кишилар уруғи, уларнинг келиб чиқиши, зоти, насаби, таги-тахти.

**Натижаларни қайта ишлаш** - эмпирик маълумотларни йиғиш ва умумлаштиришга асосланган тадқиқот усули.

**Новаторлик** - таълим жараёнига киритилган янги тартиб-қоидалар, усул ва методларни қўллаш билан боғлиқ фаолият.

**Номзодлик минимуми** - олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишдан олдин аспирант ва тадқиқотчилар томонидан топшириладиган имтиҳонлар.

**Нукус педагогика институти**, Ажиниёз Кўсибой ўғли номидаги Нукус давлат педагогика институти - педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти.

**Нутқ** - тилнинг фикр ифодалаш ва фикр алмашиш ўқув ва ижтимоий фаолият кўрсатиш шакли.

**Нуқтаи назар** (позиция) - тегишли инсоний кечинма ва хатти-ҳаракатлар тарзида намоён бўлувчи атроф-муҳит билан боғлиқ ҳодисалар ва уларнинг муайян жиҳатларига нисбаган муносабатлар тизими.

## О

**Образли (тимсолли) хотира** - кўриш, эшитиш ва тасаввур этишнинг бошқа омиллари асосида инсонга эслаш ва онгда қайта тиклаш имконини берувчи хотира тури.

**Объект** - шахснинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган объектив реаллик. Биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик моддий дунё, мавжудот. Киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, предмет, шахс.

**Объектив муносабатлар** - математик, физик, физиологик, ижтимоий педагогик алоқаларнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан намоён бўлиши.

**Объективлик** - 1) педагогик тушунча ва ҳодисаларнинг ҳаққоний ифодаси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг ҳаққоний мавжудлиги, уларнинг тўғри фан тушунчалари асосида изоҳланиши, фикрнинг мисоллар, далилий материаллар, теорема ва формулалар билан исбот қилиниши.

**Овропа тарбияси назарияси** - Ғарбий Оврупанинг педагогик ҳамдўстлик назарияси.

**Одамийлик** - чин инсоний хислатларга эгалик.

**Одат** - ўқувчи ёки талаба учун ўрганиш бўлиб қолган ва муайян вазиятда бажариш учун эҳтиёжга айланган хатти-ҳаракат.

**Одоб** (араб. Адаб сўзининг кўплиги) - жамиятда қабул қилинган ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар.

**Одобли** - жамиятда қабул қилинган ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга амал қилувчи шахс.

**Оила бюджети** - оила моддий маблағи. Оилада болаларнинг оила моддий маблағига муносабати тарбиявий аҳамият касб этади.

**"Оила ва жамият"** - ижтимоий газета. 1991 йил 1 сентябрдан Тошкент шаҳрида ҳафтада 1 марта чиқади. Муассислари: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом ав-



лод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Болалар жамғармаси.

Илм-фан, маданият, санъат, ишлаб чиқариш, тadbир-корлик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўртак кўрсатиб келаётган хотин-қизларнинг тажрибалари, oilаларда тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом тумуш тарзи тарғиботи, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш газетада chop этилаётган мақолаларнинг асосий мавзулари ҳисобланади.

**Оила педагогикаси** - oilада бериладиган таълим-тарбиянинг назарий-амалий асослари билан шуғулланувчи педагогика фанининг aloҳида тармоғи.

**Оила тарбияси** - oilада ота-она, васий ёки катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш жараёни.

**Олий аттестация комиссияси (ОАК), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси** - Ўзбекистонда илмий ва илмий-педагог ходимларга фан, техника, халқ таълими ва маданиятнинг барча йўналиши бўйича илмий даража ва унвон берувчи давлат органи.

**Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти** - ЎзР да олий ва ўрта махсус таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилувчи илмий-методик марказ.

**Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги** - Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига маъмурий раҳбарлик қилувчи давлат ташкилоти.

**Олий мактаб** - халқ хўжалигининг турли соҳалари, маданият ва давлат бошқарув ташкилотларида фаолият юриладиган олий малакали мутахассислар тайёрловчи ўқув муассасаси.

**Олий мактаб педагогикаси** - педагогиканинг олий ўқув юрти шарт-шароитларида талабаларга таълим-тарбия беришнинг назарий асослари ва методикасини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган тармоғи.

**Олий таълим** - 1) турли олий мактабларда юқори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш; 2) олий таълим олий ўқув юртлари томонидан халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахассис бўлишни истаган ва тегишли талабларни бажарган ўрта махсус ёки касб-хунар таълимини олган кишиларга илмий-назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмаларни шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

**Олий таълим Давлат таълим стандарти** - олий таълимнинг давлат томонидан тасдиқланган модели, эталони, намунаси ҳамда таълим мазмунининг максимум даражаси ва унга қўйилган минимум талаблар.

**Олий таълимдан кейинги таълим** - жамиятнинг юксак тоифага эга бўлган илмий, илмий педагогик кадрларни таъминлашга йўналтирилган таълим жараёни.

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим** - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган таълим тури.

**Олигофренопедагогика** - педагогика фанининг ақли заиф болаларни ўқитиш назарияси ва методикасини яратиш билан шуғулланадиган соҳаси.

**Олмон тили ва адабиёти хонаси** - олмон тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Олмон тили Давлат таълим стандарти** - олмон тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Олмон тили ўқитиш методикаси** - 1) олмон тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) олмон тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг aloҳида тармоғи.



**Омилкорлик** - муайян касб доирасида қўлланиладиган белгиланган стандартга амал қилиш лаёқати.

**Она тили ва адабиёт хонаси** - она тили ва адабиёт фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Она тили Давлат таълим стандарти** - она тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Она тили ўқитиш методикаси** - 1) Она тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) Она тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Она тили ўқув фани** - тил қонун-қоидаларини ўргатиш ва ўқувчилар нутқини ривожлантиришга қаратилган ўқув предмети.

**Оналар мактаби** - Францияда 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар муассасалари.

**Он** - руҳий фаолиятнинг олий кўриниши.

**On-line воситаси** - таълим жараёнида компьютер Интернет тармоғига уланган вақт давомида қўлланадиган ўқитиш воситаси.

**Онтогенез** - (грек. мавжудлик, ривожланиш, вужудга келиш) - педагогика фанида боланинг жисмоний ва психик ривожланиши.

**Операцион ўйинлар** - тегишли иш жараёни, уларни бажариш шарт-шароитини моделлаштириш, муайян операцияларни бажариш, усулларни ўзлаштиришга асосланган таълимий ўйинлар.

**Оптималлаштириш (қулайлаштириш)** - мувофиқлаштирилган энг яхши, қулай, кутилган самарани берадиган таълим-тарбия жараёнини вужудга келтириш.

**Ор** - хижолат тортиш, уялиш, номус қилиш.

**Оралиқ назорат** - ўқитувчиларнинг ўқув фани маълум бир бўлимини ўзлаштирганликларини текширувчи назорат тури.

**Орфография** - сўз шакллари ва уларни тўғри ёзишга оид имло қоидалари мажмуи.

**Ота-оналар жавобгарлиги** - ота-оналарнинг давлат ва жамият олдида ўз фарзандлари тарбиясига жавобгарлигини ифодаловчи ҳуқуқий-ахлоқий меъёрлар.

**Ота-оналар университети** - ота-оналар орасида педагогик билимларни тарғиб этишга қаратилиб, мактаб, клуб, маҳаллалар қошида ташкил этилган машғулотлар.

**Ота-оналар кўмитаси** - тарбиявий, хўжалик вазифаларини ҳал этишда мактабга ёрдам кўрсатувчи ота-оналарнинг жамоатчилик уюшмаси.

**Off-line воситаси** - таълим жараёнида компьютерни Интернет тармоғига уланмаган ҳолатда ҳам қўллаш мумкин бўлган ўқитиш воситаси.

**Очиқ дарс** - 1) ўз маҳоратини оммалаштириш мақсадида тажрибали ўқитувчи томонидан ўзга ўқитувчилар иштирокида ўтказиладиган очиқ дарс; 2) ўқитувчи, талабалар ва мактаб инспектори иштирокида методист томонидан янги таълим метод ва усулларини кўрсатиш ва ўргатиш мақсадида ўтказиладиган кўргазмали дарс.

**Очиқ мактаб** - таълим методикасига шаклсиз ёндашув, ўқув материалларининг хилма-хиллиги, таълим олувчиларнинг қизиқишига қараб дарсларни танлаш.

**Очиқ университет** - Англияда 1969 йилда катта ёшдагилар учун бакалавр даражасини бериш мақсадида ташкил этилган ўқув юрти.

**Оғзаки баён қилиш методи** - мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган ўқитувчининг оғзаки баёнига асосланган метод.

**Оғзаки нутқ** - фикрни оғзаки баён қилиш, ўзаро мулоқотга киришиш шакли.



**Палестра** - Қадимий Афинадаги ўқув-тарбия муассасаси.

**Пансофия** - Ян Амос Коменский томонидан педагогик муомалага киритилган ва билимлар энциклопедиясини ифодалашга қаратилган атама.

**Пантомимика** - ўқитувчининг мимика, имо-ишора, интонациялар билан бирга, руҳий ҳолати, ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатлари. Пантомимика ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро фикр алмашинуви ва бир-бирига таъсир қилиши учун қўшимча восита бўлиб хизмат қиладиган хатти-ҳаракатлари.

**"Пантомимо" машқлари** - дарсда нофаол бўлган ўқувчининг ички қизиқиши ва фазилатини юзага чиқаришга кўмаклашадиган таълим усули.

**Парадигма** (юнон. *paradigma* - намуна, ўрнак) - турли назарий йўналишлар.

**Параллел синфлар** - тенг ёшдаги ўқувчиларнинг ягона дастур асосида бир нечта бир хил синфларда ўқитилиши.

**Паралогизм** - ўқувчи ёки талабанинг тўғри фикрлаш қоидаларини бузиш, мантиқий хатога йўл қўйиш натижасида нотўғри хулоса чиқариши.

**Пассивлик** - билиш ва тадқиқ қилишни хоҳламаслик.

**Патронат** - шўролар иттифоқида қаровсиз болаларни вақтинча бошқа оилаларга бериб тарбиялашга қаратилган педагогик тадбир.

**Педагог** - муаллим, ўқитувчи. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан шуғулланувчи шахс. Таълим-тарбия жараёнини ўрганувчи ва бу жараённи бошқариш муаммолари билан шуғулланувчи мутахассис.

**Педагог кадрлар фаолиятини баҳолаш методикаси** - педагогларнинг касбий фаолияти натижасини баҳоловчи методика.

**Педагог-новатор** - касбий педагогик маҳорат босқичларидан бири бўлиб, маҳоратли педагог фаолияти янги шакл,

усул, метод ёки воситалар ҳисобига ўсиб, педагогик жараёнининг самарадорлиги ортишини таъминловчи шахс.

**Педагогик академия** - умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси ва бўлғуси халқ таълими раҳбариларини тайёрловчи педагогик курслар.

**Педагогик аксеология** - педагогик янгиликлар, инновацияларнинг педагогик жамоатчилик томонидан ўзлаштирилиш даражасини баҳолаш, идрок этиш ҳақидаги назарий билимлар.

**Педагогик амалиёт** - педагогика олий ўқув юртлири ва педагогика коллежларидаги ўқув жараёнида эгалланган билимларни қўллашга қаратилган таълим жараёнининг таркибий қисми.

**Педагогик анжуман** - кенг доирада ўтказиладиган таълим-тарбия соҳаси бўйича мажлис, йиғилиш, кенгаш.

**Педагогик антология** (юн.-*anthos* - гул ва *lego* - тераман) - бир гуруҳ муаллиф педагог ва ўқитувчиларнинг танлаб олинган асарлари.

**Педагогик антропология** - ўқувчининг биологик табиатини ўрганадиган педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Педагогик атамашунослик** - 1) таълим-тарбия амалиёти ва назариясида қўлланиладиган махсус номлар, атамалар, воситалар мажмуи; 2) педагогикани фан сифатида ифодалайдиган асосий тушунча ва атамалар мажмуи.

**Педагогик башорат** - педагогика фанининг айни пайтда номаълум, лекин келажакда юзага келиши ёки ўрганилиши мумкин бўлган ҳолатлари, жараёнларини илмий қонуниятлар асосида олдиндан айтиб бериш, кўра олиш.

**Педагогик библиография** - педагогик асарлар тавсифи, таснифи, уларни излаб топиш методикаси, уларга аннотация бериш ва изоҳлашни ўрганадиган библиографиянинг алоҳида тармоғи.

**Педагогик восита** - борлиқнинг педагогик фаолият инструментлари сифатида қўлланиладиган моддий ва маънавий қисмлари.



**Педагогик газета** - халқ таълими назарияси ва амалиётини акс эттирувчи қисқа даврий нашр.

**Педагогик генеология** - конкрет шахс тарбиясига унинг эмпирик асоси (насл-насаби) ни билган ҳолда қарашни талаб этувчи ёндашув.

**Педагогик гуруҳ (жамоа)** - муайян белги педагогик ихтисослик бирлигига асосланган фаолият кўрсатувчи педагоглар жамоаси.

**Педагогик диффузия** - илгари ўзлаштирилган ва қўлланилган педагогик инновацияларнинг янги шарт-шароитларга мослашган ҳолда кенг ёйилиши.

**Педагогик ёндашув** - бу таълим муассасаси раҳбари ёки ўқитувчининг педагогик фаолиятини ўзаро муайян, уйғун ғоялар, тушунча ва усуллардан фойдаланишига йўлловчи методологик йўналиш.

**Педагогик жамият** - педагогикага оид муаммоларни кўтариб чиқиш, педагогик билимларни амалиётга жорий этиш, таълим-тарбия бирлигини таъминлашга қаратилган халқ таълими ва педагогика намояндалари уюшмаси.

**Педагогик жамоа** - 1) мутахассислик ва мақсадлар бирлиги асосида мужассамланган педагоглар гуруҳи; 2) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, педагогик фаолияти жараёнида юксак даражага эришган, умумий мақсад ва вазифаларига кўра бирлашган педагоглар гуруҳи.

**Педагогик жараён** - аниқ мақсадга йўналтирилган, мазмунан бой, таркиби жиҳатидан қатъий шаклланган ўқув вазиятида ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик.

**Педагогик жараённинг яхлитлиги** - ўқувчилар ривожланишининг юқори даражасини таъминловчи педагогик жараёнга оид синтетик сифат.

**Педагогик жараённинг қонуниятлилиги** - педагогик мақсадга эришишнинг муваффақияти ва жарённинг йўналишини белгилаб берадиган мавжуд ички ва ташқи алоқалар тизими.

**Педагогик журнал** - (франц. journal-кундалик дафтар) - ёш авлод таълим-тарбияси масалалари ёритилган босма даврий нашр. Педагогик ахборотни танлаш, таҳлил этиш ва баҳолашнинг асосий воситаларидан бири.

**Педагогик ижодкорлик** - 1) таълим берувчи томонидан ўқув-тарбия вазифаларини юксак сифат даражасида ўзгача ҳал этилиши; 2) таълим-тарбия амалиёти ва назариясининг бойитилиши.

**Педагогик инноватика** - педагогик фаолият, унинг принциплари, қонуниятлари, метод ва воситаларини ўргатувчи педагогика фани тармоғи.

**Педагогик инноваторлик** - муайян жараёнга янгилик киритиш, уни ўзлаштириш ва татбиқ этишга оид инновацион фаолият.

**Педагогик инновация** - 1) педагогик фаолиятга унинг самарадорлигини ошириш мақсадида янгиликларнинг киритилиши, таълим-тарбиянинг мазмун ва технологияларидаги ўзгаришлар; 2) таълим фаолиятида бола шахсини ривожлантириш жараёнига оид маданий анъаналарга асосланиб таълим жараёнига янгича қараш ва ёндашувлар.

**Педагогик интеграция** - аниқ қўйилган мақсадга эришиш учун ўрнатилган уйғунлашув назарияси.

**Педагогик ихтисослик** - педагогиканинг муайян соҳаси бўйича махсус тайёргарлик йўли билан ҳосил қилинган назарий билим, амалий кўникма ва малакалар мажмуи.

**Педагогик квалиметрия** - 1) таълим соҳасида ўқувчи ҳамда талабанинг эгаллаган билимлари ва таълим сифатининг натижаси; 2) таҳсил олувчининг эгаллаган билим, кўникма, малакаларини ЭҲМ воситасида ўлчаш, аниқлаш методикаси; 3) ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларни ўлчаш тизими.

**Педагогик кенгаш** - 4 тадан кам бўлмаган ўқитувчи таркибига эга бўлиб, мактаб директори қошида доимий фаолият юритувчи маслаҳат органи.



**Педагогик кибернетика** - ўқув-тарбия жараёнида педагогик тизим ва кибернетик ёндошув асосидаги таълим технологиялари ҳамда ҳисоблаш техникаларидан фойдаланишни самарали бошқариш ҳақидаги фан.

**Педагогик конференция** - таълим-тарбия соҳаси вакилларининг муайян педагогик масалани муҳокама қилиш учун йиғилиш. қ. Конференция.

**Педагогик кутубхона** - босма ва айрим қўлёзма асарлардан оммавий фойдаланишни таъминловчи маданий-маърифий ва педагогик илмий- педагогик муассаса; мунтазам равишда босма асарлар тўплаш, сақлаш, тартиб қилиш ва китобхонларга етказиш, шунингдек, ахборот-библиография ишлари билан шуғулланади, омманинг маданий савиясини оширишда фаоллик кўрсатади.

**Педагогик кўргазмалар** - педагогик меъёрий ҳужжатлар, дастурий-методик адабиётлар, фотография, ўқув-лаборатория жиҳозлари, болалар бадий ва техник ижоди намуналарини оммавий тарғиб-ташвиқ этишга қаратилган кўргазма.

**Педагогик лойиҳалаш** - педагогик жараённинг яхлит мазмуни ва унинг таркибий қисмларини босқичма-босқич муайян узвийликда режалаштириш.

**Педагогик луғат** - 1) педагогикага оид сўзлар (ёки морфемалар, сўз бирикмалари, иборалар ва бошқалар) муайян тартибда (алифболи, уяли, мавзули) жойлаштирилган, тавсифланувчи бирликлар, уларнинг келиб чиқиши, маънолари, ёзилиши, талаффузи, услубий мансублиги, бошқа тилларга таржимаси ҳақида маълумотлар жамланган китоб; 2) педагогик луғатлар маънавий маданият соҳасида муҳим ўрин эгаллайди, уларда жамиятнинг маълум даврда эришган таълим-тарбияга оид билимлари акс этади.

**Педагогик маълумотлар банки** - барча ўқув ахборотлари йиғиндиси.

**Педагогик маҳорат** - 1) касбий кўникмаларнинг юксак даражада ривожланиши; 2) шахснинг касбий сифат-

лари, лаёқат қобилиятлари мажмуи; 3) санъат даражасидаги маҳорат; 4) педагогик моҳирлик, санъат ва билимдонлик.

**Педагогик мақсад** - педагогик фаолиятнинг прогноз қилинган натижалари.

**Педагогик менежмент** (инглизча-бошқариш, ташкил этиш) - педагогиканинг таълим жараёни ёки ўқув муассасасини бошқариш назариясини ифодаловчи бўлими.

**Педагогик метод** - воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси, ўқитувчининг педагогик билимларни яратиш ва асослаш усули.

**Педагогик модель** (лот. *modulus* - ўлчов, меъёр) - 1) ўқув жараёни мазмуни ёки педагогик воситанинг намунаси, меъёри, ўлчови, кенг маънода уларнинг фикрий тавсифи; 2) ўқув материали ёки таълим мазмунининг яхлит тарздаги кўриниши.

**Педагогик муаммо** (грек. *problema* - топшириқ, вазифа) - таълим олувчи томонидан билим ва тажрибалари асосида тегишли вазиятда юзага келган қийинчилик ва зиддиятларни ҳал этиш зарурлигини англаш ҳодисаси.

**Педагогик мулоқот** - билиш ёки баҳолаш характеридаги ахборот алмашув жараёнида икки ёки ундан ортиқ шахс (ўқитувчи, ўқувчи)нинг ўзаро таъсирга эга фаолияти.

**Педагогик муносабат** - таълим жараёни элементларининг ўзаро алоқадорлиги.

**Педагогик мутахассис** - муайян педагогик фаолият билан мунтазам шуғулланадиган шахс.

**Педагогик муҳит** - ўқувчилар, талабалар учун узлуксиз таълим жараёни, оилада яратилган таълим-тарбиявий жараён.

**Педагогик назария** - илмий билишнинг нисбатан юқори ташкилий шакли, педагогиканинг қонуниятлари ҳамда ўқув-тарбия жараёни орасидаги алоқадорликни ифодаловчи яхлит ёндашувлар тизими; 2) таълим-тарбияга оид қараш-



лар, ёндашувлар, қонуниятлар ва тамойиллар тизими;  
3) олий ўқув юртлари учун ўқув курси.

**Педагогик негиз** - педагогиканинг доираси, мақсад ва ва-  
зифалари нуқтаи назаридан белгиланиши ва ўрганилиши.

**Педагогик неология** - 1) педагогика назарияси ва  
амалиётидаги янги ёндашувлар, назариялар; 2) педагоги-  
ка фани ва таълим тизимида янгилик яратиш ҳақидаги  
таълимот.

**Педагогик парадигма** - педагогикадаги илмий муам-  
моларни ҳал этиш намунаси сифатида қабл қилинган на-  
зария.

**Педагогик позиция** - 1) дунёни билишнинг ақлий,  
қатъий иродавий педагогик тизими ҳамда педагогик фао-  
лият муносабатлари; 2) педагогнинг таълим-тарбия жара-  
ёнига бўлган ёндашуви, қарашлари.

**Педагогик праксиология** - педагогик янгиликларни  
жорий этиш ва улардан фойдаланишга оид фаолият ҳақида-  
ги назариялар.

**Педагогик принцип** - ўқув-тарбия жараёнини таш-  
кил этиш, унинг мазмунини танлаш ҳамда ўқувчи ва  
талабаларнинг ақлий, бадиий, ижодий, меҳнат ва жис-  
моний фаолиятларини ташкил этишда таяниладиган  
қонуниятлар.

**Педагогик прогностика** - педагогика фанининг таълим-  
тарбия истиқболини башорат қилиш билан шуғулланади-  
ган тармоқ.

**Педагогик психология** - ёшларга узлуксиз таълим-тар-  
бия беришнинг психологик муаммоларини ўрганувчи ало-  
ҳида соҳа.

**Педагогик статистика** - мактаб ва халқ таълими таш-  
килотлари фаолиятининг миқдорий жиҳатларини ўрга-  
нишга қаратилган ижтимоий статистика тармоғи.

**Педагогик стратегия** - таълим-тарбия ва педагогика фа-  
нида аниқ белгиланган мақсадларга эришишга йўналти-  
рилган асосий ҳаракатларнинг узоқ муддатли дастури.

**Педагогик тавсифнома** - ўқувчининг ахлоқи ва алоҳи-  
да машғулот турлари бўйича ўзлаштириши, синфдан таш-  
қари ҳамда жамоат ишларидаги фаолияти, ақлий, жисмо-  
ний ривожланиши, интизоми ҳамда ахлоқий хусусиятла-  
ри баён этилган ҳужжат.

**Педагогик тадбир** - ўқувчи, талаба ва ўқитувчилар-  
нинг бир вақтда маълум мақсадларда уюштирилган бир-  
галикдаги фаолияти.

**Педагогик тадқиқот** - педагогика соҳасида амалга оши-  
риладиган илмий изланиш.

**Педагогик тажриба** - ўқитувчининг таълим-тарбияни  
ташкил этиш ва амалга ошириш маҳорати.

**Педагогик такт** - ҳар қандай педагогик таъсирга нисба-  
тан қўлланиладиган чора-тадбирларни (рағбатлантириш,  
жазолаш, панд-насиҳат) ҳис эта билиш.

**Педагогик таксономия** (грек. "taxis" - тартиб билан жой-  
лаштириш ва "nomos" - қонун) - ўқув мақсадларининг  
таснифланиши, ўқув фани бўйича хусусий мақсадларнинг  
аниқ белгиланиши.

**Педагогик тактика** - таълимнинг бош мақсади йўлида  
хусусий, оралиқ масалаларни ҳал қилишга йўналтирил-  
ган ҳаракатларни ташкил қилиш усули. Тактика жараёни-  
нинг охирида стратегик мақсадларга кўпроқ самара билан  
эришишни таъминлаш учун шароитнинг ўзгаришларини  
мос равишда ҳисобга олиш.

**Педагогик тасниф** - педагогик ҳодисаларни муайян  
муҳим белгиларига кўра гуруҳларга ажратиб таснифлаш.

**Педагогик ташвиқот** - аҳоли кенг қатлами орасида таъ-  
лим-тарбияга оид муҳим маълумотларни ёйиш.

**Педагогик ташхис** - педагогик жараён, унинг умумий  
ҳолати, таркибий қисмларини ҳар томонлама, текшириш  
ва баҳолаш.

**Педагогик таълим** - 1) ўқув - тарбия муассасалари хо-  
димларини касбий тайёрлаш; 2) ўқитувчи ва тарбиячи-  
ларни тайёрловчи, малакасини оширувчи ва қайта тайёр-

ловчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда малака ошириш институтларида олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари.

**Педагогик (таълим) технологияси** - илмийликка асосланган ҳолда, вақт ва маконга нисбатан дастурлаштирилган, муайян белгиланган натижага олиб келувчи, педагогик жараёнларга оид компонентларнинг барчасини бирдек ишга сола олувчи тизим.

**Педагогик тест** - таълим жараёни субъектларининг ақлий-интеллектуал даражаси, билим, кўникма ҳамда шахсий сифатларини текширувчи қисқа масалалар.

**Педагогик техника** - узлуксиз ривожлантириш педагогларнинг ички фаолиятидан келиб чиқадиган ўз маҳоратини ифодалай олиш қобилияти.

**Педагогик технология** - а) ўқув фаолиятини оқилона ташкил этиш ва жиҳозлаш; б) имкон қадар озроқ вақт сарфлаб, таълим натижасини кафолатлайдиган изчил педагогик тизим; в) педагогик муаммоларни методологик даражада ҳал этишга имкон берувчи педагогик ҳодиса; г) ўқув жараёнини тўлиқ бошқариш имконини берадиган тизимли тафаккур усулини педагогик амалиётга татбиқ этиш шакли; д) педагогик мақсадга эришишни кафолатлайдиган ҳаракатларнинг изчил тизими.

**Педагогик технология картаси (харитаси)** - педагогикага оид технологик жараёнлар, ҳаракатлар (бунда асосан уларнинг график шакли назарда тутилади) нинг босқичма-босқич, изчил тавсифланиши.

**Педагогик технология схемаси** - педагогик жараён алгоритмининг шартли, функционал ёки тузилмавий элемент ва (график ёки рамзий) белгилар ёрдамида ифодаланиши.

**Педагогик технология тузилмаси** - педагогик технология таркибий қисмларининг яхлит ифодаланиши.

**Педагогик технологиянинг горизонтал тузилмаси** - 1) илмийлик;

2) формал-тавсифийлик; 3) ҳаракатли - жараёнли технологиялар ифодасидан иборат бўлган педагогик технологиялар.

**Педагогик тренинг** - тез ўқиш ва ёзиш машқи, фикрлаш техникаси, графология, мимика, тақлид ва пантомимика услубларини эгаллаш машқлари.

**Педагогик тизим** - 1) маълум педагогик концепция, назария ва ёндашувларнинг муаллифлар томонидан педагогик амалиётга жорий этишдаги изчиллик; 2) ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган педагогик принцип, восита, усул ва методлар йиғиндиси;

**Педагогик тушқунлик** - ижтимоий муҳит ва таълим-тарбиядаги етишмовчиликлар натижасида ўқувчиларнинг онги ва хатти-ҳаракатида содир бўладиган четланиш (салбий ҳолат).

**Педагогик тўшам** - таълим-тарбия масалаларига бағишланган илмий асарлардан ташкил топган китоб.

**Педагогик усул** - ўрганилаётган ҳодисаларга ёндашиш, илмий билиш ва ҳақиқатни аниқлашнинг режали йўли; ҳаракат усули ёки тартиби.

**Педагогик уқув** - педагогик фаолиятни ташкиллаштиришга ёрдам берувчи муайян шахс, яъни ўқитувчи, ўқувчи ёки талабаларга хос физиологик хислатлар.

**Педагогик-эмпирик ахборот** - ҳиссий идрок натижаси сифатида, амалий тажрибалар билан чегараланган далил ва ҳодисаларни назарий-мантикий умумлаштиришдан ҳоли ўқув маълумотлари.

**Педагогик эргономика** - замонавий дарсликларнинг ҳар томонлама дидактик томондан ўрганувчи педагогика соҳаси.

**Педагогик эҳтиёж** - ўқувчи ёки талаба фаоллигини вужудга келтирувчи ички куч; организмнинг ривожланиши ҳаётий фаолияти, ижтимоий гуруҳ, жамият ўсишини қўллаб-қувватлаш учун объектив зарурият, интилиш.



**Педагогик ўзаро таъсир** - ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ҳаракат ва ривожланишнинг объектив ва умумий шакли сифатида ҳар қандай моддий тизимнинг ташкилий тузилмаси ва мавжудлигини белгилайди.

**Педагогик ўйин** - бу фаолият тури ўқув вазиятида, ўқитишни аниқ мақсад қилиб қўйган жамоатчилик тажрибасини қайта тиклаш ва ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, ўз-ўзини бошқаришни такомиллаштиради ва педагогик натижаларни рўёбга чиқаради.

**Педагогик ўқишлар** - ўқитувчилар ва халқ таълими ходимларининг муайян мавзу асосида илғор педагогик тажрибаларни алмашиш ва оммалаштиришга қаратилган даврий анжумани.

**Педагогик қадрият** - таълим-тарбия ва педагогика учун қадрли бўлган тушунча ва ҳодисалар.

**Педагогик қарама-қаршиликлар** - шахс шаклланишига хизмат қилган вақтини ўтаб бўлган, эски педагогик концепция, тизим, назариялар ҳамда янги педагогик жараён, ҳаётнинг янги талаблари ўртасидаги номутаносиблик.

**Педагогик қаровсизлик** - тарбияда йўл қўйилган камчилик ва хатолар, атроф-муҳитнинг салбий таъсири натижасида болалар ва ўсмирлар ахлоқий тафаккури ва ҳуқуқатворида меъёрдан чекинишнинг юзага келиши.

**Педагогик қобилият** - педагогнинг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини, шунингдек, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқара олишини ифодаловчи қобилият.

**Педагогик қўллаб-қувватлаш** - педагогик фаолиятнинг бир тури бўлиб, ўқувчиларга ўз-ўзини ривожлантириш, ҳаётий ва таълимий муаммоларни ечиш, ички ва ташқи қарама-қаршиликларни енгишда кўмаклашишдан иборат фаолиятдир.

**Педагогик ҳамжамият** - таълим-тарбия жараёнида касбий нуқтаи назардан ўзаро алоқада бўлган, умумий ташкилий, амалий ўқув-тарбиявий ҳамкорликка эга бўлган педагогик ижод субъектлари.

**Педагогика** - 1) таълим-тарбиянинг назарий асосларини тадқиқ этувчи фан; 2) ёшларга таълим-тарбия ҳамда маълумот бериш, уларни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи ўқув фани; 3) педагогика олий ўқув юртларида ўқитиладиган туркум фанларнинг умумий номи.

**Педагогика институти** - ўқитувчиларни тайёрловчи олий ўқув юрти.

**Педагогика кафедраси** - педагогика назарияси ва тарихи соҳасида фаолият юритадиган олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, доцент ва ассистентлари уюшмаси.

**Педагогика коллежи** - мактабгача ҳамда бошланғич таълим ўқитувчилари ва тарбиячилари тайёрлайдиган таълим муассасаси.

**Педагогика курси** - ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш шаклларида бири.

**Педагогика тарихи** - 1) педагогика фанининг педагогик таълимот, шахсни ўқитиш ва тарбиялашнинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганувчи бўлими; 2) олий таълим тизимида педагогик туркум фанларга кирувчи ўқув курси; 3) жамият тараққиётининг турли давларида таълим-тарбиянинг назарий-амалий ҳолати ҳамда ривожланишини ўрганувчи педагогика фани тармоғи; 4) педагогик таълимот тарихи ва тарбиянинг ривожланиши масалаларини ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этувчи педагогик билимлар тармоғи.

**Педагогика фани** - ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг назарий асослари, амалий йўналишлари ҳамда педагогика ва таълим тарихи муаммоларини тадқиқ этиш билан шуғулланадиган фан.

**Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти** - Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти; пед. назарияси ва тарихи, таълим назарияси ва методикаси, хусусий методика соҳасида илмий педагогик тадқиқотлар олиб борадиган муассаса.

**Педагогикага хослик** - педагогикага хос бўлган қарашлар, атамалар нуқтаи назарлар мажмуи шахс, яъни ўқитувчи, ўқувчи ёки талабаларга хос физиологик хислатлар.

**Педагогиканинг предмети** - шахс ва таълим-тарбия бериш жараёни, мазмуни, шакллари, воситалари, технологияларини қамраб олувчи тушунча.

**Педагоглик** - 1) педагогнинг вазифаси, иши, фаолияти, ўқитувчилик, мураббийлик; 2) педагогика талабларига жавоб берадиган, моҳир педагогларга хос иш, ҳаракат, ҳулқ-атвор ва касбий маҳорати.

**Педалогия** - ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги сохта фан бўлиб, у бола тараққиётининг психологик, анатомик, физиологик, биологик ҳамда социологик концепцияларининг механик йиғиндисидан иборат.

**Педоном** - қадимги Спартада кулдорларнинг болалари таълим-тарбиясини бошқарувчи шахс.

**Педотриб** - Палестрада (қадимги Афинада эрамиздан аввалдаги VI-IV асрлардаги иккинчи мактаб босқичи) ўқувчилар жисмоний тарбиясини бошқарувчи шахс.

**Педоцентризм** (юн. Pais-гўдак ва лот.centrum-марказ)- 1) таълим-тарбия жараёнида боланинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларига таяниш зарурлигини эътироф этадиган, педагогик-психологик ғояларга асосланувчи фикрий оқим;

2) таълимнинг мазмуни, уни ташкил этиш, таълим методларини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шароити ва эҳтиёжига қараб эмас, балки фақат боланинг бевосита талаби ва туғма қизиқиши билан белгиловчи педагогик оқим.

**Перцептив қобилиятлар** - жамоа аъзолари, педагогик ходимлар, шунингдек ўқувчиларнинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, бўйсунувчиларнинг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини идрок этишдан иборат қобилият.

**Пинбоард методи** (ингл. Pin - мустаҳкамлаш, board-

доска) - ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

**Позиция (нуқтаи назар)** - педагогнинг таълим-тарбия жараёнига бўлган ёндашуви, қарashi.

**Прагматик педагогика** - 1) шахсий кузатув ва ҳаётий тажрибалар асосида билим, кўникма ва малакаларнинг шакллантирилишини ўрганувчи педагогик йўналиш; 2) педагогиканинг алоҳида йўналиши бўлиб, ўқувчи ва талабага таълим-тарбия бериш, унинг эркинлиги, тadbиркорлиги ва ҳурфикрлилигини ривожлантириш муаммолари билан шуғулланади.

**Праксиология** - шахснинг турли, жумладан ўқув ҳамда педагогик фаолияти ҳақидаги таълимот.

**Практикум** - бирор ўқув предмети юзасидан ўтказиладиган амалий машғулотлар мажмуи.

**Превентив педагогика** - алоҳида ўсмир ёшидаги ўқувчилардаги чекланишларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи педагогика фани соҳаси.

**Предмет** - инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектив борлиқдан алоҳида ажратиб олинган яхлит ҳодиса ёки тушунча.

**Предмет ўқув режаси** - билимларни тизимга солиш ва "предмет марказига оид" таълим, мураккаб таълим тизими сақлашга қаратилган ўқув режаси.

**Предметли ўқитиш методикаси ва технология** - муайян ўқув предметлари мажмуи асосида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш методикаси ва технологиялари.

**Принцип** - муайян назария, таълимот, инсон эътиқодига оид таянч ҳолат, қоида, тартиб. Принцип кишиларнинг борлиқ, ахлоқий меъёрлар ва фаолият муносабатини белгилаб беради.

**Принципиаллик** - нуқтаи назаридан ўз эътиқодини қатъий ҳимоя қилиш, қатъий нуқтаи назарга эгалик.

**Прогноз** - бўлажак воқеа ёки ҳодисаларнинг қандай кечишини, ривожланиши ва оқибатини мавжуд далиллар



ва маълумотларга асосланиб олдиндан айтиб бериш.

**Продуктив (маҳсулдор) ўзлаштириш даражаси** - но-  
стандарт, маҳсулдор машқларни тезкор бажариш.

**Проректор** - (лот.рго-ўрнига ва ректор) - олий ўқув  
юрти ёки малака ошириш институтида ректор ўринбосари.

**Прототеоретик-педагогик негиз** - 1) педагогик назария-  
нинг ўзидан олдинги тарбия ҳақидаги назариялар билан ало-  
қасини ўрганиш; 2) педагогик назариянинг бошқа фанларга  
тегишли назария, концепциялари билан алоқадорлиги.

**Профессиограмма** - таълим мазмунига кўра касбни са-  
марали эгаллаш ва ривожланиш учун зарур бўлган иж-  
тимоий-психологик, психо-физиологик, медико-биологик  
хусусият ва сифатлар миқдорини ўлчовчи тизим.

**Профессиография** - таълим олувчининг шахсий си-  
фат, руҳий лаёқат, психологик ва жисмоний имкониятла-  
рига нисбатан қўйиладиган талабларни касбий нуқтаи на-  
зардан ўрганиш технологияси.

**Профессиокарта** - профессиограмманинг қисқартирил-  
ган шакли.

**Профессор** (лот. устоз, мураббий, раҳбар) - олий ўқув  
юрти ва илмий текшириш муассасаларининг мустақил курс  
олиб боровчи, илмий текшириш ишига раҳбарлик қилув-  
чи юқори ихтисосли ўқитувчи ёки илмий ходимларига бе-  
риладиган илмий унвон.

**Профилактика** - шахс соғлиғини асрашга қаратилган  
маърифий, тарбиявий ҳаракат.

**Психоанализ** - шахс ҳулқидаги ижтимоийлик, онгли-  
ликни инкор этувчи ғайри илмий реакцион оқим.

**Психодрама** - таълимий психологик масалаларни ечишга  
қаратилган ролли ўйин ва ишбилармонлик театри элемент-  
ларини мужассамлаштирган таълим усули.

**Психограмма** - муайян касб ёки ихтисослик бўйича  
муҳим шахсий сифат ва хусусиятларнинг ёзма ифодаси.

**Психология** - миянинг объектив воқеликни акс этти-  
рувчи функциясини ифодаловчи руҳият ҳақидаги фан.

**"Расмларни тўғри жойлаштир" методи** - дидактик таъ-  
лимий ўйин тури.

**Рационализм** - билимларнинг манбаи ва уларнинг  
тўғрилигининг мезони ақлдир, деб даъво қилувчи оқим.

**Рағбатлантириш** - ўқувчи ҳулқини ижобий баҳолаш,  
уни руҳлантиришга асосланган таълим-тарбия методи.

**Режалаштириш** - педагогик таҳлил натижаларига та-  
янган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ёки  
муҳим ҳукм чиқариш.

**Репититорлик** - ўқишдан орқада қолган ўқувчини дарс-  
дан ташқари қўшимча ўқитиш.

**Репродуктив** - ўзлаштириш даражасида бир турдаги ма-  
сала ёки машқлар (саволлар)ни намунага (тайёр ечиб кўрса-  
тилган) қараб ечиш усули.

**Репродуктив метод** - намунага қараб ўқув материални  
ўзлаштириш методи.

**Репродуктив таълим** - типик вазиятларда бирор иш-  
ҳаракатни олдиндан билиб олинган қоидалар асосида ба-  
жаришга асосланган ўқув жараёни.

**Респондент** - педагогик тажриба-синов жараёнига жалб  
этилган таълим субъектлари.

**Республика илмий-амалий педагогик конференцияси** -  
Республика таълим-тарбия соҳаси вакиллариининг муайян  
илмий-амалий педагогик масалани муҳокама қилиш учун  
йиғилиш. қ. Конференция, Педагогик конференция.

**Республика илмий-педагогик конференцияси** - Респуб-  
лика таълим-тарбия соҳаси вакиллариининг муайян илмий-  
педагогик масалани муҳокама қилиш учун йиғилиш. қ. Кон-  
ференция, Педагогик конференция.

**Республика марказий педагогика кутубхонаси** - таъ-  
лим-тарбияга оид илмий нашрлар фондига эга бўлган ма-  
даний-оқартирув муассасаси.



**Республика ўқувчилар саройи** - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мактабдан ташқари таълим муассасаси. 1935 йил июнда ташкил этилган.

**Реферат** - (лот. *refere*-ахборот беряпман) - 1) бирор илмий асар, мақола, ўқилган китоб ва ш.к. мазмунининг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни; 2) ўқувчи ва талабаларнинг ёзма иш турларидан бири; 3) ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақида ахборот; тегишли адабиёт ва бошқа манбаларнинг қисқартирилган шарҳли таҳлилини ўз ичига олган маълум мавзудаги маъруза.

**Рефлексия** - 1) фикрлаш, ўз-ўзини назорат қилиш; 2) ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг қонун-қоидаларини фикрлашга йўналтирилган инсон фаолиятининг назарий шакли; 3) ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш, хаёл суриш, фикр юритиш, уни таҳлил қилишга мойиллик.

**Ривожланиш** - индивиднинг туғилганидан бошлаб ҳаётининг сўнгигача давом этадиган шаклланиш жараёни.

**Ривожлантирувчи таълим** - ўқувчи ёки талабанинг таълим воситасида бир сифат босқичидан иккинчисига ўтишини таъминловчи жараён; 2) ҳар бир ўқувчининг имкониятини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёни.

**Ритмик гимнастика** - мусиқа жўрлигида бажариладиган жисмоний машқлар тизими.

**Ритор** (يونون. *Ritor* - нотиқ) - 1) қадимги юнон ва римликларда нотиқликдан дарс берадиган ўқитувчи; 2) баландпарвоз, лекин мазмунан саёз иборалардан иборат нутқ сўзловчи "нотиқ".

**Ритор мактаби** (нотиқлик санъати мактаби) - 1) Юнонистон ва Римда кенг ёйилган олий гуманитар мактаб; 2) 3 босқичли таълим тизимининг юқори чўққиси; 3) сиёсий арбоблар ва нотиқлар тайёрловчи ўқув муассасалари.

**Риторика** - нотиқлик назарияси; нотиқлик санъати ҳақидаги фан.

**Ролли ўйин** - таълим соҳасида кенг тарқалган ўқитиш методи.

**Ростўйлик** - ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатни айтиш, чин гапириш, ҳаққоният юзасидан иш тутишдан иборат ижобий характер хислати.

**Ротацизм** - "Р" товушини талаффуз қила олмасликдан иборат нутқ камчилиги.

**Рус тили ва адабиёти хонаси** - рус тили ва адабиёти фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Рус тили Давлат таълим стандарти** - рус тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Рус тили ўқитиш методикаси** - 1) рус тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) рус тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Рус-тузем мактаблари** (рус. *туземец* - маҳаллий аҳоли) - Туркистонда октябр тўнтаришига қадар маҳаллий аҳоли болалари учун очилган бошланғич рус мактаблари.

**Руҳий ривожланиш** - инсон ҳаётининг турли босқичларида оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб содир бўладиган руҳий ўзгаришлар жараёни.

**Руҳият** - миянинг объектив оламни алоҳида йўсинда (сезги, идрок, тасаввур, фикр, ҳиссиёт каби шаклларда) акс эттириш қобилияти.

## С

**Савод** - 1) ўқиш-ёзишдан хабардорлик, хат-савод; 2) муайян соҳадаги энг зарурий билим, маълумот.

**Саводхонлик** - 1) алоҳида маданий савия кўрсаткичларидан бири; 2) инсоннинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келадиган оғзаки ва ёзма нутқ малакаларига эгаллиги;



3) оддий матнларни ўқиш ва ёза олиш кўникмасига эгаллик; 4) муайян соҳа бўйича билимга эгаллик.

**Саводга ўргатиш мактаби** - XX аср бошларида собиқ шўролар иттифоқи ҳудудида ишчи ва деҳқонларнинг болаларига савод ўргатиш учун ташкил этилган ва ўқитиш аксарият ўқитувчи эмас, саводи чиққан киши томонидан олиб борилган қуйи даражадаги бошланғич мактаб.

**Савол** - 1) ўқувчи ёки талабадан жавоб талаб қиладиган, жумла, ибора, сўроқ; 2) ечилиши лозим бўлган масала.

**Салоҳият (араб.)** - қ. Қобилият.

**Саккиз йиллик мактаб** - тўлиқсиз ўрта маълумот берган умумий таълим мактаби. Таянч мактаб деб юритилган бу ўқув муассасалари 1958 йилдан етти йиллик мактаб ўрнида ташкил этилган.

**Самимийлик** - атрофдаги кишилар билан муносабатда софдиллик, виждонлилик тарзида ифодаланадиган шахсий сифат.

**Сангвиник** - серҳаракат, тез таъсирланувчан, бирор фаолиятга ғайрат билан киришиб, тез совуб кетадиган характер эгаси.

**Сезгирлик** - нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларини тез фаҳмлаб, пайқаб олишдан иборат ақлий сифат.

**Семинар** - 1) олий ёки ўрта махсус мактаб талаба (ўқувчи) ларининг муайян назарий курсни қанчалик ўзлаштирилганликларини аниқлаш усули, мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган ўқув амалиётининг муҳим турларидан бири; 2) муайян таълим тадбири бўйича ўтказиладиган маслаҳат йиғилиши; 3) Ўзбекистонда номзодлик ёки докторлик илмий даражасига даъвогарнинг тайёргарлигини синаб кўриш учун илмий тадқиқот муассасаси ва олий ўқув юртларидаги олимларни ўз ичига олувчи илмий тузилма.

**Семестр** (лот. Semestrius - ярим йиллик) - ўрта махсус касб-хунар ва олий таълимда ярим йиллик ўқув муддати.

**Семинария** - ўрта махсус ўқув юртларининг бир тури.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан Фарбий Европанинг қатор мамлакатларида диний ўқув юртларини семинария деб аташган.

**Семиотик-педагогик негиз** - ўз ифода тили, луғавий тушунчаларига эга бўлган педагогик назария.

**"Сендан угина, мендан бугина" ўйини** - гуруҳлар томонидан тузилган содда гапларни уйғунлаштириб, қўшма гап ҳосил қилишга асосланган дидактик ўйин тури.

**Сенсуализм** - сезгилар билишнинг ягона манбаи эканлигини эътироф этувчи оқим.

**Сентименталлик** - ҳиссиётга ҳаддан ташқари берилувчанлик.

**Сервер** - тармоқ ишини таъминловчи махсус компьютер.

**Сигматизм** - "с", "з", "п", "ш", "пе", "ч" товушларини нотўғри талаффуз қилишдан иборат нутқий камчилик.

**Симпозиум-дарс** - иштирокчиларнинг ўз нуқтаи назарларини баён этувчи маълумотлар билан чиқишига асосланган расмий муҳокама типдаги дарс.

**Синергетика** - 1) грекча "сенергос" сўзидан олинган бўлиб, "ҳамдўстлик", "ҳамкорлик" каби тушунчаларнинг илмий тилдаги ифодаси; 2) мажмуалар назарияси.

**Синквейн** - француз тилида "беш қатор" маъносини билдирувчи педагогик стратегия.

**Синквейн тузиш** - мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш малакаси.

**Синтез** - 1) нарса-ҳодисани унинг қисмлари билан ўзаро алоқадорликда ўрганиш, унинг яхлитлиги, бирлигини ифодаловчи тушунча; 2) синтез олинган натижаларни умумлаштиришдан иборат педагогик илмий тадқиқот методи.

**Синув** - Ўзбекистонда олий ўқув юрти талабалари ва касб-хунар коллежи, академик лицей ўқувчиларининг лаборатория ишлари, курс лойиҳаларини бажаришларини, шунингдек, амалий ва семинар машғулотларида, ўқув ҳамда и.ч.амалётлари жараёнида олган билим ва малакаларини аниқлаш ҳамда баҳолаш усули.



**Синов дарси** - педагогик амалиётни ўташ даврида педагогика олий ўқув юрти талабалари томонидан ўтиладиган дарс.

**Синов дафтарчаси** - олий ўқув юрти талабалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг муайян таълим муассасасига тегишли эканлигини тасдиқловчи академик ҳужжат.

**Синф, ўқув синфи** - 1) ўқув йили давомида ягона ўқув дастури бўйича шуғулланувчи ўқувчилар жамоаси; 2) бадий ўқув юртларида ўқувчиларнинг бирор ўқув предмети бўйича ихтисослаштирилган гуруҳи (масалан, композиция синфи); 3) мактабда ўқувчилар шуғулланадиган хона; 4) махсус жиҳозланган, муайян санитария-гигиена талабларига (ёритилиши, майдони ва бошқаларга кўра) жавоб берадиган ўқув хонаси.

**Синф журнали** - ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги ўзлаштириши, дарсга қатнашиши ва ўрганган мавзулари ифодаланган асосий ҳужжат.

**Синф раҳбари** - муайян синфга бириктирилиб, мазкур синф ўқувчилари жамоаси билан таълим-тарбиявий ишлар олиб борадиган ўқитувчи.

**Синф сардори** - умумий ўрта таълим мактабларида синф интизоми, мактаб тартиб-қоидаларига риоя этиш, тадбирларда, фанлардан ўзлаштиришни назорат қилишда синф раҳбарига яқиндан кўмаклашувчи ўқувчи.

**Синфдан ташқари ишлар** - 1) умумий ўрта таълим мактаби ўқув-тарбиявий ишининг таркибий қисми, ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этиш шаклларида бири; 2) дарсдан ташқари вақтда ташкил этиладиган мақсадга қаратилган машғулотлар.

**Синфдан ташқари ўқиш** - мактаб адабиёт ўқув дастурида синфда ўрганиш учун тавсия этилмаган адабий асарлар, ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида ташкил этиладиган ўқишлар.

**Синфларни комплекшлаш** - ўқув йили бошида ўткази-

либ, ўқувчиларининг ёши, тайёргарлик даражаси, синфни тўлдириш меъёрларига кўра уларнинг синфларга тақсимланиши.

**Сиртдан ўқиш** - тегишли ўқув дастури ва режага кўра, асосан мустақил равишда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта махсус ва олий таълим олиш жараёни.

**Сиртқи таълим** - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус маълумот олиш шакли.

**Сиртқи ўқув юртлари** - қ. Сиртқи таълим.

**Сонли маълумот** - сифат маълумотларидан фарқли, истеъмолга тайёрланган сонли маълумотлар. Сифат маълумотлар кодлаштирилса ҳам сонли маълумот ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда улар ҳам сонли маълумотлар сирасига киради.

**Социодрама** - ижтимоий масалаларни ечишга қаратилган ролли ўйин ва ишбилармонлик театри элементларини мужассамлаштирган таълим усули.

**Социопедагогика** - педагогик жараёнларнинг жамият ҳаёти билан алоқадор жиҳатлари ҳамда жамиятнинг таълим олувчилар шахсига кўрсатадиган таъсирини ўрганувчи педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**"Соғлом авлод учун" журнали** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 13 апрел қарорига асосан ташкил этилган илмий-тарбиявий, оммабоп, безакли ойлик журнал.

**"Соғлом авлод учун" ордени** - қ. Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари.

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси** - жамоатчилик кучини, давлат тузилмаларини соғлом авлод учун, оналик ва болаликни асраш йўлида сафарбар қилувчи жамғарма тури.

**Спартан тарбия** - Спартада эрамиздан аввалги VII-VI асрларда мавжуд бўлган тарбия тизими.

**Спорт мактаблари** - юқори малакали спортчиларни тайёрлайдиган ихтисослашган ўқув-тарбия муассасаси.



**Спорт психологияси** - психология соҳаси; спорт мусобақалари ва машқлар вақтида инсон психикасининг ҳолати, гуруҳий муносабатларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилади.

**Спорт устози, тренер** - жисмоний тарбия мураббийси - спортнинг муайян тури бўйича мутахассис.

**Спорт ўйинлари** - мусобақалар турлари; унинг асосида нишон (рақиб дарвозаси, майдончаси ва ҳ.к)ни спорт анжуми (одатда, тўп) билан турли техник ва тактик усуллар ва воситалар ёрдамида эгаллаш ётади, белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилади ва махсус кўникмаларни талаб қилади.

**Стандарт** - муайян ҳодисанинг эталони, намунаси, модели, меъёрлари, қоидалари, талабларини белгиловчи меъёрий ҳужжат.

**Статистик педагогика** - таълим-тарбия жараёнидаги ҳодисалар ва қонуниятлар тўғрисида ялпи ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил ва эълон қилиш билан боғлиқ амалий фаолият соҳаси.

**Стипендия** - (лотинча. Stipendium-ҳақ, маош) - олий ўқув юр்தларининг кундузги бўлимида ўқийдиган талабалар, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда илмий тадқиқот иши олиб боровчи аспирант, докторант ва малака ошириш курслари тингловчиларига ҳар ойда мунтазам бериб туриладиган пул нафақаси.

**Стохастиклик** - педагогик жараёндаги тасодифий ҳолат, олдиндан айтиб бериш мумкин бўлмаган ўзгариш.

**Стратегик қарор** - педагогик жамоанинг истиқболга йўналтирилган мақсад ва вазифалари ифодаси.

**Субъект** - 1) объектив дунёни билувчи, уни ўзининг эҳтиёж ва қизиқишларига мослаб ўзгартирувчи шахс; 2) тафаккур манбаи ва борлиғни ўзгартирувчи, фаол мавжудлик сифатида намоён бўлувчи шахс ёки гуруҳ; 3) таълим жараёнининг биринчи субъекти ҳамда ушбу жараёнда тақдим этилган билимларни ўзлаштириб, билим, кўникма, малака, шахсий сифатлар кўринишида намоён қилувчи шахс.

**Суггестия** - таъсир кўрсатиш, ишонтириш, мулоқот шаклида ўқувчи (суггеренд) таъсир кўрсатувчи, ишонтирувчи (ўқитувчи - суггестор) нинг айтганларини пассив, ихтиёрсиз, ўйламасдан ўзлаштирадиган ва унинг топшириқларини мутелик билан бажарувчи ўқувчилар.

**Суперинтендент** - АҚШда халқ таълими департаменти-ни бошқарувчи мутахассис.

**Сурдопедагогика** - кар ҳамда қулоғи оғир болаларга тарбия-таълим бериш муаммолари билан шуғулланувчи фан. Педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Суҳбат** - ўқувчи, талаба ва ўқитувчилар орасида таълим-тарбия жараёнида амалга ошириладиган ўзаро сўзлашув, мулоқот.

**Суҳбат методи** - ўқувчи, талаба ва ўқитувчи орасида таълим-тарбия жараёнида амалга ошириладиган ўзаро сўзлашув, мулоқот усули.

**Схоластика** - ҳаёт ва амалиётдан ажралиб қолган сохта билимлар.

**"Сўздан гапга" ўйини** - сўзлардан гап тузишига асосланган дидактик ўйин тури.

**Сўраш** - ўқувчилар билимини назорат қилишнинг савол-жавоб тарзида амалга ошириладиган тури.

**Сўров** - 1) педагогик диагностика методи бўлиб, респондентлар билимини ёзма ёки оғзаки саволлар орқали аниқлашга қаратилган жараён; 2) респондент (сўралувчилар)нинг сўзлари асосида билдирилган объектив ва субъектив далиллар ҳақида ахборот олиш методи.

**Сукратона савол-жавоб методи** - ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўллаш мақсадида амалга ошириладиган диалог, махсус савол-жавоб методи.

## Т

**Табақалашган ёндашув** - 1) ўқитувчи томонидан ўзаро яқин индивидуал хусусиятларига кўра ажратилган, но-



формал ёки тузилмавий тарзда ташкил топган ўқувчилар гуруҳига мақсадга қаратилган педагогик таъсир кўрсатиш; 2) муайян тоифадаги ўқувчиларга тааллуқли тарбия методларини ишлаб чиқиш имконини берадиган назария.

**Табақалаштирилган таълим** - умумий ўрта таълим мақтаблари ўқувчиларининг қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ўқув режаси ва дастурлар асосида олиб бериладиган таълим тури.

**Табақалаштирилган ўқитиш** - қ. Табақалаштирилган таълим.

**Табиий география** - Ернинг географик қобиғи табиий таркиби ва унинг структуравий қисмлари; барча даражадаги табиий ҳудудий мажмуаларини (шунингдек, сув ҳавзаларини ҳам) ўрганувчи фан; табиатшунослик фанларининг алоҳида тармоқларидан бири.

**Табиийликни ҳис этиш** - шахснинг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш.

**Тавтология** - муайян нарса ёки ҳодисани унинг муҳим белгиларини кўрсатиш орқали эмас, балки жузъий жиҳатдан нотўғри таърифлаш.

**Тадриж тамойили** - 1) муайян изчилликда осондан қийинга қараб ривожланишни ифодаловчи дидактик тамойил; 2) XX аср бошларида саводга ўргатиш ва алифбе дарсликлари тузишда таянилган тамойил.

**Тадқиқотчи** - илмнинг у ёки бу соҳасида тадқиқот иши билан шуғулланувчи мутахассис.

**Тадқиқот методи** - 1) билимларнинг ижодий қўлланишини таъминлаш методи; 2) илмий билиш методларини излаш жараёнида уларнинг ўзлаштирилишига қаратилган метод.

**Тажриба** - педагогик воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий-эмпирик билиш жараёни.

**"Тажриба воситасида ўқитиш цикли" методи (Д.Колб гоёси)** - рефлексив кузатиш, абстракт хулосалаш (кон-

цептуаллаш), тажриба воситасида ўқиш цикли, фаол тажриба олиб боришга тайёрланиш, аниқ тажриба ўтказиш каби методлар туркуми.

**Тайёрлов синфлари** - 1-синфга болаларни қабул қилишдан аввал уларни махсус ташкил этилган синфларда ўқитиш шакли.

**Такрорлаш** - ўқувчи ва талабалар томонидан аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисалар, уларнинг образлари, боғланиш муносабатларини эсга туширишдан иборат жараён; аввал ўзлаштирилган билимлар билан янгилари орасида ҳосил қилинадиган боғланишлар жараёни.

**Такрорланадиган гуруҳлар** - маълумотлар омборида муаммонинг қўйилиши ва улар ечимларининг топилишига боғлиқ ҳолда гуруҳланадиган ва муаммо ечими топилгунча бир неча марта фойдаланишга тўғри келадиган маълумотлар.

**Такт** - 1) педагогик маҳоратнинг таркибий қисми бўлиб, ўқувчи ёки талабалар билан муомала ва муносабатда бўлишда меъёрларга риоя қилиш одоби; 2) шахснинг ахлоқий камолот даражасини кўрсатувчи мезон.

**Тактик қарорлар** - таълим муассасаси олдида қўйилган тезкор, жорий мақсад ва вазифалар ифодаси.

**Талаба** - олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртида таҳсил олувчи шахс.

**Талабчанлик** - шахснинг ўз-ўзининг ва ўзгаларнинг хулқини муайян объектив тамойилларга бўйсундира олишдан иборат хислати.

**Талант** - ўқувчи ёки талабадаги катта, ноёб қобилият.

**Тамойил** - 1) назария, таълимот, фан ва ҳоказоларнинг асосий пойдевори, қонун-қоидаси; 2) муайян шахс қаттиқ ушлаб олган қоида, маслак, нуқтаи назар, қараш; 3) майл, мойиллик, тенденция.

**Танқид** - 1) у ёки бу воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш мақсадида уни таҳлил қилиш, муҳокама қилиш; 2) муайян нарса ҳақида салбий фикр билдириш; 3) камчиликларни атрофлича асослаш ва ҳал этиш мақсадида билдирила-диган фикр-мулоҳазалар йиғиндиси.



**Танқидий фикрлаш** - ахборотларни ўзлаштиришдан бошланиб, хулоса чиқариш билан тугалланадиган мураккаб фикрлаш жараёни.

**Тарбия** - 1) шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; 2) ёш авлодни мужассам ривожлантиришга йўналтирилган умуминсоний ҳамда миллий ижтимоий тажрибани ўқувчи ва талабаларга узлуксиз тақдим этиш жараёни.

**"Тарбия атфол"** (болалар тарбияси) - Бухоро жадидлари ташкил этган маърифий жамият (1908-1914).

**Тарбия журнали** - тарбия муаммоларини бажаришга ихтисослашган нашр.

**Тарбия мазмуни** - қўйилган мақсад ва вазифаларга кўра ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган қатъий хулқ-атвор меъёрлари, билим, эътиқод, кўникма, малака ва шахсга хос ахлоқий-маънавий сифатлар ҳамда хусусиятлар тизими.

**Тарбия мақсади** - жамиятнинг алоҳида шахсга нисбатан эҳтиёжларининг акс этирилиши, унинг моҳияти идеал талабларининг назарий умумлашмаси.

**Тарбия методи** - тарбиявий таъсирни амалга ошириш ва тарбия вазифаларини ҳал этишнинг умумий мажмуи.

**Тарбия методлари** - шахсни шакллантириш учун тарбияланувчида эҳтиёж ҳиссини уйғотиш, ўзини тутиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуаси.

**Тарбия психологияси** - педагогик психологиянинг шахсни ақлий, ахлоқий ҳамда эстетик жиҳатдан таркиб топиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи бўлим.

**Тарбия уйлари** - қаровсиз ва етим болаларга таълим-тарбия берувчи маскан.

**Тарбиявий жараён** - жамият аъзоларининг ижтимоий тажрибаси, хулқ-атвори, меъёрларини ўқувчиларга сингдириш жараёни.

**Тарбиявий муносабатлар** - инсонлар ўртасидаги доимий муносабатлар (алоқалар), тажриба алмашишдан иборат бўлиб, шахсни ривожлантириш, мустақил маълумот, таълим олиш ва ўз-ўзини тарбиялашни амалга оширишга хизмат қиладиган жараён.

**Тарбиявий муҳит** - шахсни шакллантирувчи табиат ҳодисаларини англаш, ижтимоий муносабатлар тизими, тафаккур ҳамда турмуш тарзи ва шахслараро муносабатларга киришиш жараёни.

**Тарбиявий технологиянинг комплекслик хусусияти** - ўрганилаётган технологик жараён барча элементларининг ўзаро алоқадорлигини тақозо этадиган ва унинг мазмунини хилма-хиллиги, кўп омиллилигидан иборат бўлган ижтимоий-тарбиявий технологиялар.

**Тарбияланганлик** - ўқувчи ёки талабанинг ижтимоий тажрибани ўзлаштирганлик даражаси.

**Тарбияланувчи** - тарбиявий таъсир объекти ҳисобланган шахс.

**Тарбиялаш** - шахсни мақсадли шакллантириш жараёни. Мустақил Ўзбекистонда тарбия, асосан, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида, шахсни ҳар томонлама ривожланишига ҳамда фаол ва онгли инсонни тайёрлашга қаратилади.

**Тарбияловчи таълим** - тарбия элементларини ўзида мужассамлаштирган таълим жараёни.

**Тарбияни ташкил этиш шакллари** - тарбиявий ишлар мазмунини ифодаловчи тарбиявий восита ва ташкилий усуллар мажмуи, тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро биргаликдаги фаолияти, аниқ ҳаракат ва вазиятларни ташкил этиш тартиби.

**Тарбиячи** - кенг маънода тарбияни амалга оширувчи ёки ташкил қилувчи муаллим, мураббий ёки таълим-тарбия жараёнини бошқарувчи шахс. Тор маънода ўқув - тарбия муассасаларида болалар ва ўсмирлар орасида тарбияни олиб боровчи масъул шахс.

**Тарбиячининг шахсий намунаси** - ота-она, ўқитувчи ва бошқа обрў-эътиборли шахснинг ҳаёти ва фаолияти билан болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти.

**Тарих** - ўқувчиларда жамиятнинг тарихий тараққиёти ҳақида билим, тушунча ва тасаввур ҳосил қилувчи ўқув предмети.

**Тарих хонаси** - тарих фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Тарихий қиёслаш методлари** - узоқ асрлик таълим-тарбиявий жараёнлар, педагогик фикрлар, ёндашувлар билан замонавий таълим-тарбия жараёнини ўзаро қиёслаб ўрганувчи педагогик метод.

**Тарих ўқитиш методикаси** - 1) тарих таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) тарих ўқитиш методикаси хусусий педагогиканиннг алоҳида тармоғи.

**Тармоқлар** - қ. "Кластер" методи.

**Тасаввур** - ўқувчи ёки талабаниннг нарса ва ҳодисалар, ҳолатлар, воқелик, образларини эслаш, шунингдек ижодий ҳаёл суриш жараёни.

**Тасвирий санъат Давлат таълим стандарти** - тасвирий санъат таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Тасвирий санъат методикаси** - 1) тасвирий санъат таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) тасвирий санъат ўқитиш методикаси хусусий педагогиканиннг алоҳида тармоғи.

**Тасвирий санъат хонаси** - тасвирий санъат фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Тасвирий санъат ўқув предмети** - тасвирий санъатга оид билим кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган ўқув предмети.

**Тасниф** - умумий белгиларига кўра предмет, ҳодиса ёки тушунчаларнинг гуруҳлар, бўлимлар ва тоифалар кесимида тақсимланиши.

**Тасодикий педагогик изланиш стратегияси** - стратегияни ўзига хос услублар, масалан, кўргазмали воситалар, ўқитиш дастурининг муайян қисми, методик адабиётлар ёки бошқа ўқитувчилар тажрибасидан фойдаланиш истаги вужудга келганда татбиқ қилинадиган методика.

**Татбикий математика курси** - математиканиннг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган таркибий қисми.

**Тафаккур** - инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли; объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни.

**Ташкилот** - шахс, ягона умумий мақсад асосида меҳнатнинг даражаланиши, тоифага ажратилиши, унвонга эгалик қабиларни ҳисобга олган ҳолда биргаликда фаолият юритиш шакли.

**Ташкилотчилик қобилияти** - 1) таълим муассасаси жамоасини уюштира билиш, аҳиллик, бирдамлик ва ҳамкорликни вужудга келтириш, жамоа аъзоларини жиёслаштира олиш қобилияти; 2) ўзининг шахсий фаолиятини тўғри ташкиллаштира олиш қобилиятидир.

**Ташхис** - ўқув жараёни ёки таълим олувчилар фаолиятини текшириш, тавсифлаш учун қўлланиладиган методика.

**Ташхисий интервью** - шахс хусусиятлари ҳақида объектив ахборот олиш учун касбий маслаҳатнинг дастлабки даврида фойдаланиладиган метод.

**Ташхис мақсади** - муайян ўқув фани таркибида билимларни текширишнинг кўп босқичли тизими.

**Ташқи толерантлик** - шахснинг ўзида шаклланган толерантлик тамойилларини бировларга нисбатан қўллаш олиш ва бошқалар билан ҳамкорлик қилиш жараёни.

**Таълим** - ўқувчи ва талабаларга билим бериш, уларни



тарбиялаш, ривожлантириш кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёни, ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси.

**Таълим ахбороти** - муайян фаолият тури, ихтисосини амалга оширишда қўллаши учун таълим олувчига тақдим этиладиган билим.

**Таълим бериш, ўқитиш** - 1) таълим жараёнининг асосий томонларидан бири, ўқувчининг тезкор фаолияти, билимлар захирасини ўзлаштириши, уларни мустақил эгаллаш усулларини ўрганиши ҳамда амалда қўллашни билишига йўналтирилади; 2) ўқитувчи томонидан ўқувчи ва талабаларга билим бериш, ривожлантириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёни.

**Таълим воситаси** - муайян ўқитиш методи ёки усулларидан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари.

**Таълим генезеси** - таълим ва унинг таркиб топиш (юзага келиш) жараёни билан боғлиқ, мураккаб сўзлар бўлаги.

**Таълим гранти** - таълим соҳасида амалга ошириладиган фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун давлат ёки бюджетдан ажратилган пул.

**Таълим дастури** - таълимнинг муайян йўналиши, босқичи ва даражасига кўра белгилаб берилган таълим мазмуни.

**Таълим жараёни мониторинги** - компьютер технологиялари мажмуида фойдаланиш асосида, таълим жараёни бориши, натижалари ва самарадорлигини узлуксиз кузатиш ва тўпланган маълумотларни қайта ишлаш жараёни.

**Таълим жараёнини лойиҳалаш** - ўқитувчи томонидан ишлаб чиқиладиган таълим жараёнининг технологик тузилма, унинг натижасини таъминловчи метод ва воситалар йиғиндиси.

**Таълим жараёнини лойиҳалаш стратегияси** - лойиҳачи томонидан режалаштирилган фаолиятнинг техник вазифаларига мувофиқ муайян кетма-кетликда амалга ошириш тизими.

Педагогик фаолиятни лойиҳалашда бир қатор стратегиялар қўлланилади. Ҳар бир стратегия таълим жараёнини лойиҳалашда муайян хусусиятга эга. Ўқитувчи амалий фаолиятида икки ёки бошқа кўплаб стратегия турларидан фойдаланиш имкониятига эга.

**Таълим инновациялари** - хилма-хил ташаббуслар ва янгиликлар асосида вужудга келган, таълимнинг ривожланиши учун истиқболли ҳисобланиб, кенг мултимаданий таълим макони тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган, долзарб аҳамиятга молик тизим ҳосил қилувчи янги педагогик ҳодисалар.

**Таълим курси** - 1) ўқитишнинг якунланган босқичи; 2) муайян ўқув предмети ёки фан бўйича аниқ билим, кўникма ва малакалар қамрови; 3) умумий ўрта ёки олий таълим муассасаларидаги муайян ўқитиш босқичи.

**Таълим мазмуни** - ўқувчиларни ҳаққоний, илмий далиллар, тушунчалар, қонуниятлар, назариялар билан таъинштиришга қаратилган билимлар тизими.

**Таълим макони** - таълим жараёни амалга ошириладиган жой, ҳудуд, майдон.

**Таълим марказлари** - касбий (ёки меҳнат) таълими, шунингдек, табиий фанлар (кимё, физика) мутахассислиги бўйича ташкил этилган таълим муассасаси.

**Таълим методикаси** - муайян ўқув предмети ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими.

**Таълим менежери** - таълим муассасасини замонавий менежмент Қонунларига мувофиқ бошқарувчи мутахассис.

**Таълим менежменти** - 1) илмий асосда ташкил этилган, ўзига хос изчилликка асосланган бошқарув; 2) бошқарувни турли хил моделлар асосида амалга оширувчи раҳбар, педагогик, жамоа ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабати.

**"Таълим менежменти" журнали** - таълимни бошқариш муаммоларига бағишланган илмий-методик қарашларни ёритувчи махсус нашр.

**Таълим методи** - воқеликни амалий ва назарий эгал-

лаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси, педагогик билимларни яратиш ва асослаш усули.

**Таълим мониторинги** - таълимдаги бирор жараёни баҳолаш мақсадида махсус ташкил этилган мунтазам кузатув ва назорат қилиш.

**Таълим муассасалари** - турли даража ва йўналишлардаги таълим дастурларини амалга татиқ этувчи муниципал, хусусий давлат муассасалари.

**Таълим муассасаси Низоми** - муассаса ёки унинг таркибий бўлинмалари тузилиши, ҳуқуқи, вазифалари, бурчлари, таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш тартибларини белгилайдиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат.

**Таълим объекти** - фикрий ўхшашликнинг белгилли тизим воситасида шакллантириладиган таълимнинг яхлит амалиёти ёки айрим жиҳатларини чизма шаклидаги ифодаси.

**Таълим олишнинг тўлов-контракт шакли** - ўз ҳисобидан муайян шартнома асосида, пул тўлаб таҳсил олиш шакли.

**Таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси** - ДТС да белгиланган таълим меъёрларига кўра таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш тартиби. Унинг натижалари асосида таълим олувчиларга маълумоти ҳақидаги ҳужжат (шаҳодатнома, аттестат, гувоҳнома, диплом) тақдим этилади.

**Таълим олиш ҳуқуқи** - фуқароларни она тилида 9 йиллик умумий ўрта таълим ва 3 йиллик ихтиёрий-мажбурий ўрта махсус касб-хунар таълимини олишлари билан кафолатланадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган асосий ҳуқуқларидан бири.

**Таълим принциплари** - ёшларга таълим-тарбия беришда таълим мақсадларига мувофиқ ўқитишнинг асосий хараakterини белгилаб берувчи таянч қоидалар.

**Таълим стандарти** - муайян таълим жараёнининг мо-

дели, намунаси, эталони, меъёрлари, қоидалари, талаблари давлат томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжат.

**Таълим ва тарбия журнали** - таълим ва тарбия муаммоларини, уларнинг бирлигини илмий жиҳатдан ёритишга ихтисослашган нашр.

**Таълим-тарбия методикаси** - таълим-тарбиянинг назария, фаолият регламенти (алгоритми) ва педагогик амалиёт каби уч соҳасини аниқ ифодаланувчи жараён.

**Таълим технологиялари** - 1) таълимнинг янада самаралироқ шаклига эришиш учун инсон захираларини ва улар ўртасида ўзаро таъсирни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш, таълим жараёнини баҳолаш, амалга ошириш, тизимли режалаштириш методи; 2) таълимнинг техник воситалари ва компьютерларни шунчаки қўллаш эмас, балки таълим самарадорлигини оширишга қаратилган омилларни таҳлил этиш асосида лойиҳалаш усули, материал (ўқув методик) ва мақбул методлар ёрдамида таълим жараёнини қулайлаштириш усулларини ишлаб чиқиш ва унинг тамойилларини аниқлаш; 3) аниқ мақсадга кўра ўқув жараёнини бошқаришга оид дидактик муаммоларни ҳал қилиш, бунда эришиладиган ютуқлар аниқ тавсиф ва таърифларга асосланишига эришиш методи.

**Таълим технологияси** - таълим ахборотларини манбадан истеъмолчига узатишда қўлланиладиган дидактик услублар мажмуаси.

**Таълим тизими** - турли даража ва йўналишдаги ўзаро алоқадор узлуксиз таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари, ташкилий-ҳуқуқий турларидан қатъи назар таълим муассасаларининг барча тармоқлари, таълимни бошқарув органлари ва улар қошидаги муассаса ҳамда ташкилотларни қамраб олувчи тизим.

**Таълим тизимидаги глобал алоқа** - таълим тизимидаги ҳар қандай объект ўртасида ўрнатиладиган тез ва ишончли алоқа.

**Таълим тили** - муайян халқ таълими тизимида ўқув-тарбия ишлари олиб бориладиган асосий тил.



**Таълим турлари** - таълим турлари ва босқичларини му-  
жассамлаштирган тушунча.

**Таълим сифати мониторинги** - таълим сифатини назо-  
рат қилиш ва баҳолаш жараёни.

**Таълим стандарти (ДТС)** - бу давлатнинг таълим  
даражасига қўйган меъёри сифатида қабул қилинадиган  
асосий параметрлар тизими бўлиб, муайян шахснинг таъ-  
лим тизимидаги мавжуд имкониятлари ва уларни идеал  
даражага етказишга эришишни англатади.

**Таълим функцияси** - таълимнинг ижтимоий ўзгариш-  
лар жараёнига таъсир кўрсатиши, жамиятда маданиятнинг  
трансляция қилиниши ва кенг тарқалиши, кўрсатма, қадри-  
ятларга асосланган йўналиш, ҳаётий идеалларнинг шакл-  
ланишини белгилаб берувчи мажмуа.

**Таълимда аналогия** - ўзаро ўхшаш педагогик ҳодисалар.

**Таълимда аниқлик ва мавҳумлик** - ўқувчиларнинг бе-  
восита кечинмалардан ўрганилаётган нарсга ёки ҳодиса-  
нинг моҳиятига фикран ўтишларини англатадиган билиш  
жараёни.

**Таълимда кўргазмалилик** - таълим жараёнида ўқувчи-  
ларнинг образли фикрлашларига мувофиқ аниқ тимсол-  
ларга асосланган дидактик принцип.

**Таълимни алгоритмлаштириш** - 1) таълим жараёни  
ёки мазмунига оид масалаларни ечишда ишлатиладиган  
амалларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақида аниқ  
дастур; 2) психологик ва мантиқий муносабатларни аниқ-  
лашда таълим олувчиларни фикрлашга ўргатиш модели.

**Таълимни ахборотлаштириш** - ўқув-тарбия жараёни-  
ни янги ахборотлар билан таъминлаш.

**Таълимни баҳолаш** - таълим жараёнида қўйиладиган  
ўқув-тарбивий вазифаларнинг қай даражада етилганлиги-  
ни ифодаловчи кўрсаткичлар.

**Таълимни инновацион ривожлантириш банки** - педа-  
гогик маълумотлар банкидан иборат бўлиб, фактографик  
типдаги ахборот тизими, маълумотлар алмашиш ва уни

ахборот хизмати бозорига киритишнинг кенг имконият-  
ларини ўзида мужассамлаштирувчи педагогик восита.

**Таълимни стратегик бошқарув** - таълим муассасаси-  
нинг стратегик мақсадига асосланган ҳолда уни бошқа-  
риш жараёни.

**Таълимни стратегик режалаштириш** - таълим муасса-  
сасининг мақсадларидан келиб чиқиб амалга ошириш зар-  
ур бўлган вазифалар, бошқарув функциялари, методла-  
ри ҳамда мақсадларини белгилаш ва амалга оширишга қара-  
тилган режа.

**Таълимнинг бошқарув стратегияси** - бошқариш йўна-  
лишларини ифодаловчи истикболли режалар.

**Таълимнинг комплекс тизими** (лот. уюшмоқ, алоқа, уй-  
ғунлашиш) - XIX аср охири — XX аср бошларида Герма-  
ния, Австралия, Бельгия каби давлатларнинг бошланғич  
таълими тизимида амал қилган ўқитиш тамойили; 2) таъ-  
лим олувчиларнинг меҳнат фаолиятига асосланган ғоявий-  
педагогик қарашлар тизими.

**Таълимнинг махсус стратегияси** - 1) ўқитувчи ва ўқув-  
чиларни таълим жараёнига тайёрлаш назарияси ва амали-  
ёти; 2) таълим жараёнининг лойиҳаси.

**Таълимнинг миллий модели** - Ўзбекистон Республика-  
сида таълим тизимини янгиланган соғлом педагогик та-  
факкур асосида тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия му-  
ассасаларида тайёрланадиган кадрларни интеллектуал,  
маънавий ва ахлоқий савиясига кўра ривожланган мамла-  
катлардаги даражага етказиш бўйича белгиланган назарий-  
методологик, амалий-педагогик ёндошувлар мажмуи. Таъ-  
лимнинг миллий моделида маънавий-интеллектуал жи-  
ҳатдан баркамол шахснинг ўз ижодий қобилиятини тўла  
намоён этишини таъминлаш кўзда тутилади.

**Таълимнинг мужассамлаштирилган стратегияси** - таъ-  
лим жараёнини илмий асосда ташкил этиш йўналишлари  
ҳамда таълим муассасасининг фаолиятини яхлит тарзда  
қамраб олган дастур.

**Таълимнинг синф-дарс тизими** - мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш тизими. Унда ўқувчилар ёш хусусиятлари ва ўқиш муддатларига кўра муайян синфларга ажратишиб, таълим ўқув режаси ва дастурига мувофиқ, асосан, дарс шаклида олиб борилади.

**Таълимнинг стратегик режаси** - таълим муассасасида ўқув жараёнини ривожлантириш, қўзланган асосий мақсадга эришиш билан боғлиқ вазифаларни қамраб олган дастур.

**Таълимнинг функционал стратегияси** - таълим муассасасининг таълим-тарбия жараёни иштирокчилари, бўлимлари, жамоавий бошқарув органлари, маъмурият ҳамда жамоатчилик ташкилотлари олдидаги вазифаларини амалга ошириш усуллари ўз ичига олган ишчи дастур.

**Таянч мактаби** - педагогика олий ўқув юртлари қошида талабалар мактаб амалиётини ўтайдиган умумий ўрта таълим муассасаси.

**Тақсимланган маълумотлар омбори** - бир ахборот тизимида фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар омборининг турли жойлардаги компьютерларда сақланиши.

**Таққослаш** - билиш объекти ҳисобланган нарс ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқларни, аниқлашдаш иборат ақлий операция.

**Таҳлил** - муайян объект, воқеа-ҳодисани ҳар томонлама таҳлил қилиш, чуқур текшириш, ўрганиш.

**Таҳлил методи компонентлари** - ахборотни англаб идрок этиш; маълум ва номаълумнинг муҳим белги ва муносабатлар элементларига ажратиш ва бошланғич таркибли бирликни топиш; алоқаларни англаш ва тушунтиришдан иборат бўлган метод.

**Таҳлил-таркиб усули** - Ўзбекистонда 1937 йилдан бошлаб савод ўргатиш ва алифбе дарсликлари тузишга асос бўлган дидактик усул.

**Тектоник хариталар** - 1) мактабда қўлланиладиган кўргазмали восита; 2) Ер пўстининг структурасини тас-

вирловчи, Ерни бутунча ёки унинг асосий ривожланиш босқичларини алоҳида регионлар доирасида акс эттирувчи хариталар.

**Текшириш** - ўқувчи ёки талабаларнинг билим, кўникма ва малкаларини назорат қилиш жараёни.

**Телеанжуманлар** - аудиоанжуманлар, аудиографик анжуманлар, видеоанжуманлар, компьютерли анжуманлар тарзида ташкил этиладиган таълим жараёни.

**Телемедия китоблар** - телекоммуникация воситалари ёрдамида масофадан ўқитишга хизмат қилувчи китоблар.

**Темперамент** (лот. temperamentum - жиҳат, ҳолат) - шахснинг динамик хусусиятларига кўра тавсифи.

**Темпераментлилик** - кундалик муомалада кишилардаги ғайратлилик, жўшқинлик, ҳаракатчанлик, "қизиқ-қон"лик каби сифатларни ифодаловчи умумий тушунча.

**Тескари алоқа** - ўнг, тўғри деб қабул қилинган ҳолат, вазият, йўналиш, тузилиш, тартиб ва шу кабиларга қарама-қарши бўлган муносабат.

**Тест** - шахснинг ақлий тараққиёти, қобилияти, иродавий сифатлари, шунингдек унинг бошқа руҳий хусусиятларини, эгаллаган билим, кўникма, малакаларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт машқлар, савол-жавоблар тўплами.

**Тестлар методи** - ўқувчи ҳамда талабанинг ақлий тараққиёти, қобилияти, иродавий сифатлари, билим даражаси ҳамда бошқа руҳий хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт машқлар.

**Тестлаштириш** - шахснинг билим даражаси ва руҳий сифатларини баҳолашнинг махсус инструментарийси.

**Техник ижодкорлик** - техника соҳасида яратувчилик фаолияти.

**Технологик ёндашув** - таълимнинг аниқ кутилган натижаларига эга бўлган узлуксиз жараёни.

**Технологик-педагогик негиз** - давлат ва жамиятнинг таълим олдига қўйган ижтимоий буюртмаси, яъни бош



мақсадидан кафолатланган натижасигача бўлган узлуксиз педагогик жараён.

**Технологик харита** - интеграллашган дарсларни ташкил этишда тушунча ва билимларнинг муайян изчиллиги ва ахборотли моделларни ўрганиш усуллари, йўллари, кўрсатмалари ҳамда кўргазмали-технологик топшириқлар йиғиндиси.

**Технология** - 1) шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонуниятларини мужассамлаштирган ва яқуний натижани кафолатлайдиган педагогик ҳодиса; 2) таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш, педагогик ва ўқув фаолиятини ташкил қилиш усуллари тавсифи.

**Тизим (система)** - 1) тартибга солинган, ўзаро боғланган ва таъсир кўрсатиб турадиган педагогик ҳодиса; 2) тартибга солинган тушунчалар йиғиндиси.

**Тизимли** - муайян тизимга асосланган педагогик ҳодисаларнинг ўзаро боғланган ҳолда ифодаланиши.

**Тизимли ёндашув** - тадқиқотчининг педагогик объект яхлитлигини очиб кўрсатишга йўналтирувчи, унинг ички алоқа ва муносабатларини белгиловчи жараён.

**Тизимли таҳлил** - изчил таҳлил.

**Тизимлаштириш** - педагогик ҳодисалар ва тушунчаларни гуруҳларга ажратишга асосланган фаолият.

**Тинчлик педагогикаси** - педагогиканинг ёшларни тинчлик, ўзаро ёрдам, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик муаммолари билан шуғулланувчи соҳаси.

**Типалогия** - шахснинг хилма-хил хусусиятларини асосий типларга ажратишга хизмат қиладиган инсон ҳақидаги фанлар, шу жумладан педагогиканинг ҳам таркибий қисми.

**Тифлография** - кўзи ожизлар мактабида расм солиш ва чизмачилик фанларини ўқитишда амал қилинадиган рельефли расм ва чизмалар чизиш назарияси.

**Тифлопедагогика** - педагогика фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, кўриш аъзолари тўлиқ ёки қисман издан чиқ-

қан болаларга таълим-тарбия бериш муаммоларини ўргатувчи фан.

**Тифлотехника** - кўзи ожиз ўқувчиларнинг ўқиш, меҳнат фаолияти ва атроф-борлиққа тўғри мўлжал олиш, нарса ва ҳодисаларни қабул қилиш имкониятини кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида қўлланиладиган кўргазма материаллар ва махсус жиҳозлар.

**Товуш усули (Усули савтия)** - XX аср бошларида савод ўргатиш ва алифбе дарсликлар тузишга асос бўлган усул.

**Тоифа** - 1) муайян педагогик фаолиятни бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг салмоғига кўра шахснинг касбий тайёргарлик даражаси; 2) муайян педагогик фаолиятнинг мураккаблиги ва масъулиятлилигига кўра тавсифномаси; 3) муайян касб ва мутахассислик доирасида халқ таълими ходимларининг меҳнат вазифаларини бажаришга касбий тайёрлик даражаси.

**Толерантлик** - боғрикенглик - ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш.

**Толиқиш** - таълим олувчининг жисмоний ва ақлий зўриқиш, салбий ҳиссиётлар таъсири натижасида ҳосил бўладиган ҳамда ўқув қобилиятининг пасайиши билан баҳоланадиган педагогик ҳолат.

**Топшириқ** - ўқувчиларни ижобий хатти-ҳаракатга йўналтирувчи таълим-тарбия методи.

**Тошкент педагогика университети**, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети - малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрловчи олий ўқув юрти. 1935 йил 14 сентябрда Ўрта Осиё давлат университетининг педагогика факультети негизида педагогика институти сифатида ташкил топган.

**Туризм** - ўқувчиларни жонажон ўлкаси, мамлакатимизнинг табиий, тарихий ва маданий ёдгорликлари билан таништириш мақсадида ташкил қилинадиган сайрлар, экскурсия, сафар ва саёҳатлар.



**Турк тили Давлат таълим стандарти** - турк тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Турк тили хонаси** - турк тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Турк тили ўқитиш методикаси** - 1) турк тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) турк тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Турғунлик** - доимий, мустақил амал қилувчи ҳолатга эришишни таъминловчи педагогик тушунчалар.

**Тушунтириш** - 1) ўқув-тарбия жараёнида идрок ёки тафаккур объекти ҳисобланган нарс ва ҳодисалар ҳақида янги тасаввур, тушунча, ҳукмлар ҳосил қилиш имконияти, ҳодисаларни белгиларига кўра бошқа нарс ва ҳодисалардан фарқлашга оид тушунчага эга бўлиш; 2) айрим жараёнлар, ҳодисалар орасидаги боғлиқликлар, воқеа ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини, матн мазмунининг моҳиятини очиш кабиларга асосланган руҳий ҳолат.

**Тушунтириш** - ўқувчи ва талабаларга сўз воситасида ўқув материалларини тушунтириш, шарҳлашдан иборат педагогик метод.

**Тушунтириш-кўргазмали ёндашув** - ўқитувчилар машғулот давомида ўқув-услубий адабиётлардаги кўргазмали воситалар орқали "тайёр" ҳолда билим оладилар.

**Тушунтириш, намоиш этиш методи** - ўқувчиларнинг ахборотни ўзлаштиришини ташкил этиш жараёни.

**Тушунча** - нарс ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари, алоқалари мазмун-моҳияти ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шакли.

**Тўлиқлик** - педагогик билим ва тушунчаларни мумкин қадар яхлит ифодаланиши.

**Тўғрилиқ** - шахснинг ўз бурчи ва эътиқодига садоқатлиқ, топширилган ишга самимий ёндашиш, ҳақиқатгўйлик орқали ифодаланувчи ахлоқий сифати.

## У

**Узлуксиз таълим** - ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб боровчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими.

**"Узлуксиз таълим" журнали** - Республика узлуксиз таълим тизимида таълим босқичлариаро тизимлиликни таъминлаш, таълим соҳасини юксалтиришга ҳисса қўшиш, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, илмий-методик янгиликларни ёритиш ва унинг тарғиботчи-ташвиқотчиси сифатида фаолият кўрсатишга қаратилган илмий методик журнал. Муассислари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти. Журнал 2001 йилда ташкил этилган.

**Уй вазифаси** - ўқувчиларнинг уйда бажарадиган, дарсдан кейинги мустақил иш шакли.

**Уйғунлик** - муайян ўқув предметида оид ўқув материал мазмунининг шахсни ривожлантириш шакли, методи ва усуллари билан уйғун тарзда ифодаланиши.

**"Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари** - Ўзбекистоннинг умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари.

**Умумий лаёқат** - билимларни нисбатан осон ва сифатли ўзлаштиришни таъминловчи шахс хусусиятлари тизими.

**Умумий малака** - жамият ахлоқий меъёрларининг юқори даражада ўзлаштирилиши.

**Умумий педагогика** - инсон ёши, руҳий ҳолати, шахсий хусусиятларидан қатъи назар унга таълим-тарбия бе-



риш қонуниятлари, методлари, тамойилларини аниқлаш билан шуғулланувчи фан.

**Умумий ўрта таълим** - 1-9-синфларда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ва уларни баркамол шахс сифатида ривожлантириш тизими.

**Умумий ўрта таълим мактаби** - ўқувчиларга умумий ўрта таълим берувчи таълим муассасаси.

**Умумий қарорлар** - таълим муассасаси фаолияти ва жамоа аъзоларининг иш тартиби, таълим муассасаси регламентини белгилаш ҳақидаги умумий тавсифга эга бўлган ҳукм.

**Умуминсоний қадрият** - муайян жамият, маданият ёки тарихий давр билан бевосита боғланмаган, кишилар томонидан қабул этилган қадрият.

**Умумлаштириш** - шахснинг воқеликни билиш, тадқиқ этишдаги муҳим фикрий ҳаракати ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш муҳим белги, хусусиятларини, боғланишларни фикран муайян тушунчага бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси.

**Умумлаштириш методи** - шахснинг воқеликни билиш, тадқиқ этишдаги муҳим фикрий ҳаракати ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш муҳим белги, хусусиятларини, боғланишларни фикран муайян тушунчага бирлаштириш йўллари ва усуллари.

**Умумпедагогик технология** - турли даражада тизмларни ифодаладиган айрим таълим муассасасидаги барча таълим-тарбия соҳаларига тегишли бўлган технологиялар.

**Университет** - табиий, ижтимоий ва гуманитар йўналишда юксак малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган кўп тармоқли олий ўқув-илмий муассаса.

**Университет Низоми** - университетларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ифодаланган меъёрий ҳужжат.

**Установка** - ўқувчи ёки талабанинг муайян фаолиятни бажаришга қаратилган, тажрибаларига асосланган тайёргарлик даражаси.

**Устоз** - касб-ҳунар, илм ўргатувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи мураббий, раҳнамо, ўқитувчи.

**"Устоз" республика жамғармаси** - "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мувофиқ Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари сафидан етук педагоглар тайёрлашга кўмаклашишга қаратилган жамғарма тури.

**Усуллар** - ахборот узатиш ва қабул қилишнинг сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалий турларини қамраб олган усуллар мажмуи.

**Усули жаҳид мактаблари** (янги усул мактаблари) - Туркистонда XIX аср охири - XX аср бошларида болаларнинг саводини чиқариш, ахлоқий-маънавий тарбиялаш мақсадида ташкил этилган мактаблар.

**Уятчанлик** - одобсиз ҳаракатларни қилмай туриб, унинг оқибатларини тасаввур этиш натижасида пайдо бўладиган ҳиссиёт.

## Ф

**Факультатив курс** - узлуксиз таълим жараёнида назарий билимларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ўтиладиган ихтиёрий ўқув курси.

**Факультет** (лот. *fakultas* - имконият, қобилият) - олий ва ўрта махсус ўқув юртининг ўқув-илмий, маъмурий-ташкилий бўлинмаси.

**Фалсафий педагогик негиз** - педагогика назарияси ва амалиётига оид масалаларни ҳал қилишда жаҳон ва миллий фалсафий фикрлар, тамойиллар ва категорияларга таяниш.

**Фан ва маданият халқаро жамғармаси** - фан ва маданият соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш, жаҳон халқлари фани ва маданияти тажрибаларидан фойдаланиш ва Ўзбекистон фани ва маданиятини намойиш қилувчи жамғарма тури.

**Фаоллик** - ишчанлик.

**Фаолият** - муайян мақсадга йўналтирилган иш, ҳаракат, машғулот.



**Фаолият маҳсулини ўрганиш методи** - педагогика ва психология тарихини ўрганиш, таълим менежменти асосларини ифодалаш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини бошқаришда оптимал қарорлар қабул қилишда кенг фойдаланиладиган методлар.

**Фаолият параметрлари** - фаолият йўналишлари.

**Фан** - 1) дунё ҳақидаги билимлар тизими, ижтимоий онг шаклларида бири; 2) кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисми.

**Фан доктори** - юқори илмий даража. Дастлаб 1130 й. Болонья университетида жорий этилган бўлиб, магистрлик даражасига эга бўлган ўқитувчиларга берилган.

**Фан комитети** (Ўзбекистон Халқ комиссарлари Кенгаши ҳузуридаги фан комитети) - 1930 йилда Ўзбекистон фан штаби вазифасини бажарган илмий ташкилот.

**Фан-техника инқилоби** (илмий техника инқилоби) - ишлаб чиқарувчи кучларнинг туб сифат ўзгаришларида фаннинг асосий ишлаб чиқарувчи омили бўлиши. XX асрнинг ўртасида бошланган.

**"Фан ва турмуш"** - Ўзбекистон ФАнинг илмий-маърифий, оммабоп журнали.

**Фанларни ўқитиш методикаси** - педагогика фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, муайян ўқув фанини ўқитиш қонуниятлари, шакл, усул ва материалларини ўрганади.

**Фараз** - муайян воқеа-ҳодиса ҳақида олдиндан, тахминан чиқарилган ҳукм, хулоса, тахминий мулоҳаза.

**Фасилитейтор** - ўқитиш методлари бўйича маслаҳатчи.

**Феноменал хотира** - идрок қилинган нарса ва хусусиятларни, уларнинг боғланиши муносабатларини фавқулодда тез ҳамда аниқ эсда қолдириш ва эсга тушуришдан иборат нодир қобилият.

**Феррара мактаби** - Уйғониш даври Италия рассомлиги мактаби. А.Мантенъее, Пьеро дела Франческа, қисман Нидерланд рангасвири таъсирида Феррара шаҳрида шакл-

ланган, энг тараққий этган даври XV асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

**Физик домино** - 115 тадан 300 тагача ҳар бири 2 қисмли карточка (варақча)дан иборат бўлиб, бир қисмида муайян топшириқ, иккинчи қисмида бошқа топшириқнинг жавоби келтирилган кўргазмали ўқув материали.

**Физика Давлат таълим стандарти** - физика таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**"Физика, математика ва информатика" журнали** - умумтаълим мактабларида физика, математика ва информатика фанларини ўқитишга оид ўқитувчи ва ўқувчиларга мўлжалланган туркум илмий-оммабоп, услубий мақолалар, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга йўналтирилган махсус журнал.

**Физика хонаси** - физика фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Физика ўқитиш методикаси** - 1) физика таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) физика ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Физика ўқув предмети** - ўқувчиларга материя ҳаракати ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида илмий билим асосларини ўргатишга қаратилган ўқув предмети.

**Фикр** - тушунча, билим, онг, ақл, маслак.

**"Фикрларнинг шиддатли хужуми" методи** - ўқитишнинг интерфаол усуларидан бири.

**Фикрлаш** - муайян воқеа-ҳодиса ҳақида маълум бир хулосага келиш учун мулоҳаза юритиш, ўйлаш.

**Филантропизм** - XVIII аср охирида Германияда Жан Жак Руссо ғоялари асосида жамиятта фойда келтирувчи фуқарони тарбиялаш ва таълимни тубдан ислоҳ этишни тарғиб қилган педагогик оқим.



**Фильмоскоп** - таълим жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган таълим воситаси.

**Фланелеграфлар** - магнитли тахта, таълимнинг дидактик воситаларидан бири.

**Формал ўқитиш** - фан асосларини ўзлаштиришга иккинчи даражали вазифа сифатида қараб, мактабнинг вазифаси ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларини ўстиришдан иборат деб билувчи педагогик йўналиш.

**Форум** - йиғин ўтказиладиган жой.

**Француз тили Давлат таълим стандарти** - француз тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Француз тили хонаси** - француз тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Француз тили ўқитиш методикаси** - 1) француз тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) француз тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

## Х

**Хайрия жамияти ("Жамияти хайрия")** - Ўзбекистонда XIX аср охири - XX аср бошларида ёшларнинг таълим-тарбиясига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган, ўз низоми ва дастурига эга бўлган маънавий-маърифий педагогик уюшма.

**Халфа** - мактабхоналарда ўқувчиларни ўқитишда домлага ёрдам бериб турадиган шогирд.

**Халқ педагогикаси** - 1) муайян халқнинг таълим-тарбияси, мазмуни унинг мақсад ва вазифалари, шакл, восита, усул ва методларини ўзида мужассамлаштирган педагогика фанининг алоҳида тармоғи; 2) тарбиянинг мақ-

сад ва вазифалари борасида муайян халқнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда турмуш тарзида шаклланган амалий қарашлар мажмуи; муайян жамиятда яшаш учун ҳар бир одам амал қилиши шарт саналган ва урф-одат, удум, хулқ-одоб, маросим, анъана, турмуш тарзи, бадийий ижод, ўйин сингари эмпирик воситаларда намоён бўладиган амалий фаолият ҳамдир.

**Халқ таълими** - мамлакатда тарбиявий, ўқув ва маданий-маърифий муассаса ва тadbирлар тизими ҳамда уларни бошқариш органлари.

**"Халқ таълими аълочиси"** - таълим муассасалари ва педагогика соҳасида илмий тадқиқот ҳамда малака ошириш институтлари ходимларини мукофотлаш учун таъсис этилган кўкрак нишони.

**Халқ таълими бўлими** - туман, вилоят, шаҳар халқ таълимини назорат этувчи давлат бошқарув органи.

**Халқ таълими вазирлиги** - Халқ таълимини бошқарувчи давлат ташкилоти

**"Халқ таълими" журнали** - Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг барча муассасаларида маънавий етук шахсни шакллантиришнинг илмий-педагогик асосларини ёритишга қаратилган илмий-методик журнал. Муассислари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти. Журнал 1918 йил декабрдан чиқа бошлаган.

**Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институти**, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институти - Ўзбекистондаги энг йирик ўқитувчилар малакасини ошириш институти. 1934 йил 4 майда Халқ таълими кадрлари малакасини ошириш институти номи билан ташкил топган.

**Халқаро педагогик конференция** - турли мамлакатлар таълим-тарбия соҳаси вакиллариининг муайян педагогик

масалани муҳокама қилиш учун йиғилиши. қ. Конференция; Педагогик конференция.

**Характер** - ўқувчи ёки талаба хулқи ёки ахлоқида намоён бўладиган ва унда одат тусига кириб қолган энг муҳим руҳий ҳолатлар.

**Харизма** (ёки харизматик легитимлик) - бирор шахснинг бошқаларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада устун хусусиятларга эгаллиги ва шу устунлик ёрдамида халқни бошқаришга ҳақли эканлигини ифодаладиган тушунча.

**Хаттотлик** - (араб. - хуснихат ёзувчи), каллиграфия - ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадий буюмларнинг китобаларини яратиш касби.

**Химия хонаси** - Химия фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Хислат** - шахс ёки бирор нарсанинг муҳим ижобий белгиси, сифати, хусусият, фазилят.

**Хитой тили Давлат таълим стандарти** - хитой тили таълим мазмунини ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Хитой тили хонаси** - хитой тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Хитой тили ўқитиш методикаси** - 1) хитой тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларда муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) хитой тили ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Хотирлаш** - ўқувчининг аввал эсда қолдирилган нарс ва ҳодисаларни такрор идрок қилиш орқали эсга туширишдан иборат хотира жараёни.

**Хулоса** - шахс тафаккурининг асосий мантиқий шакллари билан бири.

**Хулқ** - хулқ-атвор, ахлоқшунослик тушунчаларидан бири. Инсоннинг феъл-атвори билан боғлиқ ахлоқий ҳодиса бўлиб, киши феълининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши тушунилади. Инсоннинг ахлоқий доирасидаги хатти-ҳаракатлари хулқдан ташқари одоб ва ахлоқни ўз ичига олади. Одоб инсон ҳақида ёқимли таассурот уйқотадиган, лекин оила, жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида ўзгариш ясайдиган даражада аҳамият касб этмайдиган хатти-ҳаракатлардан иборат бўлса, ахлоқ муайян жамият, замон инсоният тарихи учун таъсир эта оладиган турли хатти-ҳаракатлар мажмуи, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса. Хулқ қамровлилик жиҳатидан ана шу икки ҳодиса ўртасидаги хусусиятларга эга; у одобдан кенг, ахлоқдан тор маънога эга бўлиб, ахлоқ сингари жамият, замон, тарих миқёсидаги воқеликка таъсир кўрсата олмайди. Лекин оила, меҳнат жамоаси, маҳалла-кўй доирасида сезиларли даражада кўзга ташланади. Ахлоқ ўзини эзгулик ва ёвузлик, адолат, инсонпарварлик, фидоийлик сингари ижтимоийлашган тушунчалар ва тамоилларда намоён қилса, хулқ яхшилик ва ёмонлик, бурч жўмардлик, меҳмондўстлик каби тушунчаларда акс этади, одоб эса камтарлик, инсофлилик, босиқлик, ҳалоллик, ростгўйлик ва б. ахлоқий меъёрларда ифодаланади. Шарқ фалсафаси ва ахлоқ илмида мазкур ахлоқий ҳодиса жуда қатъий чегараланган бўлмасада, бир-биридан қатъий тарзда олиб қаралган. Европада эса хулқ билан ахлоқ кўп ҳолларда алмаштирилади ёки улар бир-бирига синоним тушунчалар сифатида талқин этилади.

Хулқ ўзича, "соф" олинганда мавҳум ахлоқий ҳодиса, у инсон хатти-ҳаракатларида аниқлик касб этади; ижобий хатти-ҳаракатларда намоён бўлиши-хушхулқлилик, салбий аъмоллардаги кўриниши - бадхулқлилик деб аталади. Хушхулқ инсон мулойим, ширинсуҳан, меҳрибонлик билан муносабатда бўлса, бадхулқ одам кўпол, оғзи шалоқ, бемехр бўлади.

**Хусусий дидактика** - муайян ўқув предметини ўқитиш-



нинг назарий-методик асосларини ўрганувчи педагогика фанининг алоҳида тармоғи.

**Хусусий технология** - хусусий технология ўқув фани кўринишида педагогик технологияларни ижтимоий ҳодиса, назарий фан, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг услублари, алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси сифатида турли таълим муассасаларида белгиланган ўқув дастури асосида ўргатишдан иборат.

## Ч

**Чақириш усуллари** - таълим олувчиларнинг муайян муаммога чуқур ёндашган ҳолда баҳс-мунозарага киришишлари асосланган ўқув жараёни.

**Чақириқ** - ўқувчиларда танқидий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган дарс босқичи.

**Чизмачилик** **Давлат таълим стандарти** - чизмачилик таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Чизмачилик ўқитиш методикаси** - 1) чизмачилик таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) чизмачилик ўқитиш методикаси хусусий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

## Ш

**Шакллантириш** - наслий омиллар, муҳит, мақсадга қаратилган таълим-тарбия ва шахсий фаоллик таъсирида инсондаги билим, кўникма, малака ва фазилатларни таркиб топтириш жараёни.

**Шакллантирувчи педагогик эксперимент** - ўрганилаётган муайян педагогик ҳодисанинг амалиётдаги ҳолатини аниқлашга қаратилган кузатув жараёни.

**Шарқона тарбия** - Шарқ халқларига хос бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган тарбия тизими.

**Шарҳ** - жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, баҳс-мунозара руҳидаги асарлар, ғоялар, фикрлар, қарашлар ва таклифларни изоҳловчи, муайян масалалар (муаммолар) ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

**Шахс** - алоҳида индивид, моҳиятан яхлит ижтимоий-ахлоқий бирлик.

**Шахс камолоти** - муайян педагогик, тарихий шарт-шароитларда шахсда таркиб топтирилиши лозим бўлган қобилият ва иқтидор, унинг моҳиятини ташкил этадиган барча жиҳатларнинг тўлиқ ривожланиши.

**Шахс фаоллиги** - инсоннинг оламга нисбатан фаолиятли муносабати, моддий ва маънавий муҳитда ижтимоий аҳамиятга молик ўзгаришларни амалга ошириш қобилияти, инсоннинг ижодий фаолияти, иродавий ҳолати ва мулоқотида намоён бўладиган сифат.

**Шахс хусусиятлари** - муайян шахснинг бошқалардан фарқли ўзига хос хусусият ва белгилари, уларнинг умумийлигини кўрсатиб турувчи жиҳатлари.

**Шахсга қаратилган тестлар** - шахснинг турли жиҳатлари (кўрсатма, қадрият, муносабат, ҳиссиётлилиқ, шахслараро хусусиятлар, ҳулқнинг типик шакллари)ни баҳолашга қаратилган психологик ташхис методикаси.

**Шахсий гигиена** - гигиенанинг бир бўлими; шахсий ҳаёт ва меҳнат фаолиятида амал қилиниши зарур бўлган гигиеник режим йўли билан одам соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалаларини ишлаб чиқади.

**Шахсиятли ёндашув** - педагогнинг тарбияланувчига ўз тарбияси ва ривожланишига онгли ёндашадиган шахс сифатида қарашини ифодаловчи ёндашув.



**Шахсни тадқиқ этиш методлари** - инсон шахсининг намоён бўлишини ўрганувчи усул ва методлар мажмуи.

**Шахсни шакллантириш** - шахс такомиллашувидаги ўзгаришлар, маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний ривожланишини ифодаловчи ҳолат.

**Шахсининг йўналганлиги** - аниқ вазиятлардан қатъи назар, шахс фаолиятини йўналтириб турувчи қатъий мотивлар мажмуи.

**Шахсининг умумий хислатлари** - инсоннинг ижобий белгилари ва сифатлари.

**Шаҳодатномалар танлови** - шаҳодатномадаги тегишли балл асосида ўқув муассасасига имтиҳон танловисиз қабул қилиш тартиби.

## Э

**Эвристик** - ўқувчиларда топқирлик, фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни.

**Эвристик суҳбат** - ўқитувчи томонидан қўйилган саволлар ёрдамида ўқувчининг аввал ўзлаштирган билимлари ва кузатишларига таяниб, муайян янги хулосалар чиқариши ва маълумотларни кашф этишига қаратилган ўқитиш шакли.

**Эвристик фаолият** - маҳсулдор ижодий фикрлаш.

**Эвристика** (юн. *heurisko* - излайман, топаман) - 1) масала ечишнинг махсус усуллари (эвристик усуллар); 2) ЭХМ (компьютер) учун дастурлар тузиш усули (эвристик дастурлаш); 3) маҳсулдор ижодий фикрлаш (тафаккур) жараёнини ташкил қилиш (эвристик фаолият); 4) эвристик фаолиятни ўрганадиган предмет; фикрлаш ҳақидаги фаннинг махсус бўлими.

**Эгоизм (шахсиятпарастлик)** - шахсининг ўз қизиқиши доирасига боғланиб қолиши, бошқа одамлар ва нарсаларга нисбатан ўзининг дастлабки билимига оид қараш ёки фик-

рини ўзгартира олмаслиги, ҳатто ўз тажрибасига қарама-қарши ахборотларга мослаша билмаслигидан иборат хусусияти.

**Эгоцентризм** - шахсининг тафаккур ва диққатини буткул ўз-ўзига йўналтириши билан белгиланадиган ҳолат.

**Экзистенциализм** - тарбияни шахсининг ўз-ўзини намоён қилиши ва рўёбга чиқариши учун шароит яратишини тарғиб этишга қаратилган педагогик-фалсафий қарашлар тизими.

**Экологик тарбия** - ўқувчи ва талабаларга атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш меъёрлари ва одоби, илмий, диний, ахлоқий қарашлар мажмуасини сингдириш жараёни.

**Экологик таълим** - атроф-муҳитни асраб-авайлиш мазмуни, шакли, усул ва методларини ўргатувчи, педагогика фанининг муҳим тармоғи.

**Экологик ўқув** - ўқувчи ва талабаларда экологик дунёқараш, онг ва тафаккурни шакллантирадиган, умуман, табиий тизимларда инсонларнинг тутган ўрни ва фаолиятининг аҳамияти, экологик тизимлар, кишилиқ жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва инсон фаровонлиги омили эканлигини тушунтиришга қаратилган экологик таълим, тарбия, маълумот ва тарғибот мажмуи.

**Экология ўқув фани** - ОЎЮ ларида талабаларга экологияга оид билим, тушунчалар, экологик таълим-тарбия асосларини ўргатувчи ўқув фани.

**"Экосан" халқаро Ўзбекистон экология ва саломатлик жамғармаси** - инсон саломатлиги ва табиатни муҳофаза қилиш учун жамиятнинг ҳамма қатламлари ва фуқороларни аниқ ҳаракатлар қилишга бирлаштириш, эътиборга молик ташаббусларни, лойиҳа ва дастурларни ёйиш ва амалга оширишга ёрдам берувчи жамғарма тури.

**Экскурсия** (лот. *excursion* - сайр қилиш) - 1) билимни бойитиш, амалий тажриба ҳосил қилиш ёки маданий-маърифий мақсадда диққатга сазовор жойларга жамоа бўлиб бориш; 2) бевосита кузатиш асосида муайян жараён, во-



қеа-ҳодиса ёки фаолият мазмунини ёритувчи билимларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминловчи таълим шакли.

**Эксперимент** (лот. experimentum - тажриба, синаб кўриш) - фанда нарса ва ҳодисаларни сезги-предмет фаолияти билан тадқиқ қилиш, ўрганиш. Кузатишга қараганда юксакроқ билиш усули; 2) муайян илмий мақсадга эришишни кўзлаб ўтказиладиган тажриба.

**Эксперимент баҳолаш методи** - шахс психологиясида кенг қўлланилган метод бўлиб, экспертлар сифатида текшириладиган кишиларни яхши билувчилар тақлилий фаолиятини амалга ошириш методи.

**Эксперимент методи** - 1) ҳодиса ва жараёнлардан режалаштирилган ишчи фараз асосидаги далил - исботларни рўёбга чиқариш ва уларнинг ташқи шароитга боғлиқлигини асослашга қаратилган метод; 2) илмий тажриба ўтказиш методи.

**Экспериментал илмий тадқиқот** - таълим жараёнига янги технологиялар ёки уларнинг элементларини кириштириш, қўлланиладиган технологиялар орасида янги алоқадорликни вужудга келтиришга қаратилган тадқиқот тури.

**Экспериментал педагогика** - педагогиканинг педагогик ҳодисалар ва жараёнларни экспериментал ўрганишга асосланган алоҳида тармоғи.

**Эксперт баҳолаш методи** - мураккаб ва чигал масалани ечишга йўналтирилган фаолият натижасини баҳолаш методи.

**Экспресс диагностика текшириш** - нейро-психологлар текширувига асосланган ҳолда илғор ўқитувчилар томонидан танланган метод.

**Экспрессия** - 1) ифодалилиқ; кечинма, ҳиссиётларни намоён этиш қуввати. Инсон ҳиссиётларини ташқи намоён бўлишига хос экспрессив таъсир; 2) инсоннинг ўзи ёхуд ўзгаларнинг аҳволи, руҳий кечинмалари ҳақида имо-ишора орқали маълумот бериш (имо-ишора, юз ифодаси, пантомимика).

**Экстерн** - ўқув муассасида таълим олмасдан, курс бўйича имтиҳон топширувчи шахс.

**Экстернат** (лот. externus - ташқи, бегона) - 1) ўқув юртида ўқув дастурини мустақил ўзлаштириш (машғулотларга қатнашмасдан) га асосланган таълим тизими. ЎЗРда умумий ўрта таълимнинг 12 йиллик тизимига ўтилиши муносабати билан бекор қилинган; 2) ўқув муассасида бевосита ўқимаган шахслар учун ўқув курси бўйича имтиҳонларни топшириш учун белгиланган тартиб.

**Эксперт баҳо** - мутахассис ёки мутахассислар гуруҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш асосида уни баҳолаш.

**Экстраверсия** - инсоннинг тафаккур ва диққат-этиборини ўз атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга қаратиши (интроверсияга қарама-қарши мазмунга эга).

**Электив принцип** - ўқув предметларини ўқувчилар ихтиёрига кўра танлаш.

**Электрон алоқа** - мунозарали форумлар ўтказиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун турли рўйхатларни жонлантиришни ташкил этишга қаратилган метод.

**Электрон дарслик** - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллаш, мустақил таълим олиш, муайян фанга оид ўқув материаллари, илмий маълумотларни ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга қаратилган ўқув адабиёти.

**Электрон шаклдаги ўқув-услубий материаллар** - электрон дарслик, электрон ўқув қўлланмалар, электрон маъруза материаллари, электрон кутубхоналар, мос (GD, Flash ва ҳ.к.) сиғимдаги аудиовизуал материаллар, интерфаол ўқув курслари, компьютерда ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш учун лаборатория вазифалари, тест синовларини ўтказиш тизимлари.

**Электрон ўқув адабиёт (ЭЎА)** - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни тўплаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган ўқув манбалари.

**Электрон ўқув-методик мажмуалар (ЭЎММ)** - замо-



навий ахборот технологиялари муҳитида ўқитишнинг дидактик, дастурий ва техник интерфаол мажмуасидан ташкил топган ва ўқув материалларини компьютер технологиялари, аудио-видео воситалар асосида тақдим этадиган ўқув-методик мажмуаси.

**Элекция** - электрон маъруза, яъни компьютер тармоқлари орқали ўқувчи ҳамда талабаларга тақдим этиладиган маъруза ва ўқув материаллари.

**Элея мактаби** - юнон фалсафий мактаби. Милоддан аввалги VI-V асрларда Элея шахрида (Италиянинг жануби) шаклланган.

**Эмпатия** - инсоннинг ўзга одамларга нисбатан ҳамдardлик туйғусига эгалик лаёқатини ифодаловчи ҳолати.

**Эмпатияга мойил шахс** - қўшилмасада, ўзгалар фикрини тинглашга қодир шахс.

**Эмпирик метод** - тажриба-синов методикасига маълум бўлган адабиётлар, ғоялар, тажрибаларни ўрганиб чиқиш асосида туғиладиган фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини синаб кўриш ва амалиётга тадбиқ қилиш методи.

**Эмпирик педагогика** - ўқув-тарбия амалиётининг ҳеч қандай назарий асос ва умумлаштиришга эга бўлмай стихияли қарор топиши ҳақидаги ғояга таяниб, ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни.

**Энержайзер (фаоллаштириш) машқлари** - таълим жараёнининг фаоллаштирувчи усуллардан бири. Ўқувчиларда изланувчанлик, топқирлик хислатларини шакллантиришга қаратилган адабиёт таълими жараёнида қўлланиладиган ўқитиш усули.

**Энциклопедия** (юн. Enkyklios paideia - билимлар доираси), қомус - муайян тизимга солинган кенг қамровли билимлар тўплами, илмий ёки илмий-оммабоп нашр.

**Эргономика** - замонавий дарсликларнинг ҳар томонлама дидактик томондан ўрганувчи педагогик соҳа.

**Эркин мактаблар** - 30 нафар таҳсил олувчи, 2 нафар

ўқитувчи иштирок этадиган, асосий эътибор табақалаштирилган таълимнинг ташкил этилишига қаратиладиган, ўқув фанларининг қайси даврда ва қандай ўқитилишини таҳсил олувчиларнинг ўзлари белгилайдиган мактаблар.

**Эркин суҳбат** - таълим-тарбия усули бўлиб, ўқитувчи томонидан таълим олувчилар тафаккурини ривожлантириш, уларни ўқув жараёнига жалб этиш мақсадида қўлланиладиган усул.

**Эркин тарбия** - бола шахсини идеаллаштириб, унга гўзаллик ва ҳақиқатнинг асосий манбаи сифатида қаровчи ҳамда унга ўз-ўзини ривожлантириши ғоясини илгари сурувчи тарбия тури.

**Эркин тарбия технологияси** - болага ўз ҳаётий фаолиятини танлашда эркинлик ва танлаш ҳуқуқини берувчи технология.

**"Эркин университет"** - АҚШ ва Англияда XX асрнинг 60-йилларида ташкил этилган бўлиб, унда истаган шахснинг бепул таълим олишини таъминловчи ўқув муассаса.

**Эртак** - халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган сеҳрли-саргузашт ва маиший характердаги эпик бадиий асар.

**Эрталабки гимнастика** - эрталаблари бажариладиган бардамлаштирувчи жисмоний машқлар ва сув муолажаси мажмуи.

**Эрудиция** - (лот. eridito-ўқимишлилик, билиш) ҳар томонлама чуқур билимдонлик, ақл-заковат; 2) барча ижодий, ақлий сифатларга эга бўлиш, ўқимишлилик, фаннинг муайян соҳасини чуқур билишдан иборат имконият.

**Эски мактаб** - оғзаки тарзда ҳафтиякни ўрганиш ва диний таълим-тарбия беришга ихтисослашган мактаб.

**Эстетика** (юн. aesthetikos - ҳис қилувчи, ҳиссий тарбияга доир) - ўқув предмети, инсон билан дунё ўртасидаги қадрият муносабатининг ўзига хос томонларини ва кишиларнинг бадиий фаолияти соҳасини ўрганувчи фалсафий фан.

**Эстетик тарбия** - ёшларда борлиқ ва санъатдаги гўзал-



ликни тўғри тушуниш ва қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш, уларда эстетик ҳиссиёт, дил ва қарашларни таркиб топтириш, тарбияланувчиларнинг гўзаллик яратишда иштирок этиш эҳтиёжи ва лаёқатларини ривожлантириш жараёни.

**Эстетик таълим-тарбия** - санъат ва воқеликдаги гўзалликни тўла идрок этиш ва тўғри тушуниш қобилиятини шакллантириш мақсадида таълим-тарбия бериш мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методларини ўрганувчи педагогика фанининг алоҳида тармоғи.

**Этика** (юн. ethoss - ҳулқ, одат) - ўқув фани ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганувчи фалсафий фан.

**Этнопедагогика** - халқ миллий анъана, ижтимоий тажриба, маънавий-маърифий, маданий-этник қадриятларининг психологик-педагогик асосларини аниқлаш ва амалиётга талбиқ этишга қаратилган педагогика фани тармоғи.

**Этиқод** - инсон руҳиятининг қандайдир маълумот, матн, ҳодиса, воқеа ёки шахсий тасаввур ва ақлий ҳулосалар тўлиқ ва эътирозсиз қабул қилинадиган алоҳида ҳолати.

**Эфебия** - Қадимги Грецияда эрамиздан аввалги V-асрнинг 2-ярмида қарор топган 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган йигитларни ҳарбий ва фуқаролик хизматига тайёрлашга қаратилган давлат ҳарбий- жисмоний тарбия тизими.

**Эҳтиёж** - шахснинг меъёрий ҳаётий фаолият юритиши учун, тегишли талабларнинг қондирилмаганлиги туфайли, мазкур салбий ҳиссиётни бартараф этишга йўналтирган руҳий педагогик ҳолати.

## Ю

**"Юмалоқланган қор ўйини" методи** - мавзуну муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини берувчи, таҳсил олувчиларда гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи интерактив метод.

**Юнисеф** (инг. United Nations Childrens Fund) - қ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси.

## Я

**Ягона педагогик талаблар** - ўқувчиларнинг ҳулқ- атвор қоидаларига ялпи амал қилувчи тарбиявий ишлар тизими.

**Якшанбалик мактаблари** - Россияда XIX асрнинг 50-йилларида ташкил топган, ишчи, деҳқон ва ҳунармандларнинг якшанба кунини ишлайдиган умумтаълим мактаблари.

**"Ялпи фикрий ҳужум" методи** - Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган дидактик ўйин тури.

**Янги ижодий педагогик тажриба** - педагогнинг ўз фаолиятини қатъий ғоялар ёки ғоялар мажмуи асосида тизимли янгилаши асосида илғор педагогик тажрибалар намоён бўлишининг юқори босқичи, унинг натижасида муҳим ва барқарор педагогик самарадорликка эришилади.

**Янги педагогик тартиб-қоида** - ўқитувчининг илғор тажрибаси, илмий-амалий ижодкорлиги натижаси.

**Янги усул мактаблари** - мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, болаларга она тилида хат-савод ўргатган ва янгилик ғояларини илгари сурган ўқув юртлари.

**Янгилик** - педагогик амалиётда ўз тавсифига кўра оммавий тажрибалардан фарқланувчи янгилик сифатида қабул қилинувчи ҳодиса.

**Япон тили Давлат таълим стандарти** - япон тили таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

**Япон тили хонаси** - япон тили фанини ўқитишда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этишга қаратиб махсус жиҳозланган ўқув хонаси.

**Япон тили ўқитиш методикаси** - 1) япон тили таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларда муай-

ян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) япон тили ўқитиш методикаси хуsusий педагогиканинг алоҳида тармоғи.

**Яратувчанлик** - турли ўқув муассасалари педагоглари-нинг педагогик технологияларини яратиш имкониятлари.

**Яриммедия китоблар** - маълумотларни етказиб бериш-да турли воситаларнинг (CD-ROM, магнит диск, қоғоз ва ҳ.к.) мажмуасидан фойдаланиш имкониятини беради-ган китоблар.

**Ясли** - Саратон юлдуз туркумидаги тарқоқ юлдуз тўдаси (қ. Юлдузлар тўдаси).

**Ясли-Богча** - Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим бўғинидаги 2 ойликдан 6 (7) ёшгача бўлган болаларни тарбиялаш маскани.

**Яхлит компьютер тизимлари** - маълумотларга қайта ишлов беришга мўлжалланган тизим бўлиб, у маълумот-ларни тасвирлаш ва тизим компонентлари билан фойда-ланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ягона усулига ҳамда мутахассислар, уларнинг профессионал ишларида ахборот ва ҳисоблашга бўлган талабни қондирувчи мурак-каб ахборот технологик ва дастурий мажмуа.

## Ў

**Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи хайрия жамғарма-си** - Болалар кутубхоначилиги ишини ҳар томонлама ри-вожлантириш ва такомиллаштириш, болалар кутубхона-чари ходимларини юридик ва ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашишга қаратилган жамғарма тури.

**Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари ўқув предмети** - умумий ўрта таълим босқичида Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳуқуқи асосларини ўргатишга қаратилган (8-синф) ўқув предмети.

**Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати** - Ўзбе-кистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилоти.

**Ўзбекистон кўзи ожиз ва заиф болаларни ҳамда ёшлар-ни реабилитация қилиш бўйича "Паноҳ шуъласи" жамғар-маси** - Кўзи ожиз ҳамда заиф болаларни реабилитация қилиш ва жамиятдаги мустақил ҳамда тўлақонли ҳаётга қайтаришга қаратилган жамғарма тури.

**Ўзбекистон Педагогика академияси** - ишчилар факуль-тетлари, техникумлар учун умумий фанлардан дарс бера-диган педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти.

**Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълим стандартлари тармоқ тизими** - ўрта махсус, касб-хунар таълими чуқурлаштирилган умумтаълим предмет-лари бўйича ва амалий-назарий таълимнинг асосий маз-мунини ифодалайдиган касблар, мутахассисликлар бўйи-ча касбий тайёргарликнинг сўнгги мақсадларини белги-лайдиган ҳамда таълимнинг кафолатланган даражаси ва сифатини аниқлайдиган меъёрий ҳужжатлар мажмуи.

**Ўзбекистон тарихи Давлат таълим стандарти** - Ўзбе-кистон тарихи таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, мала-каларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқ-ланган эталони, модели.

**Ўзгарувчанлик** - таълим сифати ва мазмунини тезкор ва узлуксиз янгилаб бориш, ўқув материаллари ва дарс-ликларни модернизация қилишни таъминлаш жараёни.

**Ўзлаштириш** - ўқув дастурига мувофиқ таълим мазму-нининг ўзлаштирилганлик даражаси.

**Ўзликни англаш** - ўз хатти-ҳаракатининг жамият талаб-ларига мослиги, ўз менига эга бўлиши, жамият аъзолари билан мулоқотга киришга олишини англаш имконияти.

**Ўз-ўзини англаш** - инсоннинг ўз-ўзи, ўз шахсий си-фатларини англаши.

**Ўз-ўзини баҳолаш** - (ўз фаолиятини баҳолаш) ўқитув-



чига ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот (тажриба)ни жамлашга ёрдам берувчи жараён.

**Ўз-ўзини бошқариш** - жамоанинг ижтимоий аҳамиятли мақсадга эришиш учун ечимларни танлаш ва қабул қилишда жамоа аъзолари мустақиллигининг такомиллашувини назарда тутувчи ҳаётий фаолиятининг ташкилий-демократик шакли.

**Ўз-ўзини идора қилиш** - инсоннинг ўз психологик ва физиологик ҳолати, хатти-ҳаракатини бошқариш жараёни.

**Ўз-ўзини кузатиш методи** - шахснинг ақлий фаолияти бўлиб, ўзининг интеллектуал салоҳияти ва касби билан боғлиқ бўлган сермаҳсул ишларни амалга ошириш методи.

**Ўз-ўзини ривожлантириш технологияси** - шахсда ўз-ўзини бошқариш механизми, эвристик - ижодий сифатлар, амалий - амалий-фаолиятли (АФС) ва психофизиологик (ЖРС), шунингдек, шахс компонентларини ривожлантириш соҳаси.

**Ўз-ўзини тарбиялаш** - ички туйғулар ёрдамида миллий қадриятларни, инсон ҳаётидаги ютуқ ва муаммоларни, тажрибаларни ўрганиш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш ҳамда мустақил ривожланиш жараёни.

**Ўйин** - тарбиялаш ва хордиқ чиқариш воситаларидан бири. У инсониятнинг бутун тарихи мобайнида диний маросим, спорт, ҳарбий ва бошқа машқлар, шунингдек, санъат, айниқса унинг ижро шакллари билан қўшилиб келган.

**Ўйин технологиялари** - ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига лойиҳалаштирилган дидактик жараён.

**Ўйинчоқ-китоблар** - мактабгача таълим ёшидаги болалар ўйнашлари учун чоп этилган қўлланма китоблар.

**Ўрганиш** - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш жараёни.

**Ўргатиш** - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини ташкил этиш жараёни.

**Ўргатувчи модул** - ўқув жараёнининг изчил мазмуни, ўқувчининг ўқув ҳаракатларини бошқариш ва ўзлаштирилган билимларни назорат қилиш тизими ва услубий ишланмалар мажмуидан иборат педагогик ҳодиса.

**Ўрта махсус касб-ҳунар Давлат таълим стандарти** - ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг давлат томонидан тасдиқланган модели, намунаси, эталони ҳамда таълим мазмунининг максимум даражаси ва унга қўйилган минимум талаблар.

**Ўрта махсус касб-ҳунар таълими** - 1) ўқувчиларда 9-синфни битиргандан кейин муайян касб соҳасида ўрта махсус маълумот ҳосил қилишга йўналтирилган таълим муассасаси; 2) Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимидаги таълим турларидан бири. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мувофиқ, умумий ўрта таълим негизига асосланади.

**Ўрта махсус ўқув юртлари** - Ўзбекистон Республикасида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун кадрлар тайёрлаб берувчи ўқув муассасалари.

**Ўрта таълим** - 1) умумий таълим босқичларидан бири; 2) шахснинг жамият ижтимоий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этишига имкон берувчи билим, малака ва кўникмалар даражаси.

**Ўсмир** - 11-12 ёшдан 15-16 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг ривожланиш даври.

**Ўқиш** - 1) дарс жараёнида муайян ўқув дастурини ўзлаштириш;

2) таҳсил олиш, билимларни эгаллаш; 3) бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқув фани; 4) "Ўқиш"- бошланғич синф дарслиги.

**Ўқитиш** - ўқувчи ёки талабаларнинг ўқув, билув жараёнига раҳбарлик қилиш, уларга билим бериш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.

**Ўқитиш алгоритми** - ўқитиш жараёнининг алгоритми-ни ишлаб чиқариш ва таълим-тарбия жараёнида ахборотдан самарали (алгоритмик тарзда) фойдаланишга эришиш.

**Ўқитиш ва ўрганиш методикаси** - ўқитувчи ва тахсил олувчиларнинг иш методи.

**Ўқитиш мароми** ( лот. tempus - вақт) - ўқув материалини ўзлаштириш билан боғлиқ ўқув жараёнининг ривожланиш ҳолати.

**Ўқитиш методи** - қ. Таълим методи.

**Ўқитиш методикаси** - педагогика фани ва амалиётининг бир қисми бўлиб, ўқувчининг ўқув фани мазмунини қабул қилиб олиши ва уни амалиётда қўллашига оид қонуниятлари (баён қилиш ва ўзлаштириш) тадқиқи билан шуғулланадиган фан.

**Ўқитиш принциплари** - қ. Таълим принциплари.

**Ўқитиш технологияси** - бунда ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш ва ўқитишнинг индивидуал шакли устувор ҳисобланади.

**Ўқитиш усуллари** - ўқитишнинг самарали йўли.

**Ўқитишни табақалаштириш** - ўқувчиларга ўзларининг иқтидори ва имкониятларига қараб ўзаро фарқли таълим бериш жараёни.

**Ўқитишнинг когнитив йўналиши** - 1) идрок этиш, хотира, тафаккур каби билиш жараёнларига ҳамда илғор ахборот ютуқларига таянувчи таълимот; 2) интериоризация - ақлий фаолиятнинг босқичма-босқич шакллантирилиши - инсон руҳияти ва фаолиятининг уйғунлигига асосланувчи таълимот.

**Ўқитишнинг курс тизими** - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим ўқув муассасаларидаги таълим тизими.

**Ўқитишнинг эвристик методи** - 1) таълимда янгиликларга элтувчи метод ва қоидаларни излаш (Д.Пойа). Эвристик метод моҳияти қуйидагидек изчиликда тузилган режа орқали амалга оширилади: а) масаланинг қўйи-

лишини тушуниш; б) масалани ечиш режасини тузиш; в) тузилган режасини амалга ошириш; г) орқага назар ташлаш (ҳосил қилинган ечимни текшириш); 2) ўқитувчи томонидан тахсил олувчилар учун ўтиладиган мавзу материалининг мазмунини муаммо қилиб қўйиш ва мақсадга томон йўналтирувчи саволлар тизимидан фойдаланиб, уларни муаммони ҳал қилишга йўллаш методикаси.

**Ўқитувчи** - умумий ўрта таълим, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим-тарбия ишларини амалга оширадиган, ўқув жараёнига раҳбарлик қиладиган педагог-мутахассис.

**Ўқитувчи, муаллим** - турли йўналишдаги ўрта умумий таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида ўқувчилар билан таълим-тарбия ишларини амалга оширадиган мутахассис.

**"Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи** - Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги муассаса. "Ўқувпеддавнашр" номи билан 1936 йилда ташкил қилинган (1950-1959 йилларда яна шу ном билан аталган).

**"Ўқитувчи портфели"** - ўз мажбуриятларига оид ёзувлар, иш режаси, ўзи ишлаб чиққан ўқув материаллари намунаси, тестлар, ўқувчилар учун вазифалар, дарс ва бошқа тадбирлар аудио-видео ёзув намуналари мажмуи.

**Ўқитувчилар жамоаси** - ягона мақсад, таълим-тарбия методикаси асосида бирлашган ўқитувчилар жамоаси.

**Ўқитувчиларнинг методбирлашмалари** - у ёки бу ўқув предмети ёхуд бошланғич синф ўқитувчиларининг вилоят, туман халқ таълими бўлими таркибида фаолият кўрсатувчи уюшмаси.

**Ўқитувчилар малакасини ошириш** - амалий малакани такомиллаштириш, яъни билимлар билан қуроллантиришга қаратилган таълим жараёни.

**Ўқитувчининг инновацион фаолияти** - ўқитувчининг ижодий куч-қувватини ифодаловчи ижтимоий-педагогик жиҳатдан янги бўлган фаолият қирраси.



**Ўқитишни табақалаштириш** - услубий, психологик, педагогик ва ташкилий-бошқарув тадбирлари мажмуаси асосида тузилган турли хилдаги гомоген гуруҳларда ўқитиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш жараёни.

**Ўқитишнинг дедуктив методи** - хулосаларни умумлаштиришга қаратилган таълим методи.

**Ўқитишнинг индуктив методи** - ўқув жараёнида хулоса қилиш, ягона фикрга келиш, яқунловчи хулоса чиқаришга асосланган ўқитиш методи.

**Ўқитишнинг инновацион шакли** - ўқувчилар фаолияти ва дарсни ташкил этишнинг янги ноанъанавий йўли.

**Ўқув** - муайян ҳолат, шарт-шароитни яратувчи имкониятлар уйғунлиги, айрим ҳолат ва шарт-шароитлар.

